

قلمستان
ГУЛИСТОН
10
1990





Улуғ мутафаккирлар Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомий

Рассом Малик НАБИЕВ асари



Гурунг. Кулоллар Муҳаммадҷонов, Виктор Шурнов ва Юрий Магай ясаган асарлар. Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



№ 10 (488)

Октябр
(ақраб)

1990

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир ҳайъати:

Б. АМИНОВ,
С. АЗИМОВ,
Х. ДАВРОН,
Н. ИБРОҲИМОВ,
Ҳ. ЗИЕЕВ,
ШУКРУЛЛО
И. СУЛАЙМОН,
Д. ҒУЛОМОВА,
У. МИРЗАЕР
(масъул котиб)
Э. МУҲАММАД,
А. КАРИМ,
С. УСМОНОВ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари).

Бош мусаввир
М. Абдуллаев.
Саҳифаловчи
Б. Тўхтабоев.
Мусахҳих
Ҳ. Абдиев.

«Гулистон» — ежемесячный, общест-
венно-политический, литературно-ху-
дожественный журнал ЦК КП Уз-
бекистана.

Редакция телефонлари: бош муҳар-
рир — 33—35—20; бош муҳаррир
ўринбосари — 33—35—90; масъул
котиб — 32—58—33; ижтимоий-сиё-
сий бўлим — 33—36—02; адабиёт ва
санъат, фан ва маданият бўлим-
лари — 33—36—59; мусаввирлар бў-
лими — 32—58—77.

Бўстонлик ноҳиясидаги «Бўстонлик» давлат хўжалигида бу
йил ғалладан мўл ҳосил олинди. Суратда: Ғалаба қишлоқ Шў-
роси райси Н. Ғуломов, (чапдан) ишчи П. Юнусов, хўжалик
сардори Р. Тожиёв ва ноҳия кўмитаси райси муовини В. Қодиров-
лар.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



БУ СОНДА:



Нуриддин МУҲИДДИНОВ:

Буюк ватандошимиз — Ўрта Осиё (Моваро-
уннаҳр) олимлари ва ёзувчилари қиламига
мансуб кўплаб қимматбаҳо китоблар ва қўл-
ёзмалар хорижий мамлакатларда, кўпинча
эса, хусусий жамғармалар ва кутубхоналар-
да сақланмоқда. Ана шу миллий бойликлар-
ни ўз Ватанига қайтариш йўл-йўриқларини
ўйлаб кўриш фойдадан холи бўлмас эди.



Бўрибой АҲМЕДОВ:

...Ҳа, Улуғбек мирзо Самарқандни обод қи-
лишга катта ҳисса қўшди. У Амир Темур
даврида бошланиб тамомланмаган бир талай
биноларни ҳам қуриб битказди...



Абдумажид АЗИМ:

Қонимда йўғрилди ажиб маъволар,
Кўксимдан қуйилди турфа наволар,
Ахтардим зулматдан оппоқ зиёлар,
Рухимда туғилди сўнмас Дунёлар.

ЯНГРА, ОНА ТИЛИМ

В. И. Ленин миллий тилларга кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасигина деб қарамасди, балки авваломбор ана шу тиллар асосида халқлар, уларнинг тақдири, маданиятлари, тарихлари ва қолаверса инсоний ҳуқуқлари борлигини тўла англаб етган эди. Шу сабабли ҳам Владимир Ильич ўзининг миллий масалаларга бағишлаб ёзган асарларида миллий тиллар ва уларнинг раванкига алоҳида эътибор берди. У партиянинг олдига қўйган биринчи вазифа — миллий масала ҳақида тўхталиб: «...аҳолига ўз она тилида маълумот олиш ҳуқуқи берилсин, бунинг учун давлат ва маҳаллий бошқарма идоралари ҳисобидан керакли миқдорда мактаблар очилсин; ҳар бир фуқаро мажлисларда ўз она тилида гапириш ҳуқуқига эга бўлсин», деб кўрсатган эди (В. И. Ленин. ТАТ. 7-том, 315-бет). Партиянинг II съезди, 1903 йилда қабул қилган дастурида белгиланган бу вазифалар унинг кейинги дастурларида ҳам ўз аксини топганлигига қарамай яқин тарихимизда ленинча миллий сиёсатдан чекинш, бузилиш ҳоллари содир бўлди. Бунда айрим партия ва давлат раҳбарларининг нотўғри олиб борган сиёсатлари, халқлар ўртасида байналмилалчиликни вужудга келтиришдаги шовма-шошарликлар ва уларни назарий жиҳатдан рағбатлантирган олимларимизнинг ҳам хатолари катта бўлди. «Интернационализм байроғи» остида асосиз, шовқалоқлик билан чиқарилган хулосалар жамиятимизда миллий масалаларни чигаллаштириб юборди. Натижада кичик халқларнинг миллий мактабларини ёпиш, ялписига рус тилида ўқитишга мажбур қилиб қўйиш миллатларнинг интернационалашуви деб хаспўшланди. 1961 йил 3 январда Молдавия ССР Маориф Министрлиги томонидан чиқарилган буйруқда «Гагауз» тилида ўқитиладиган бошланғич синф ўқувчиларини рус тилида таълим олишга ўтказиш ҳақида»ги қарори бутун бошли бир халқнинг она тили устидан чиқарилган ўлим ҳукми бўлди.

Мана шундай қарорлар ва турли нуқтаи назарлар натижасида 1926 йилги аҳолини рўйхатга олиш вақтида қайд этил-

ган СССРдаги 194 та миллий тил 1979 йилга келиб 101 тага тушиб қолди. Маориф ишлари эса атиги 52 тилда олиб борилди. Бутун бошли эл ва элатлар ўз она тилларини бутунлай унуттишгача бориб етдилар. Қаранг, XII—XIII асрларда ўлик тилга айланган сўғд тилининг бир бўлаги сифатида намоён бўлиб келаётган Тожикистон ССРнинг тоғли ноҳияларида истиқомат қилувчи ягнобийлар тили даврнинг шафқатсизлиги натижасида уларнинг турли тарафларга кўчирилиш оқибатида мангу йўқликка юз тутди. Бу халқ тилида мулоқот қилувчилар сони XX аср ўрталарида атиги икки минг киши атрофида эди. Ешлар эса умуман ўз она тилларини билмайдилар. Мана шундай ҳолларни бошқа миллатлар тақдирларида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўтган йилларда нафақат кичик халқлар, балки айрим жумҳуриятларда яшовчи туб аҳолининг вакиллари ҳам ўз она тилларида таълим олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1989 йил 20 октябр кунги сонида тарихчи олим П. Г. Ким томонидан эълон қилинган «Уйдирма ва ҳақиқат» номли мақоладаги бир манба эътиборимизни тортди. Олимнинг олиб борган тадқиқотлари натижаси шуни кўрсатадики, Россия императори томонидан берилган фармонга кўра ўтказилган рўйхатга олиш даврида аҳолининг саводлилик даражаси биргина Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг кўрсатмасига биноан анкета варақасига киритилган бўлиб, у ҳам «Рус тилида гапира оладими?» деган саволга жавоб тарзида ўтказилган ва шунга қараб саводхонлик даражаси аниқланган. Демак, мана шу манбаларга асосланган ҳолда айтишим мумкинки, биргина Фарғона водийсининг ўзида аҳолининг икки фоиздан кўпроғи рус тилида мулоқот қила олган. Аммо мана шу кўрсаткич яқин-яқинларгача ҳам: «Улуғ Октябр инқилобигача Ўзбекистонда атиги икки фоиз аҳоли саводли бўлган», деган мажҳул фикрни туғдиришга асос бўлиб хизмат қилди ва у ўзбек халқининг маданий ҳаёти тарихига аёвсиз босилган тамға вазифасини ўтади.

Ўзбек халқининг рус тилини ўрганишга бўлган қизиқиш ихтиёрийлик даражасидан чиқиб ниқоблантирилди. Байналмилалчиликни, миллатлараро бирдамликни вужудга келтириш учун рус тили биринчи даражали восита, деб ҳисобланди, бу тилда ўқитиш соатлари кўр-кўрона оширилгандан ошириб борилди, рус тили кунлари вужудга келди. 1970 йилларнинг охириларига келиб бу тилни ўрганиш даражаси вилоят партия кўмитаси котибларининг ёзма ҳисоботларига киритилди ва улар ўқувчиларнинг тил билиш миқдорини рақамлар билан белгилашгача бориб етди. Мана шундай дастакларга асосланган ҳолда ленинча миллий масалани ҳал этишда эришилган натижалар мутлоқлаштирилди, миллий муносабатларга, тил масалаларига чинакамга маъмурий кўз билан қарадилар. Ҳатто партия ва давлат идораларида ишловчи кишилар ўзбек тилида гапиришдан уялдиган бўлиб қолдилар. Улар атрофдагиларнинг ҳаммаси ўзбеклар бўлса-да, рус тилида гапиришни ўзларига мансаб билдилар. Мана шунинг учун ҳам айрим собиқ раҳбарларнинг бугунги кунда тутган фожиали аҳволига ҳеч кимнинг ичи ачима-япти. Чунки улар халқдан, Ватанидан узоқлашган эдилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил Апрель пленуми томонидан илгари сурилган ва мамлакатнинг барча жабҳаларида партия олиб бораётган қайта қуриш сиёсатида ленинча миллий тил сиёсати ҳар қалай ўз аксини топди. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси томонидан қабул қилинган «Миллатлараро муносабатлар тўғрисида»ги қароридан «СССРдаги барча граждандарнинг она тилларини эркин ривожлантириш ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш — кўп миллатли давлатимизнинг энг муҳим принциpidир», деб таъкидланди. Мамлакатда ленинча миллий сиёсат ғояларининг қайта тикланиши натижасида қатор миллий жумҳуриятлар, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам жумҳурият номи билан юритиладиган тилга Давлат тили мақоми берилди.

Маълумки, ўзбек тилига Давлат тили ҳуқуқи берилиши ара-

фасида ҳам айрим шахслар бунга қарши туриб ўз қарашларини Ленин ғоялари билан ниқоблашга уриндилар. Турли баҳоналарни рўкач қилиб, Давлат тили ҳақидаги қонунни қабул қилиш ишини пайсалга солиб келдилар. Ва бу билан ўзларининг халқ билан ҳисоблашмасликларини яна бир бор намоён этдилар. Масаланинг қизиқ тарафи шундаки, В. И. Ленин кўп миллатли Россияда миллий тилларнинг эркин ривожланишини қўллаб-қувватлаб чиққанлиги сабабли ҳам Грузияда Совет ҳокимияти ўрнатилгач, 1922 йилда қабул қилинган жумҳурият конституциясига грузин тилини расмий равишда Давлат тили деб киритилишига қарши чиқмади. Арманистон ССР, Озарбайжон ССРда ва ҳатто 1918 йили Туркистон Коммунистик партиясининг биринчи съездида ерли халқлар тили давлат тили даражасига кўтарилганида уларга хайрихоҳ бўлган эди. У Совет давлатининг биринчи ҳужжатларидаёқ «Россия халқлари ҳақ-ҳуқуқлари Декларацияси», «Россия ва Шарқнинг мусулмон меҳнаткашларига мурожаат», РСФСРнинг 1918 йилда қабул қилинган биринчи Конституцияси ва қолаверса партиянинг X съездида великорус бўлмаган халқларнинг ўз она тилларида матбуот, мактаб, театр, даъватхона ишларини ва умуман маданий-оқартув муассасаларини ривожлантириш, она тилида ҳам умумий, ҳам ҳунар-техника таълими берадиган курс ва мактабларни кенг миқёсда йўлга қўйиш ва ривожлантиришда ёрдам бериш вазифаларини қўйди ҳамда чекка ўлкаларда ишлаётган, «ҳоким» миллат бўлиб яшаш шароитида ўсган ва миллий зулм кўрмаган великорус коммунистларининг партия ва советлар ишида миллий хусусиятларнинг аҳамияти кўпинча камситишлари ва бу улар билан ҳисоблашмаслик, ўз ишларида миллатларнинг синфий тузилиши, маданияти, турмуши ва тарихий ўтмишининг хусусиятларини назарга олмаслик партиянинг миллий масалада тутган сиёсатини сийқалаштиради ва бузади», деб кўрсатган эди.

В. И. Ленин кўп миллатли давлатда миллий масалада миллий тилнинг тутган ўрнини жуда

зийраклик билан кўра билди. Мана шунининг оғирлиги олган ҳолда у ўзининг сўнги хат ва мақолаларидаги васиятларида: «Миллий тилни иттифоқимизга кирган ўзга миллий жумҳуриятларда ишлатиш ҳақида жуда қатъий қоидалар жорий қилиш ва бу қоидаларни жуда пухта текшириб туриш керак. Шубҳа йўқки, темир йўл хизматининг бирлиги баҳонаси билан, қонунқоидалар бирлиги ва шу қабилар баҳонаси билан бизда, ҳозирги аппаратимиз шароитида кўндан-кўп гирт русча тахлитдаги суиистеъмоллар бўлиши турган гап. Бу суиистеъмолларга қарши курашмоқ учун алоҳида моҳирлик зарур. Бунда батафсил ишланган қонунлар мажмуаси керак бўлади, бу қонунлар мажмуасини фақат шу жумҳуриятларда яшовчи кишиларгина бир қадар муваффақият билан туза олади», деб таъкидлаган эди. Ленин ғояларининг нақадар тўғри эканлигини ҳаёт яна бир бор исбот қилиб берди.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши, — дейишди жумҳурият ҳукумати томонидан қабул қилинган «Ўзбекистон ССР Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни амалга ошириш ҳақидаги давлат дастурида, — боғлиқ масалалар ҳал этилганлигини билдиради. Айни вақтда бошқа миллат вакиллариининг ўзбек тилини ўрганишларига ёрдам бериш ва уларни рағбатлантириш Ўзбекистон ССРда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш тўғрисида давлат ҳамда жамият раҳбарлиги билан уйғунлаштирилади. Партия ва ҳукумат томонидан жумҳуриятда яшаётган миллат ва элатларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш учун барча чора-тадбирлар кўриломоқда. Аҳолининг она тилида таълим олиш хусусидаги эҳтиёжлари тўлароқ қондирилмоқда. Бугунги кунда 259 мактабда болаларга тожик тилида, 491 мактабда қозоқ тилида, 52 мактабда туркман тилида, 40 мактабда қирғиз тилида, 12 мактабда юнон тилида, 7 та синфда корейс тилида таълим берилмоқда ва уларнинг сони кундан-кунга ошиб бормоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги олий ўқув юртиларида, Самарқанд ва Нукус дорилфунунларида тожик, қозоқ, қримтатар, корейс тилларида таълим берилмоқда. Бундан ташқари совет корейслари, Бухоро яҳудийлари, уйғурларнинг ва бошқа миллат вакиллариининг миллий-маданий жамиятлари ўз она тиллари ва маданиятлари раванқи йўлида иш олиб бормоқдалар.

Жумҳуриятда истиқомат қилувчи бошқа миллат вакиллариининг ўз она тиллари билан бир қаторда ўзбек тилини ўзлаштиришлари бу халқнинг маҳаллий миллат вакиллари билан янада яқинлашишларига, бу халқ урфодати, маданияти дурдоналаридан тўла равишда баҳраманд бўлишларида янги уфқлар очиб беради.

Бугунги кунда ўзбек бўлмаган аҳоли орасида ўзбек тилини ўрганишда завод, фабрика ва жойларда ташкил этилган тўга-

раклар маълум миқдорда иш олиб бормоқдалар. Кўп ҳолларда бу борада вужудга келаётган муаммолар иқтисодий масалаларга бориб тақалмоқда. Мана шу ўрнида бир савол тугилади. Нима учун аксарият ҳолларда бу тўгаракларнинг харажати касаба уюшмалари зиммасига тушмоқда. Ахир аҳолининг ўзбек ёки рус тилини ўрганиши улар орасидаги байналмилалчилик муносабатларини вужудга келтиради-ку. Байналмилал тарбия эса партия ва комсомол ташкилотларининг биринчи даражали вазифалари эмасми? Шундай экан, уларни бу тўгаракларнинг фаолият кўрсатиши учун сарфланган харажатларни ўз зиммаларига олишлари мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Маълумки, ҳозирги даврда мамлакатимизнинг иқтисодий аҳоли жуда оғир. Мана шундай шароитда давлат ва хўжалик ишларини Давлат тилига ўтказиш кўплаб сарф-харажатларни талаб қилади. Масалан, Ўзбекистон ССР Нозирлар Кенгаши қошида Давлат тилини амалга ошириш нозорат қилувчи комиссиянинг 1990 йил 5 январида бўлиб ўтган мажлисида биргина Маиший хизмат министрлигида бу ишларни амалга ошириш учун 7 миллион сўм атрофида маблағ лозимлиги таъкидланди. Шундай экан, ҳозирги шароитда қонунни иқтисодий йўл билан тўла амалга ошириши анча узоққа чўзилиши аниқ. Мана шунинг учун ҳам жумҳуриятда Давлат тилини амалга оширишни иқтисодий томонидан қўллаб-қувватлаш жамғарма фондини ташкил этиш лозим. Наҳотки, бир йилда бир маротаба бўлса ҳам халқимизнинг тарихан синалган анъаналаридан фойдаланиб ҳашар йўли билан тушган маблағни мана шу хайрли ишга сарф қилишнинг иложи бўлмасми?!

Қонуннинг тезроқ амалга ошиши аҳолига ўз она тилини пухта эгаллашига тўла имконият яратади. Бу эса, ўз ўрнида рус ва бошқа жаҳон халқлари тилини янада чуқур, пухта эгаллашга замин яратиб беради.

Ислон ИНОЯТОВ

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАДИ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги Ўзбекистонда яшаётган барча миллатларнинг бу тилга бўлган ҳурмат-эътиборини янада орттирди, десам янглишмаган бўламан. Жумҳуриятнинг давлат тилини билиш ишда ҳам, ҳаётда ҳам фақат муваффақият келтириши шубҳасиз. Буни мен ўз шахсий ҳаётим мисолида кўп бора кўрдим. Ўзим рус бўлишимга қарамай, ўзбек тилини билишим оқибатида жумҳуриятимизнинг кўпгина жойларидаги ўзбеклардан жуда кўп дўстлар орттирдим. Айниқса иш фаолиятимда ўзбек тилини билишим қўл келаётди. Чунки корхонамизнинг кўпчилиги ишчиларини маҳаллий миллат вакиллари ташкил этади. Улар билан мен доимо ўзбек тилида гаплашаман. Бу уларнинг қалбини яхшироқ англашимга, дард ва ташвишларини чуқурроқ тушунишимга имкон беради. Улар билан оғанидек бўлиб кетганман. Ҳамкасбларим ишдан ташқари ўзларининг тўю маъракаларига доимо таклиф этишади. Мен ҳам жон деб бораман. Мен ҳаётда эришган барча ютуқларим учун ўзбек тилидан миннатдорман. Лекин ҳали ҳам орамизда баъзилар ўзбек тилига эътиборсиз назар билан қарайдилар. Бундайлар қаттиқ янглишадилар. Шу заминда яшар эканмиз, унинг одамларига, урфодатига, тилига ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишимиз лозим. Шахсан менинг ўзим ўзбек тилининг барча соҳалар фаолиятида тезроқ ва кенгроқ қўллашнинг тарафдориман. Ўзбеклар «тил билган эл билади», деб бекорга айтишмаган. Бу ҳақ сўз!

Борис СУДАРИКОВ,
Тошкентдаги ёгочни қайта
ишлаш заводи директори
муовини

ҚОНУН ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН

Ҳазрат Навоий: «Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз» деган иборани ниҳоятда топиб айтган эканлар. Биз Тошкент ноҳиясида истиқомат қиламиз. Ноҳия аҳолисининг аксариятини ўзбеклар ташкил қилади.

Яқинда кенжа фарзандимизга туғилганлик тўғрисида гувоҳнома олиш учун граждандлик ҳолатларини қайд этиш бўлимига учрадим.

Гувоҳномани расмийлаштиришга зарур бўладиган ҳужжатлар намунаси осиб қўйилган тахтачага яқинлашдим. Афсуски, мазкур бўлим йўлагига аҳоли эътиборига ҳавола этишган барча ҳужжат намуналари ўрис тилида ёзилганини кўриб, ҳафсалам пир бўлди. Ахир бу ерга мурожаат қиладиганларнинг асосий қисми ўзбеклар-ку?! Ҳеч бўлмаганда шу ёзувларни ўзбек ва рус тилларида ёзиб қўйишса бўлмасмикин?! Давлат тилига эътиборсизлик ва ҳурматсизлик биргина мана шу сингари идораларда эмас, балки Тошкент ноҳиясидаги аксарият давлат идораларида ҳам кўриш мумкин. Ноҳия касалхона ва туғруқхонасидаги ёзувлар ҳам фақат ўрис тилида. Камдан-кам ўзбек тилида ёзилган, улар ҳам «ғиж-ғиж хато. У ердагилар қонундан беҳабар, ғафлатда ётибдилар ёки билсалар ҳам ўзларини ортиқча ташвишга қўймаётдилар. Ваҳоланки шу пайтгача бизда хайрли қонун ва қарорлар қоғозларда қолиб кетмади! Тилимиз тўғрисидаги қонун ҳам «ура-ура»лар билан бошланиб, охири сароб бўлиб чиққан қонунлардан бирига айланиб қолмаслиги зарур. Ишларнинг бориши, бундан кейинги давом этиши ҳам шу маромда бўлса, ҳеч қачон тилимизнинг бўйи-бастини тиклай олмаймиз. Менимча, давлат тилига ўғай кўз билан қараётган кимсаларни юзхотир қилиб ўтиришнинг фурсати ўтди.

Раъно ЖУНАЙДУЛЛАЕВА,
Тошкент ноҳияси



Тошкентдаги ёгочни қайта ишлаш заводи директорининг муовини Б. Судариков ишчилар даврасида.

Сураткаш Р. Нурибоев

МУАММОЛАР

ИЛДИЗИ

ЧУҚУР

Кўп йиллик ачиқ тажриба қандай ишламайлик — хоҳ у давлат буюртмаси ёки давлат йўли билан маҳсулот етказиб бериш бўлсин — фақат арзимаган самара келтиришини кўрсатиб турибди. Чунки бундай тутум инсоннинг ижодий ташаббусини фалаж қилади, ундаги эгалик ҳиссини йўқотади. Норозилик келтириб чиқаради.

Чуқур ўйлаб айтилган ушбу сўзлар Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримовнинг жумҳуриятнинг иқтисодий мустақилликка ва бошқариб туриладиган бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига бағишланган кенгашдаги нутқидан олинди.

Ҳақиқатан, мустақиллик ва эркинлик чинакамига қарор топган жойдагина ташаббускорлик қанот ёзади, завқли меҳнат учун шароит пайдо бўлади, моддий-маънавий эҳтиёжлар қондирилишига имкониятлар юзага чиқади.

Ҳозирги пайтда эса, иттифоқ идораларининг сон-саноксиз низомлари ва йўл-йўриқлари жумҳуриятнинг қўл ва оёғини тушовлаб қўйганлиги ҳеч бир кишига сир эмаслигини ўртоқ И. Каримов ўша нутқидан таъкидлаб ўтди.

Мана, қўлимизда СССР Молия министрининг 1989 йил 15 декабрдаги 148-рақамли буйруғи. Фарғона вилоятидаги Ленинград ноҳияси молия бўлимининг мудир Г. Тожиев имзо чеккан ушбу буйруқ Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бошқарувига шу йил март ойида 103-рақамли расмий хат билан етказилган. Демак, бундай буйруқни жумҳуриятнинг барча жамоа ва шўро хўжаликлари ҳам олишган. Унинг мазмунини билан танишиб, ёқа ушламасдан иложин-

гиз йўқ. Яъни, бу юқоридан юборилган расмий кўрсатмага биноан — ишлаётган олий маълумотли ҳар бир ходим учун хўжалик йилига 600 сўмдан пул тўлашга мажбур қилиб қўйилган.

— Кўпгина юқори иттифоқ идоралари ва юқори ташкилотлар, худди «Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда — ҳозир», қабилада иш тутишяпти, — дейди хомуш тортиб ноҳия фирқа қўмитасининг котибаси Ҳалима Холматова.

— Бундай кўрсатмаларга қарши чиқиб, ушбу маблағни тўламай қўйиш мумкин эмасми? Саволимдан хўжалик раиси Убайдулла Эгмов мийиғида кулиб:

— Улар биздан сўраб ўтиришмайди. Тортиб олишади. Вассалом. Ундан кўра, улар талаб қилган нарсани ўз ихтиёримиз билан берганимиз афзал, — дейди.

Шундай қилиб битта жамоа хўжалиги меҳнатқашларнинг пешона терларидан топилган 3 минг 600 сўм пулни молия вазирлигининг чўнтагига солиб қўйишга мажбур бўлди. Лекин бошқарув (аслида итоатгўй) ходимлари яна хавотирда: Мабодо молия вазирлигининг иштаҳаси зўриқиб, ҳар бир олий маълумотли бригадир, боғча мудираси, ўқитувчи ё шифокор учун ҳам йилига шунчадан пул талаб қилса нима қилишади?..

Хўжаликларга амалдаги мустақиллик керак. Турли хил минбарлардан минг бора жаранглаётган бу ҳаққоний сўзлар маъмурий-буйруқбозлик системасининг ҳамон мустаҳкам зирҳли қалқонига урилиб чил-чил синмоқда. Акс ҳолда, худди шу кунларимизда қайта қуриш шарофати билан турмушимизнинг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар содир бўлаётган бир пайтда наҳотки маълум хўжалик ижтимоий соҳага ажратилган ўз маблағи эвазига оддийгина совутгич (холодильник) ва ойнаи жаҳон сотиб олиш ва дала шийпонларини жиҳозлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум бўлса?!

Деҳқондан шу пайтгача фақат ва фақатгина иш талаб қилиб келинди. Жумҳурият раҳбарияти бевосита деҳқоннинг моддий, маънавий ва маданий эҳтиёжларига юз буриш, унинг кўнглини топиш, ғамхўр ва меҳрибон бўлиш ҳақида чинакамига жон куйдираётган бир пайтда маъмурий-буйруқбозликнинг оқава усуллари ҳамон ҳукм сурмоқда, мустақилликка жой беришни истамайтир.

— Яхшигина дала шийпонларимиз бор, — дейди хўжалик фирқа ташкилотининг котиби Обиджон Юсупов. — Жазирама айни авжига чиққан маҳалда деҳқон яна шу ерда бироз тин олади. Лекин совутгич қурилмаси, ойнаи жаҳони, радио бўлмаса қандай қилиб уни оромгоҳ деб аташ мумкин? Гап шундаки, буларни нақд пулга сотиб ололмаймиз. Чунки бу нарсалар қачонлардир юқоридан тасдиқланган ва ҳамон амал қилаётган кўрсатма-рўйхатларга киритилмаган.

Ҳа, ҳақиқий ҳол ана шундай. Деҳқонга чинакам ғамхўрлик борасида айтилган ва айтилаётган самимий сўзлар билан амалий ишлар ўртасидаги чоҳ қоғоз «ҳазратлари»нинг бир силтови билан янада чуқурлашиб бораётганини англамасдан илож йўқ. Наҳотки хўжаликнинг қурби етадиган арзимас нарсани дўкондан сотиб олиш ҳам ҳамон марказнинг измида бўлса?!

Намунча мақола муаллифи совутгичу ойнаи жаҳонга ёпишиб олди, бундан муҳимроқ муаммолар ҳам бир хўжаликда мавжуд эканлиги сир эмас-ку, деганнамо эътироз бўлиши мумкин. Албатта, миқёсни агар каттароқ оладиган бўлсак, жумҳуриятимизда нурай-нурай деб турган мактабларнинг 75 фоизи қишлоқларда эканлигини, 75 фоиз қишлоқлар газлаштирилмаганлигини, аҳолининг кўпчилиги қисми ичимлик сув билан таъминланмаганлигини, қишлоқ кичкинтойларининг атиги 27 фоизгина боғча-ясилларда тарбияланаётганликларини, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қишлоқларда шаҳардагига нисбатан олти баробар камлигини, булар ўша машъум маъмурий-буйруқбозлик сис-

темасининг мероси эканлигини эътироф этишимиз лозим бўлади. Ва, бошқа томондан, ана шу система жон талвасасидаги тазйиқи ва ҳукми билан қайта қуриш ишларига панд бериш иштиёқидан ҳали-ҳамон қайтмаганлигини эътибордан соқит этмаслик керак.

Хўжалик раҳбариятининг бошини қотирадиган муаммолар талайгина. Шулардан бири — хўжалик ихтиёрида бўлган маданий-маиший-асосий воситалардан ҳар йили бир фоиз миқдорда давлатга бадал тўлаш масаласи. Мактаблар, боғча-ясиллар, томошагоҳ ва кутубхона бинолари ҳам ана шу воситалар доирасига киради. Охунбобоев номидаги хўжаликда мазкур биноларнинг қиммати 8 миллион сўм миқдорда белгиланган. Демак, хўжалик йилга кўп эмас, оз эмас, 80 минг сўм ҳажмида бадал тўлайди. Агар хўжалик 1995 йилгача 3 миллион сўм миқдорда мактаблар, боғча ва клублар қурилиши учун дастур қабул қилганлигини инобатга олсак, бадал ҳажми янада ортиши ўз-ўзиндан равшан. Устига-устак, йил бошидан ёниги ва минерал ўғитлар нархи анчагина кўтарилиб кетди. Аммиак селитраси тоннага 57 сўмдан 90 сўмга, аммофос 115 сўмдан 215 сўмга, бензиннинг литри 15 тийиндан 19,5 тийинга, солянкани эса 6,6 тийиндан 145 тийинга ошди. Биргина солянканиннг ўзига сарф этилган харажат ўтган йилнинг худди шу муддатига нисбатан хўжаликнинг 40 минг сўмга яқин пулини ўтариб кетди.

Хўжалик бошқарувчи раиси Убайдулла Эгмов ҳамда жамоа бош бухгалтери Эрали Хусанов яна бир бошқотирмага эътиборимизни жалб этди: маълумки, етиштирилган пахтаниннг таннархи оширилди, агар илгари ҳар тонна хомашёга 800 сўмдан тўланган бўлса, эндиликда ўрта ҳисобда 210 сўмдан кўшимча ҳақ белгиланган. Бу — яхши. Бироқ масаланиннг бошқа томондан чигил жиҳати юзага чиқиб қолди. Яқиндагина — бундан уч йил муқаддам тола сифат режаси 30,6 фоиз қилиб белгиланган бўлса, ҳозирга келиб бу талаб 32,6 фоизга кўтарилди, натижада хўжалик даромади 112 минг сўмга қисқарди. «Эски ҳаммом — эски тос» деганларидек, пировард натижа — хўжалик аъзоларининг ўртача маоши қандай бўлса, шундайлигича ўзгармай қолди, яъни 70 сўмдан 130 сўмгача маош олинади.

— Жумҳуриятимиз Президентининг бир қатор фармонлари, жумладан кўп болали оналарга бериладиган нафақаларнинг оширилиши, уруш ва меҳнат ветеранларига имтиёзлар, кишиларга томорқа ва иморат қуриш учун ер бериш, шахсий хўжаликларнинг молларига жамоа ва шўро хўжаликлари томонидан емаҳша ажратиш ҳақидаги қарорлари меҳнат аҳлини ниҳоятда хушнуд этди, — дейди ноҳия фирқа котибаси Ҳалима Холматова. — Икки йил бўлдики, хўжаликларда икки ёшгача бўлган гўдаклар сут, тухум билан бепул таъминланмоқда, бошланғич синф ўқувчилари бепул овқатлантирилмоқда, камқонли оналар, ногиронларга ҳам иложи борича ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ана шу боғчаларга, мактабларга, эҳтиёжманд хонадонларга тарқатилаётган маҳсулот хўжаликларнинг ишлаб чиқариш режасига биркитилди. Лекин, юқори идораларнинг ишончсизлигини қарангки, ана шу маҳсулотларни марказлаштирилган қабул пунктларига топшириб, маълум қоғозбозлик чиғиридан ўтгач, уни яна қайтадан жой-жойларга тарқатишимиз керак.

— Бунга яна қўшимча машина ажратиш, одам ажратиш керак. Қаёқдаги даҳмазаларни ўйлаб топишади! — луқма ташлайди раис.

Ҳа, юқорида айтганимиздай, маъмурий-буйруқбозлик системасининг оқовалари ўз ўзанини осонликча бўшатмайдиган кўринади, аксинча, қаерда ана шундай имконият учун туйнук очилса, ўзини зўр бериб ўша ерга уради. Яна қоғозбозлик, буйруқбозлик, сансалорлик... Хўжаликларнинг энди-энди юзага чиқаётган мустақиллигига раҳна солиш, бизнингча, ана шундай кичик нарсалардан бошланиб, агар ўз пай-

тида парво қилинмаса ва олди олинмаса, тобора газак олиб кетавради. Ахир, сутми, тухумми, гўшти — хўжаликнинг ўзида етиштирилган маҳсулотни ортиб, элиб, тушириб, яна қайта олиб келиб тарқатгандан кўра, бу жараёнларни ҳеч бир даҳмазасиз шу ернинг ўзида реализация қилиш қулай ва фойдали эканлиги оддий мантиқдан келиб чиқадиган хулосаку!

— У ҳолда маълум идоралар нима билан шуғулланишни билмай қолади-да, — гапга аралашади суҳбатимизда ҳозир бўлган Садриддин Юнусалиев. Бу киши ноҳиянинг бош ер тузувчи муҳандиси — яқинда бу лавозим вилоят ижроия қўмитаси қошидаги давлат ер ишлари бўйича назоратчиси қилиб ўзгартирилди. Бу билан ер тузувчи муҳандиснинг вазирлиги маълум даражада кенгайди.

— Жумҳурият партия ташкилоти ва ҳукуматининг деҳқонларга уй-жой қуриш учун ер ажратиш ва томорқа майдонларини кенгайтириш ҳақидаги қарорини шахсан мен жасорат билан қабул қилинган қарор деб биламан, — дейди Садриддин ака. — Йигирма йилдан зиёд ер тузувчи бўлиб ишлайман, бир парча ерга одамларимиз қанчалар зор бўлиб яшаганларидан жуда яхши хабардорман. Ниҳоят уларнинг кўксига ҳам шамол теғди. Ноҳия бўйича жами 16 минг 398 хонадонга пахта майдонларидан — ҳайдаладиган ерлардан 1667 гектар майдон ажратиб берилди. Меҳнаткашларимиз ниҳоятда хурсанд.

— Бизда уларга ҳам уй-жой қуриш ва томорқа учун 170 гектар ер майдони берилди, — дейди хўжалик раиси. — Энди ҳамма гап уларни қурилиш хомашёлари билан, газ ва ичимлик суви билан таъминлашда қолган. Йилига 1,5 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган корхонамиз қувватини бу йил 2 миллион донга етказмоқчимиз. Қиладиган ишларимиз бир талай: йигирма йилдан буён ишлатилариб чириб кетган сув қувурларини алмаштириб, янгиларини ўтказиш; ҳар бир маҳаллада чойхоналар барпо қилиш; ҳар бирининг умумий қиймати 800 минг сўмлик бўлган иккита мактаб қуриш; янги замонавий клуб бунёд этиш — буларнинг барчаси ана шу ерда истиқомат қилувчи жамоа аҳли учун ва уларнинг меҳнати эвазига барпо қилинади. Лекин баъзи идораларга ҳайронман, иложи борича хўжаликларнинг ризқи-насибасини қийиш билан овора. Назаримда, улар хўжаликларга ён бошиш эмас, топган даромадларини туя қилиш пайида юргандайлар.

Дарҳақиқат, қайта қуриш ва демократия жараёнлари билан қоришиб шиддатли тус олган ҳаётнинг ўзи кўпинча қутилмаган муаммоларни ҳам юзага қалқитиб чиқармоқда. Раиснинг яна бир масалада боши қотганича бор: уй-жой қуриш ва томорқа учун пахта майдонларидан ер ажратиб берилди, лекин белгиланган пахта мажбуриятлари бир ботмонга ҳам камайтирилгани йўқ. Раиснинг хомчўтига қараганда, бу нарса хўжаликни 360 минг сўм устама ҳақдан маҳрум қилади. Албатта, раис инсон сифатида кишиларнинг яшаш шароитлари яхшиланиб бораётганидан хурсанд, лекин хўжалик раҳбари сифатида кўпчиликнинг кўзидан пинҳон бўлган муаммоларни ҳал этишга масъул, шу маънода жамоа аҳлининг манфаати унинг ўз манфаатидай гап. Кўп ҳолларда қўлоғи боғлиқ, эрки ўз ихтиёрида эмас. Ахир молия вазирининг буйруғидай тазйиқ ва ҳукм маъносида бирорта олий даргоҳнинг қутилмаган кўрстмаси лоп этиб пайдо бўлиб қолиш мумкинлигидан, ана шу ҳадик туйғусидан ким уни муҳофаза эта олади?

— Мустақиллик — ўз масъулиятини чинакамага чуқур ҳис этиб эркин ҳаракат қилишда, — дейди раис.

Биз ҳам бу фикрга қўшилган ҳолда, жумҳуриятимизнинг иқтисодий мустақиллиги унинг ҳудудига ҳар бир корхона ва хўжаликнинг иқтисодий мустақиллигига жуда-жуда боғлиқ эканлигига ишонч ҳосил қиламиз. Зеро, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида рўй бериши муқаррар бўлган машаққатлар ва қийинчиликлар, илдишлари ниҳоятда чуқурлашиб кетган ижтимоий ва иқтисодий муаммолар тезроқ ҳал этилишига тилакдошмиз.

Баҳодир АМИНОВ

Мамлакатимизда халқ хўжалигини қайта қуриш жараёни кенг кўламда олиб борилмоқда. Бироқ кузатувлардан шу нарса маълум бўлаптики, кўплаб муаммолар ҳали ҳам ўз ечимини кутаётир. Уларнинг баъзиларини бугун-эрта ҳал қилиш мумкин бўлса, айримларини кейинроқ шошмасдан, ўйлаб, келажак талабларини аниқ ҳисобга олган ҳолда маромига етказиш керак бўлади. Булардан асосийси мутахассислар масаласидир.

Урта мактабни ислоҳ қилиш ҳақида қарор қабул қилинганлиги ҳаммага маълум. Аммо қарорга қай йўсинда амал қилинмоқда? Тўғри, бу борада бир мунча силжишлар бор. Кам бўлса-да ўқитувчиларнинг ойлиги оширилди, баъзи жойларда янги мактаблар қурилди. Аммо кўпчилик қишлоқ мактаблари ҳали ҳам ночор аҳволда. Синф ва тажриба хоналари, компютерлар, электрон ҳисоблаш машиналари, ўқув қуроллари етишмайди. Биргина мисол: 1987 йил апрел ойида Тошкентда ўтказилган XXI Бутуниттифоқ ёш кимёгарлар кўригида барча нуқсонларимиз аён бўлди. Кўрик шартларидан бири кимёвий масала ва машқларни электрон ҳисоблаш машиналари ёрдамида бажариш эди. Иштирокчиларимизнинг асосий қисми шу борада нўноқлик қилишди. Айни пайтда РСФСР, Гуржистон, Болтиқбўйи жумҳуриятларидан келган ўқувчилар анча-мунча ўқувли эканликларини кўрсатишди. Ачинарлиси шундаки, жумҳуриятимиздан биттагина (Тошкентдаги 110-мактабдан) ўқувчимиз учинчи ўринни эгаллаб, Ёрлик билан тақдирланди холос. Бу ҳақда кўрик ташкилий қўмитаси аъзолари ҳам ачинаиб гапирдилар.

Юқорида таъкидланганидек аҳволда ўқувчиларимиздан нима кутса бўлади, қандай қилиб улар орасидан Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Али Қушчи, Қори Ниёзий ёки Обид Содиковлардай алломалар етишиб чиқсин! Узоқ йиллар давомида фанимиз равнақи ёшларимизнинг ҳақиқий билим эгаси бўлиб етишиши чуқур ўрганилмаганлиги, эндиликда бутуниттифоқ миқёсида таниқли академикларимизнинг йўқлигини изтироб билан эътироф этамиз. Бундай аҳволда узоққа бориб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов: «Бизда аввало туб миллат вакилларида малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури сув билан ҳаводек зарур бўлиб турибди. Мактаб курсисидан бошлаб истеъдодли ёшларни танлаш ва рағбатлантириш даркор», деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида қилган маърузасида.

Ана шу муаммоларни ҳисобга олиб, Халқлар дўстлиги орденли Тошкент Политехника институтининг жамоаси кейинги йилларда баъзи зарур ва хайрли ишларни амалга оширишга киришди. Маданиятли, зеҳни ўткир, билимдон, малакали мутахассисларни фақат олийгоҳдагина тайёрлаб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан алоқа боғладик. Бу борада дастлабки қадамлар қўйилди. Корхоналар буюртмаси асосида мутахассислар тайёрлашга киришдик. Бунинг учун корхоналар ҳар бир мутахассисни тайёрлашга камида уч минг сўм тўлаши керак бўлади. Яқинда барча хоҳишсавоқларимизда корхоналар раҳбарлари билан келишиб, барча масалаларни ҳал қилиб олинди. Бундай ҳамкорликлар натижасида олийгоҳимизнинг 50 дан ортиқ минбаргоҳи санат корхоналарида ўз бўлимларини очди. Тошкент Ёғоч буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, Чирчиқдаги Электромашинасаноати, Совет — Италия Елим маҳсулотлари корхонаси, Чинни заводи, Олмалик Кимё заводи, Тошкент Мой комбинати ва бошқа қатор корхоналарда талабалар ҳам ўқиш, ҳам амалий ишларни бажармоқдалар. Битирувчи талабалар деярли бир йил давомида ўша корхоналар-

АМАЛДАГИ

АМАЛИЁТ

да билимларини амалиёт билан боғлаб мустаҳкамламоқдалар. Олийгоҳ ўқитувчилари ҳам, корхона раҳбарлари ҳам бу ишга бирдек жон койитмоқдалар. Талабалар ўзлари бориб ишлайдиган корхонага дастлабки йилдан оқ биркитиб қўйилмоқда. Бу бўлажак ёш мутахассиснинг ишлаб чиқаришни яхши ўрганиб, ишчи, муҳандис-техник ходимлари иши билан яқиндан танишиб олишига имкон беради. Келажакда бундай ёшлар баъзи олий маълумотлиларга ўхшаб, ишни қандай бошлашни билмай довдираб қолмайдилар. Ундан ташқари ёшлар ишига яраша маош оладилар. Меҳнатга муҳаббат қўядилар, одамлар билан муомала қилишни, ташкилотчиликни ўрганадилар. Ҳозирги кунда ана шундай корхоналарга бориб ишлаш истагини билдирган битирувчиларимиз орасида катта саралаш ўтказилмоқда.

Олийгоҳимизга корхоналарда ишлаётган, ҳарбий хизматни ўтаган, колхоз ва совхозларда меҳнат қилиб тер тўкаётган ёшларни жалб қилишга катта аҳамият берилмоқда. Жамоамиз жумҳуриятимизда ривожланиши зарур бўлган соҳалар бўйича ихтисосликлар очиш ва мутахассислар тайёрлашни кўзлаб иш тутмоқда. Талабаларнинг ўқув ва яшаш шароитлари ҳам яхшиланмоқда. Ётоқхоналар таъмирланди. 50 минг ходимлари майдонга эга бўлган янги бинонинг бир қисми яқинда ишга туширилади. Умумтехника фанларини ўқитиш сифати янада яхшиланади. Тажриба хоналар кенгайтирилади.

Қудрат АҲМЕДОВ,
кимё фанлари доктори, профессор.

НАВОИЙНИНГ ЯНГИ ТОПИЛГАН ШЕЪРЛАРИ



Алишер Навоий — жаҳон адабиёти тарихида назири йўқ адиб. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг: «Туркий тил бида то шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқан эмас» («Бобурнома», Т., 1960, 233-б.), дейиши бежиз эмас эди. Афсуски, ҳалигача буюк адибимиз даври, ҳаёти, ижоди ва дунёқарашини тўлиқ, илмий асосда, манбаларга суянган ҳолда ёритиб берадиган асар яратилгани йўқ. Бу масала ўзбек филология фанининг ҳам Навоий, ҳам замондошларимиз олдидаги катта қарзи бўлиб келмоқда.

Алишер Навоий ўз ижодий йўлини ҳали жуда ёш эканида бошлади. «Хазойин ул-маоний» сўзбошиси «Добоча»да шоирнинг ўзи «... кичик ёшдин ўзумни шеърнинг паришон савдосига гирифтор бўлганимнио туфулият замонидин кўнглумни назмининг пароканда вавсосига машъуфу шифтавор бўлганин...» (Навоий, Мукамал асарлар, 3-жилд, 1988, 9-бет), дейди.

Шоир ижодий йўлини, табиийки, йирик асарлардан эмас, балки шеър ёзишдан бошлайди ва то умрининг охиригача шеър ижод этишни тўхтатмайди. Бунга Навоийнинг янги топилган шеърлари ва домла Ҳамид Сулаймон томонидан ишлаб чиқилган Навоий шеърятининг ҳақиқий хронологияси жадвали («Хазойин ул-маоний», 4-жилд, иловаси) яққол исбот бўла олади.

Навоийнинг «Хазойин ул-маоний» мажмуасининг энг қадимий нусхаси Истамбулдаги Тўпқопи Реван сарой кутубхонасида 808-инвентар рақами остида сақланаётган, 1496—1497 йилларда китобат этилган Куллиёт таркибида бизгача етиб келган. Иккинчиси, Ленинграддаги Давлат халқ кутубхонасида 55-инвентар рақами остидаги, 904-1498—1499 йиллари кўчирилган мажмуа. Булардан ташқари, Душанбедаги Шарқшунослик институтида сақланаётган 905-1499—1500 йилда

кўчирилган «Хазойин ул-маоний» ва Париж Миллий кутубхонасида 316—317-инвентар рақами остида сақланаётган Куллиёт қўлёзмалари қадимий ва энг мўътабар нусхалар ҳисобланади.

Навоий «Хазойин ул-маоний» дебочасида мажмуанинг тузилиш тарихи ҳақида қуйидаги сўзларни айтади: «Ва икки мураттаб бўлган девонлардин янги айтилган абёт адади аксар ва ҳар бир байти лафзу маъно бида даржлиг гавҳар демайким, шуълалиг озар... агар бу авроққа рабту тартиб берилмаса, бир ҳаводис тундбоди эскач, ҳар саҳфасин бир ён совургай ва агар бу гулбарларни зебу ойн бида бир гулдаста боғланмаса бир навоийб насими етгач, ҳар варақин бир ён учургай» (3-жилд, 12-бет). «Муншаот»да эса Абдурахмон Жомийнинг маслаҳати билан шеърлар мажмуаси «Хазойин ул-маоний»ни тузгани ва «Добоча»да Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Тўрт девони»га тақлидан ҳаёт фасллариға биноан тўрт девон

тартиб этгани ҳақида, лекин Деҳлавий девонларини кўрмагани ва умуман бундай асар бор-йўқлиги номаълум экани ҳақида ёзади (Деҳлавий шеърятини тўрт эмас, балки беш девонни ташкил этган, мен уни Деҳли дорилфунунининг кутубхонасида кўрдим: «Тухфат ас-сиғар», «Васат ул-ҳаёт», «Гуррат ул-калом», «Боқия ан-ноҳия» ва «Ниҳоят ул-камол»).

Профессор Ҳамид Сулаймоннинг аниқлашларича, шоир умрининг деярли эллик йили мобайнида ёзган шеърларининг 3132 тасини тўрт девон — «Ғаройиб ус-сиғар» (840), «Наводир уш-шабоб» (759), «Бадоеъ ул-васат» (740) ва «Фавойид ул-кибар» (723) девонларига тақсимлаган.

Ҳ. Сулаймоннинг тадқиқотлари натижасида «Бадоеъ ул-бидо» ва «Наводир ун-ниҳоя» девонларида мавжуд бўлган ва шоир томонидан «Хазойин ул-маоний»га киритилмаган 19 ғазал, 2 рубоий, 8 қитъа ва 4 фард аниқланди ва улар «Фавойид ул-

кибар»нинг 1960 йил нашрига илова қилинди.

Эндиликда Навоий асарларининг мукамал йигирма жилдлик мажмуаси учун «Хазойин ул-маоний»ни нашрга қайта тайёрлар эканмиз, шеърлар юқорида тилга олинган тўрт қўлёзмаға муқояса қилинди. Натижада Истамбул ва Париж куллиётларида девонлар мажмуасига киритилмаган ёки мажмуа тузилгандан кейин битилган шеърлар борлиги аниқланди. Уларнинг кўпчилиги Париж Куллиётига киритилиб, тўрт девонға қўшиб кўчирилган. Ҳаммаси бўлиб қирқ ғазал топилди, ундан «Ғаройиб ус-сиғар»да — 21, «Наводир уш-шабоб»да — 10, «Бадоеъ ул-васат»да — 8 ва «Фавойид ул-кибар»да — 1. Ғазалларни ўқир эканмиз, ҳақиқатан уларнинг кўпчилиги Навоий томонидан умрининг сўнгги йилларида яратилганлиги маълум бўлади. Қуйида уларнинг энг эътиборталаб бир нечтасини журналхонлар диққатиға ҳавола қиламиз.

ОДАМЛАР, ҲУШЕР БЎЛИНГ!

Ўйнаб-кулиб юрган фарзандларини боғчаға топширган ота-оналар чошгоҳда эшитган нохуш хабардан ташвишға тушдилар...

Қарши сут комбинатида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларидан заҳарланган Қарши, Толлимаржон, Муборак ноҳияларидаги болалар боғчаларида 200 дан зиёд тарбияланувчилари зудлик билан Қашқадарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасига жойлаштирилди.

Ваҳима, қўрқув, ҳавотир... Яхшиямки саломатлик посбонлари ҳушёр эдилар. Улар кечаю кундуз ўлим билан юзма-юз олишдилар. Гўдакларнинг ҳаёти сақлаб қолинди.

Суратларда (чапдан ўнға): Бу ишда фидойилик қилганлар: шифохона ҳақими Холмурод Каримов билан жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли юқумли касалликлар илмий-текшириш институти профессори Римма Рашидова; Ҳамшира Гулой Саидова болаларни малҳамдори билан эмлаётир.

Сураткаш Ш. ШАРИПОВ (ЎЗТАГ)



* * *

Сен қуёш янлиғ ёруб субҳ-и шабоб айёмида,
Бизга тундек тийраклик қисмат қарилиғ шонида.

Тун саводинда магар хуффошлар парвозидур,
Музтариб жонлар қуши шабранг зулфунг домида.

Анбарин хат ичра маъно дурларин кўргил ниҳон,
Қатралар ҳар ён қуёшдин зулф-и анбарфомида.

Жилваси вақти менинг синган бошимда найласун,
Улки тушмиш тожварлар афсари ҳар гомида.

Лаъли етган бодадин умри абад толсам не тонг,
Майга чун ҳайвон суйи мамзуж бўлмиш жомида.

Демаким кўрсанг ани кўнглунгга бер оромким,
Ихтиёрим йўқ анинг таҳрикую оромида.

Рух-и лавну жисми йўқ деган сўзин билгай ғалат,
Боқеа ул гул менгизи ранги, тани андомида.

Эй Навоий, ёр лутф айлаб тилаптур, турмағил,
Гарчи кўп бедоди мумкиндур анинг пайгомида.

(«Ғаройиб ус-сиғар»)
Миллий кутубхона, 9 а-варақ

* * *

Менинг қатлимга ул роғиб, тушубмен захмлиқ музтар,
Менинг фарқимда қонлиғ тийғ, анинг бошида гулгун
пар.

Эннинг зулф-и мушқойин, гул узра сабзадин тазйин,
Юзунг узра хат-и мушқин, келиб кофур уза анбар.

Катон заркаш зарофатдур, чу кийдинг юз латофатдур,
Белинда, ваҳ, не офатдур, мурассаълиқ камар, ханжар.

Эрур девонаю шайдо кўнгулким, бўлмиш ул раъно,
Узор ичра малаксиймо, жамол ичра парийпайкар.

Хатинг ой даврида ҳола, тишинг гул баргида жола,
Икки менгизинг гулу лола, икки лаълинг гулу шакар.

Чу чектим шуъла афғондек, ичим ўртанди хирмондин,
Таним кул бўлди ҳижрондин, кўнгул ул кул аро аҳгар.

Кел, эй соқийки, маҳзунмен, бало даштида мажнунмен,
Висол аҳлида мағбунмен, иложимга кетур соғар.

Ким ул бўлғай нишоторо, ғамин элга нишогафзо,
Бисот ичра оламфарсо, нишон ичра тарабгустар.

Ўзунг аввал неча ютқил, Навоийга дағи тутқил,
Ани бир лаҳза овутқилки, ҳижрон ичрадур музтар.

(«Ғаройиб ус-сиғар»)
Миллий кутубхона, 25 а-варақ

* * *

Қориган вақтда бир тифлга шайдо бўлдим
Ким, ғамидин қарию тифл аро расво бўлдум.

Хайл-и афтол аро тошбағирдур дебон қовларлар,
Ҳар қаёндинким, анинг кўйида пайдо бўлдим.

Қайси Мажнун соғалур, кўрса мени телба бўлур,
Телбалар хайлига сармоя-йи савдо бўлдум.

Итлари силсиласида кечалар нола чекиб,
Хайл-и аҳбобқа сархалқа-йи гаёго бўлдум.

Гоҳи энг узраки тим-тим кўрунур кўз ёшим,
Ишқ боғи аро шох-и гул-и раъно бўлдум.

Демаким, тавбаю тақвони қачан тарк эттинг,
Соқий-и гулрух даме ишфтаси то бўлдум.

Лаби васфида Навоий дами тиргузди ўлук,
Файз-и қудсий чу мадад бўлди, Масиҳо бўлдум.

(«Бадоеъ ул-бидоя»)
Миллий кутубхона 176 а-варақ

* * *

Жонима тийғ, жафо, агёр урди, ёр ҳам,
Чун мен ўлдум не осиг раҳм этса ёр, агёр ҳам.

Қатлима ҳам ёр, ҳам агёрнинг бир ҳукми бор,
Тийгидин агёр қотилдур, тилидин ёр ҳам.

Ёр ила агёр ҳар не қилсалар йўқтур ғамим,
Қилмаса имдод аларга чарх-и кажрафтор ҳам.

Бахл эрур бу ҳам агар дафъ-и малолимга гаҳе,
Бўлмаса боғлиғ юзумга кулба-йи ҳаммор ҳам.

Бу бори бир ёну бу бир ёнки қотил маҳвашим,
Меҳр кўргузмак била зулм этмаса изҳор ҳам.

Ул маҳ-и бадмеҳр агар ёр ўлса маҳкушумдурур,
Гунбаду даввор ҳам, бал собиту сайёр ҳам.

Эй Навоий, сен киму бошингда мунча муддао,
Бас буким, гар кўрмасанг ком ўлмағай озор ҳам.

(«Наводир уш-шабоб»)
Тўпқони, Куллиёт, 515 а-варақ
Миллий кутубхона, 111 а-варақ





ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

Нуриддин МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Тарих ва маданият
ёдгорликларини сақлаш
жамиятининг раиси

КПСС XXVIII съездининг «Инсонпарвар, демократик социализм учун» деган Дастурий баённомасида партия СССР халқларининг маданий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатни қарор топтиради, деб таъкидланди. Дарҳақиқат, инсон маънавий такомиллида кўплаб ўтмиш авлодларнинг донолиги ва истеъдодини ўзида мужассам этган тарихий ва маданий ёдгорликларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Бизнинг кунларимизгача етиб келган ёдгорликлар минглаб йиллардан буён Ўрта Осиёнинг поёнсиз кенгликлариде яшаб келаётган халқларнинг маданияти, меъморчилик санъати, шаҳар қурилиши ва моддий ишлаб чиқариш даражаси нақадар юксак бўлганлигидан далолат беради.

Ҳа, бу қадимий минтақа ноёб ёдгорликларга ниҳоятда бой. Фақат Ўзбекистоннинг ўзидагина бундай ёдгорликларнинг ўн мингтаси давлат томонидан ҳисобга олинган. Жумҳуриятимизнинг қадимий шаҳарлари бўлмиш Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хева, Қўқон, Шаҳрисабз, Каттақўрғон, Қарши, Гиждувон ва бошқа жойлардаги осори-атиқалар бутун оламга машҳур.

Жамият ҳаётида ҳар томонлама янгилашиш рўй бераётган ҳозирги шароитда тарихий-маданий меросни сақлаш ва тарғиб қилиш чуқур инсоний моҳият касб этади, кишиларимизнинг тафаккур доирасини кенгайтириб, маданий даражаси такомиллашувига ҳисса қўшади. Аҳоли турли қатламларининг ёдгорликларга муносабати тобора мустақкам қарор топиб бораётир. Бироқ ўлкаимизнинг маданий-тарихий мероси тақдири ҳақли суратда кишиларни ташвишга солмоқда. Матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение орқали ёдгорликларни асрашнинг кечиктириб бўлмас муаммолари ҳар тарафлама чуқур ёритилмоқда. Жамоатчиликнинг танқидий чиқишлари ёдгорликлар тақдирига чинакамига ташвишланиш руҳи билан йўғрилган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси 1988—1997 йилларни маданият равнақининг Бутунжаҳон ўн йиллиги деб эълон қилди. ЮНЕСКОнинг халқлар маданиятларининг ўзига хослигини қарор топтириш ва бойитиш муаммоларига бағишланган ҳужжатларида маданиятнинг ташқаридан тикиштирилган нусхалари, дид ва турмуш тарзини бир хиллаштириш, айрим анъанавий қадриятларнинг емирилиши ва янги қадриятларнинг машаққат билан қарор топиши жараёнлари кўплаб жамиятларда ниҳоятда ташвишли муҳим бир масала билан: тақдири хавф остида қолган ўзига хос маданиятни қандай қилиб асраб қолиш, ҳимоя қилиш ва раванқ топтириш муаммолари билан боғлиқ эканлиги таъкидланди. Равшанки, бу ўринда гап халқлар ташқи таъсирдан ўзини сунъий равишда ҳимоялаб, ўтмишдан мерос қолган маданиятлар доирасида чекланиб қолиши ҳақида кетаётгани йўқ. Аксинча, ҳар бир халқ ҳозирги замон билимлари ва малакаларини эгаллаши, бошқа маданиятлардан баҳраманд бўлган ҳолда янгилашиш борасидаги имкониятларини рўёбга чиқариши лозим. Майда жилғалар йиғилиб дарёлар ва денгизларни ҳосил этганидай, жаҳон тараққийпарвар маданияти ҳам ҳар бир халқнинг маданиятидан баҳра олган ҳолда бунёд этилади.

Ийрик миқёсларда шаҳар қурилишининг авж олиши, индустриштириш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, айрим ҳолларда эса оммавий саёҳатни ривожлантиришда йўл қўйилаётган қатор камчиликлар умумжаҳон миқёсида йирик муаммо ҳисобланади. Бизнинг жумҳуриятимизда эса, инсоннинг тазйиқий фаолияти натижасида Орол денгизининг фалокатли суратда қуриб бораётганлиги, сизот сувларнинг юзага қалқиб чиқиши, тупроқ шўрла-

ниши кўплаб меъморчилик, археология, санъат обидаларига тобора жиддий хавф-хатар туғдиrhoқда. Маданиятни ривожлантириш Бутунжаҳон ўн йиллигининг асосий мақсадларидан бири умуминсоний қадриятларни ҳимоя этиш билангина чекланмайди, балки уни бойитиш ва янгилашга кўмаклашишни ҳам кўзда тутди. Осори-атиқаларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ишларини ҳар томонлама яхшилашга эришиш бизнинг умумий бурчимиздир. Энг муҳими, бу борадаги фаолиятни изчил йўлга қўйиш, халқимиз меросини асраш вазифаларини давлат идоралари ҳамда жамоатчиликнинг кенг қатламлари билан биргаликда ҳал этиш зарур.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон, жумҳуриятлари раҳбарларининг 1990 йил 23 июнда Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларига мурожаати ҳамда мазкур жумҳуриятлар ўртасида ҳар томонлама иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланиши муҳим сиёсий воқеа бўлди. Буларнинг барчаси ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида доимий ижодий ва амалий ҳамкорликни чинакамига йўлга қўйиш, жумладан тарихий ва маданий ёдгорликларни таъмирлаш ва тарғиб этишда илмий тадқиқотларни рўёбга чиқариш ишларига самарали таъсир этмай қолмайди. Назаримизда, шу йилнинг охирида Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги мавжуд қадимий ёдгорликлар муаммоларига бағишлаб, қардош жумҳуриятларнинг исталган бирорта шаҳрида кенгаши чакририш юқоридаги масалаларни биргаликда ҳал этиш истиқболлига кўмаклашган бўлур эди. Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш Ўзбекистон жамияти жумҳуриятлар вакилларини уларнинг хоҳиш-истакларига қараб Тошкент,

Самарқанд ёхуд Бухорода қабул қилишга тайёрдир.

Тарихий-маданий меросни асраш ишларини янада янги ва юксак даражага кўтариш — ҳаёт тақозоси. Албатта, кўп нарсалар иқтисод билан ниҳоятда боғлиқ. Ҳар йили ёдгорликларни таъмирлаш ишларига жумҳурият бюджетидан (хазинасидан) 7—8 миллион сўм маблағ ажратилади. Кўпми бу ёки озми? СССР Олий Кенгаши бир гуруҳ депутатларининг: «Бухоро ёдгорликларини асраб қоламиз», деган мурожаатидан сўнг ҳамда бўлажак тарихий тантанани инobatта олган ҳолда Бухоро шаҳридаги ёдгорликларни таъмирлаш ва тарихий жойларни тиклаш дастури ишлаб чиқилмоқда. 1990—1993 йилларга мўлжалланган биринчи даражали таъмир ишларининг умумий қиммати 7,2 миллион сўмни ташкил этади, бутун дастурни рўёбга чиқариш учун эса 39 миллион сўм маблағ талаб қилинади. Бу — фақат биргина Бухоро бўйича. Гап эса, бутун жумҳуриятдаги ёдгорликлар ҳақида кетаётир.

Қисқаси, осори-атиқаларни таъмирлаш учун давлат хазинасидан ажратилаётган маблағ етарли эмас, шунинг учун ҳам кўпгина ёдгорликларни тиклаш ишлари ўнлаб йилларга чўзилмоқда, фақат эскилари эмас, балки Қўқондаги Худоёрхон Ўрдаси каби яқинда таъмирдан чиққан ёдгорликлар ҳам емирилиб бормоқда. Албатта, ҳаммамизга маълумки, жумҳуриятда уй-жой, мактабгача болалар муассасалари, шифоналалар, маданият иншоотлари қурилишига, аҳоли турмуш даражасини ўстиришга эҳтиёж катта ва буларнинг барчаси давлатдан беқиёс куч ва эътибор талаб қилади, бироқ ҳукумат ана шундай шароитларда ҳам тарихий ва маданий ёдгорликларни тиклаш ишларига маблағни кўпайтириш имкониятларини қидирмоқда.

Ёдгорликларимиз кўп, уларни асраш воситалари эса чекланган. Хўш, қандай чора-тадбир кўриш керак? Бунда халқимизнинг ас-

рий донолиги қўл келади — ҳашар йўли билан ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда мавжуд бўлган ёдгорликлар ҳолатини аҳоли хати-ҳаракатлари билан яхшилаш, фақат байрамлардагина эмас, балки оддий кунларда ҳам ҳордиқ чиқарадиган, дам оладиган, суҳбатлашадиган боғу роғларга, гулзорларга айлантирилса кўнгилдагидек иш бўлур эди. Ёдгорликлар ҳаммамизнинг мулкимиз, шунинг учун ёшидан қатъи назар, кашшофу оқсоқол, аёлу эркак уларни авайлаб асрашга ўз ҳиссаларини қўшмоқлари керак.

Таъмирлаш ишларини маблағ билан қўшимча таъминлашнинг аниқ манбаларидан бири туризм ҳисобланади. Ўз даромадларининг маълум бир қисмини ёдгорликларни сақлаш ишларига йўллаш туристик ташкилотларнинг тўғридан-тўғри буржидир. Бундан ташқари, жумҳуриятимизда туризм хизматини янада юксалтириш, умумжаҳон ўлчовлари даражасига кўтариш лозим. Бу ҳақда турли хил доираларда гап кетди, бироқ иш бир жойда депсинганича турипти, ҳолбуки бир қатор ривожланаётган Африка мамлакатларида ҳам туризм ишлари юксак даражага кўйилган бўлиб, анчагина даромад келтирмоқда. Дарвоқе, орадан кўплаб асрлар ўтган бўлса-да, шу нарса ни эслатиб ўтиш жоизки, Ўрта Осиё ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўлининг ҳамма ерида йўловчилар учун ҳордиқ чиқариш, меҳнат қилиш ва саёҳатни давом эттириш учун қулай шароитлар юзага келтирилган эди.

Айрим ноёб ёдгорликларни тиклашда меҳнат жамоалари ва айрим шахслар «Хотира фонди» ни ташкил этиш ва таъмир ишларига бадал ажратиш йўли билан ҳам иштирок этаётганлигини тажриба сифатида қайд этиш мумкин. Бухородаги ноёб «Халифа Худойдот» ёдгорлигини ана шундай усул билан тиклаш режалаштирилмоқда. Бундай ташаббусни қўллаб-қувватлаш фойдалидир.

Бизгача етиб келган тарихий ёдгорликлар қанчалик қимматли бўлса, бутун дунё меҳнаткашларининг дохийси В. И. Ленинга ўрнатилган монументаль санъат асари ҳам шу қадар қадрли бўлмоғи даркор.

Улуғ Ватан уруши даврида ҳалок бўлганлар, келгуси авлодлар бахти учун курашган, жон фидо этганларнинг хотирасини абадийлаштириш, уларга бағишланган ёдгорликларни обод қилиш, намунали ҳолда асрай олиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Тарихий меросни келгуси авлодлар учун асраб қолишда ҳурмат ва эъзозга мушарраф бўлган халқ меъморлари: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Давлат мукофоти нишондори уста Ширин Муродов, уста Акрам Умаров, уста Абдуқодир Боқиев, уста Шамси Ғафуров, уста Рўздат Машарипов, гиждувонлик кулол уста Усмон Умаров ва бошқа кўплаб минг йиллик ёдгорликларни таъмирлашдек му-

раккаб санъат сирларини эгаллаган истеъдод соҳиблари тарихий меросни авайлаб-асраш ва келгуси авлодларга етказиш ишларига муносиб ҳисса қўшдилар. «Уста» деган қутлуғ сўз юз йиллар давомида энг фахрли ва ҳурматли кишиларга нисбат бериб келинган. Биз ана шу ўринда Ўзбекистонда таъмирлаш ишларининг раванқ топишига муносиб ижодий ҳисса қўшган кишилар — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Я. Ғуломов, меъмор олим М. Мауэр, таниқли меъмор Б. Засипкин ва бошқа мутахассисларнинг номларини ҳам самимий миннатдорлик туйғуси билан эсга олиб ўтаемиз.

Афсуски, 60—70 йилларга келиб таъмирчилар авлоди ўртасида узилиш рўй берди. Кекса таъмирчилар йўқ, янгилари эса бармоқ билан санарли. Бу мураккаб мутахассисликни эгаллашда изчиллик ва давомийликка раҳна тушди. Лекин ёдгорликларни сақлаш жамияти қадимий анъаналарни тиклашга интиломда. Жамиятнинг Бухоро вилояти кенгаши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таъмирчи Очил Бобомуродов раҳбарлигида кенг йўналишдаги таъмирчи усталар тайёрлаш мактабини ташкил этди.

Шаҳарларнинг ўз қиёфасини сақлаб қолиш заруриги ҳақидаги масала ҳамон ўткир муаммо бўлиб қолаётди. Бу борада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, жумҳурият Олий Кенгаши Президиуми ва Вазирлар Кенгашининг 1989 йилнинг 23 ноябрида қабул қилган «1991—1995 йилларда Тошкент шаҳри аҳолиси турмуш таъминотини тубдан яхшилаш шаҳарнинг тарихий районларини реконструкциялашни жадаллаштиришга оид биринчи галдаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори катта аҳамиятга эга. Мазкур қарорга асосан тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш бўйича тадбирлар назарда тутилган, жумладан, очик осмон остида 11 гектарли майдонда меъморлик-этнографик музей — «Шаҳристон» маҳалласи ташкил топади.

Киров ноҳиясида жойлашган Оқтепа шаҳарчаси ноёб тарихий ёдгорлик бўлиб, қазилмалар чоғида ўрта асрларнинг илк даври Чоч (Тошкент) аҳолисининг турмуш тарзидан ҳикоя қилувчи моддий маданият буюмлари топилди. Ҳозир мазкур шаҳарчани сақлаб қолиш ва таъмирлаш, бу ерда боғ майдони ташкил этиш бўйича кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда. Яқинда ана шунга доир масалалар жамиятимиз ҳайъатининг йиғилишида маҳсус кўриб чиқилди.

Жумҳуриятимизда Совет ҳокимияти йилларида қад кўтарган тарихий — инқилобий воқеаларни тараннум этувчи кўпгина ёдгорликлар бор. Бу ўринда Туркистоннинг 14 комиссарига ўрнатилган ёдгорликни алоҳида эслаб ўтиш жоиз. 50-йилларда ана шундай ғоя туғилиб монументал комплекс барпо этиш ҳақида гап кетганида, Туркистон-

да аксилинқилобчиларни тормор этган, Совет ҳокимиятини тиклаш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳалок бўлган комиссарлар билан бирикда большевиклар хотирасини ҳам гранитда абадийлаштириш ҳақида келишиб олинган эди. Афсуски, 60-йилларда белгиланган ишларнинг фақат бир қисмигина амалга оширилди. Гап шундаки, Туркистоннинг 14 комиссари орасида бирорта ҳам ўзбек кишиси йўқ. Шуниси ҳам аниқки, комиссарларни ваҳшийларча ўлдирган Осипов аксилинқилобий исён иштирокчилари орасида ҳам бирорта ўзбек бўлмаган. Бироқ ана шу исённи бостиришда А. Казаков, Д. Манжара раҳбарлик қилган темир йўл ишчилари билан бир сафда қўлда қурол билан Эски шаҳар болшевиклари Низомиддин Хўжаев, Миркомил Миршаропов, Ҳусан Тўраев, Еқуб Хўжаев, Йўлдош Солиҳов, Султонхўжа Қосимхўжаев ва бошқа туб аҳоли вакиллари иштирок этган эдилар. 1919 йилнинг 21 январида Тошкентда Совет ҳокимияти тикланди. В. И. Ленин, Я. М. Свердлов ғалаба билан табрикладилар ва тўла қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар. Ҳозирги пайтда ёдгорликларни сақлаш жамияти бошқаруви олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда ана шу яхлит комплексни ниҳоясига етказиш, аксилинқилобий ҳаракатни тормор этган

кишилар хотирасига ҳам ёдгорлик ўрнатиш ҳақида таклиф тайёрламоқда. Бу — жумҳуриятимизда истиқомат қилаётган барча миллат меҳнаткашларини байналмилал ва маънавий руҳда тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Яқин йиллар ичида Ўрта Осиёдан етишиб чиққан буюк мутафаккирларнинг таваллуд саналари нишонланди. Бу йил Имом Ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, келгуси йили Алишер Навоийнинг 550 йиллиги, 1993 йилда Бобур таваллудининг 510 йиллиги, Берунийнинг 1020 йиллиги, Хоразмийнинг 1210 йиллиги, 1994 йилда Улуғбекнинг 600 йиллиги, 1995 йилда Абдулла Қодирийнинг 100 йиллиги тантана қилинади. Меъморчилигимизнинг кўплаб тарихий ёдгорликлари ўрта осийлик олимлар, ёзувчилар, шоирларнинг номлари билан чамбарчас боғлиқ. Қутлуғ саналарга тайёргарлик арафасида таъмирлаш ишларини тезлаштириш чора-тадорикини кўрмоқ лозим. 1200 йиллиги нишонланаётган Имом Ҳаким ат-Термизий, шунингдек, «Ал Ҳадис» муаллифи Исмоил ал Бухорий, Ваҳовуддин Нақшбандий каби дин арбобларининг номлари билан боғлиқ ёдгорликлар ҳам талайгина. Ана шу ёдгорликларни сақлашда диний жамоалар муҳим ёрдам кўрсатишлари мумкин.

Буюк ватандошларимиз — Ўр-



Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамбли раққосаси Гўзал Мансурхўжаева.

Сураткаш А. Рисқиев (ЎзТАГ)

ЧЎЛПОН



Халқ

Халқ денгиздир, халқ тўқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...
Халқ қўзғалса, куч йўқдир, ким тўхтасин,
Қувват йўқ, ким халқ истагин йўқ этсин.
Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади: тож ва тахтлар йиқилди...
Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка.
Бир қўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар,
Бир интилу, бир ҳовлиқар, бир ўйнар,
Йўқликни-да, очликни-да йўқ этар,
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...
Бутун кучни халқ ичидан олайлик,
Кучоқ очиб халқ ичига борайлик.

1921



«Гулистон» жаридаси мазкур шеър матнини жумҳурият Мадҳиясига тавсия этади.

та Осиё олимлари ва ёзувчилари қаламига мансуб кўплаб қимматбаҳо китоблар ва қўлёзмалар хорижий мамлакатларда, кўпинча эса, хусусий жамғармалар ва кутубхоналарда сақланмоқда. Ана шу миллий бойликларни ўз Ватанига қайтариш йўл-йўриқларини ўйлаб кўриш фойдадан холи бўлмас эди. Бир пайтлари академик Ҳамид Сулаймон бунга ҳаракат қилиб кўрган эди, афсус, у ҳаётдан кўз юмди-ю, иш ўлда-жўлда қолиб кетди. Ана шу муаммо билан албатта шугулланиш лозим.

Тарихий ва маданий меросни муҳофаза қилиш ишларини яхшилашда қонунчилик муҳим аҳамият касб этади. Бироқ ҳозирги пайтда ёдгорликлар ҳақидаги ҳуқуқий талаблар ҳукуматнинг турли хил қарорлари ва бошқармаларнинг фармойишларига боғлиқ бўлиб қолган ҳамда бу ҳужжатлар эскириб, замонавий талабларга жавоб бера олмайди. Ёдгорликлар ҳақида қонунчиликни янгилашни ҳаётнинг ўзи олдинга сурмоқда. Шу муносабат билан жамият бошқаруви ёдгорликлар ҳақида яна қонун ишлаб чиқаётган Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Комитетида иштирок этиб, мазкур муаммо билан изчил шугулланмоқда.

Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ёдгорликлардан фойдаланиш масалаларида қаттиқ тартиб ўрнатилиши зарур. Ўз ҳудуди ихтиёридаги ёдгорликларнинг ҳақиқий хўжайинлари бўлмиш маҳаллий Советлар уларни асраш устидан жиддий назорат ўрнатишга бурчлидирлар. Обидалар ҳимояга муҳтож эканлигини, енгил-елли ва лоқайд муносабат туфайли улар абадий йўқ бўлиб кетиши мумкин эканлигини ҳамиша ёдимизда тутмоғимиз шарт. Уларни эҳтиёткорлик билан сақлаш ва улардан фойдаланиш бўйича кескин қонун тадориклари зарур.

Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш Ўзбекистон Жамияти меҳнат жамоаларида ўз сафларида 4 миллион кишини бирлаштирган 9 минг бошланғич ташкилотга эга. Маълумки, Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳам унинг ишларида фаоллик кўрсатмайди, лекин шунга қарамасдан жамоатчилик ҳаракатининг ҳақиқий жонкуярлари тарихий-миллий қадриятларимизни ҳимоя қилиш ишига тобора кенг-роқ қўшилмоқдалар. Уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгаши, Ўзбекистон ЛКЕУ Марказий Комитети, Халқ маорифи вазирлиги, Меъморлар уюшмаси жамиятимиз билан фаол ҳамкорлик қилаётирлар. Жонкуярлар ва қадимий осори-атиқалар муҳлисларининг ана шундай жонбозлик фаолияти идоровий аппаратлар томонидан эмас, балки жамоатчилик ташкилотлари томонидан йўналтирилиши мақсадга мувофиқдир.

Жамият фаолиятининг муҳим йўналишидан бири маданий мерос ҳақидаги билимларни, халқимизнинг энг яхши анъаналарини ва урф-одатларини тарғиб-ташвиқ этишдан иборат. Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Тошкент шаҳар жамияти кенгашлари

ри бу борада фаол иш олиб бормоқдалар. Шу йил 27 май куни Тошкентдаги Абулқосим ёдгорлиги биносига «Нон» деб аталган бутунжумҳурият кўргазмаси намойиш этилди. Қорақалпоғистондан, вилоятлардан ва Тошкент шаҳридан новвойларимиз 100 га яқин оби-нон турларини намойиш этдилар. Кўргазма қатнашчилари, шу жумладан чет эллик саёҳатчилар катта қизиқиш билан танишдилар. Ўрта Осиё халқлари ноннинг 250 хил намунасини биладилар. Келгуси йили кўргазма ташкил этиб, ҳамма турдаги нонларимизни намойиш этишга ҳаракат қиламиз. Бундан ташқари, жамият бошқаруви манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда турли хил ёдгорликлар ҳудудида «Қовун сайли», «Анор базми», «Лола байрами», «Гулбозор» каби халқ байрамлари ўтказишни мўлжалламоқда, булар телевидение орқали кўрсатилади ва ҳужжатли кинофильм суратга олинади.

Жамоатчилик фаолиятининг фойдали шаклларида бири ўлкашунослик бўлиб, унда тобора кўпроқ киши иштирок этмоқда. Унинг доирасига юртимизнинг ўтмиши ва ҳозирги киради. Тошкент ва Фарғона вилоятлари кенгашлари ўлкашунослик равнақига алоҳида эътибор билан қарамоқдалар. Бу борада ўлкашунослар ташуббусини ҳар томонлама рағбатлантириш, ёшларни, мактаб ўқувчиларини, талабаларни, ҳаваскорларни бу ишга кенг жалб этиш ниҳоятда муҳимдир.

Жамият йўли билан ёдгорликлар ҳақида китоблар ва брошюралар мунтазам суратда чоп этилмоқда. Яқинда нашр этилган «Даврлар садоси» деб аталган алманахнинг дастлабки сони ўқувчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Ўзбекистон халқларининг тарихий-маданий мероси ҳақида кўп серияли бадий-публицистик фильмни яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, мактаб ўқувчилари, талабаларни ёдгорликлар устида оталик ишларига жалб этиш жамиятимизнинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ёдгорликларни муҳофаза қилиш ҳақидаги ғамхўрлик чинакамига умумхалқ иши бўлиб қолиши керак. Тарихий шаҳарлар, қўриқхоналар ва қўриқхона ҳудудлари, миллий боғлар, йирик меъморчилик ансамбллари рағбат топтириш ва янгиланишнинг бош режалари ҳамда айрим лойиҳалар ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг фикри инobatга олинганидан кейингина давлат органлари томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Буни қонун йўли билан белгилаб қўйиш фойдалидир.

Ўзбекистон — ноёб тарихий ва маданий осори-атиқаларга бой ўлка. Уларни асраш ва умрбоқий қилиш жуда катта маданий, руҳий-маънавий аҳамиятга молик. Демак, зиммаларига ана шундай маъсулиятли вазифа юклатилган давлат ва жамоат ташкилотлари бутун иш кўламини тубдан яхшилашга ниҳоятда алоқадордирлар.

Эрта тонг. Қушлар чуғури авжида. Аллақерда трактор гуриллайди. Офтобнинг мунаввар нурлари ёйилмоқда. Тупроқ кўчадан тап-тап қадам ташлаб жажжигина қизалоқ мактабга бораётир.

Бегубор хаёллар оғушида синф хонасига кирган қизчанинг шифтга тираб қўйилган устунларга, ярмигача нам тортиб, шўрлаб кетган деворга, қинғир-қийшиқ қалаштириб ташланган «кўргазмалар қурол»ларга кўзи тушганда хаёлидан нималар кечганини тасвирлаш қийин. Балки у мурғак тасавурида мавжуд аҳволни идрок қила олмас, лекин биз катталар гулдай фарзандларимизнинг оғилхонадан фарқи йўқ синф хоналарида «таълим» олаётганидан кўнглимиз озор чекиши шубҳасиз. Қишлоқ мактабларининг аксарияти мана шундай аҳволда. Хўш, бунга ким айбдор? Ваҳоналар, вазлар кўп.

Жумҳуриятимиздаги ҳар саккиз мактабдан бири ёки аниқроқ қилиб айтганда 1132 мактабга фарзандини етаклаб келган ота-онанинг хаёлидан юқоридагидай ўй кечиши табиий.

Ургутдаги Карл Маркс номли давлат хўжалигида «Сўфи» деган қишлоқ бор. У ерда аҳоли зич яшайди. Қишлоқ марказидаги Лутфий номли 78-ўрта мактаб 1960 йилда қурилган. Ҳозир 462 ўқувчи икки босқичда ўқийди. 13 та синф хонаси мавжуд. Хоналар жуда тор. Усталик билан жойлаштирганда нари борса ўнта парта базўр сиғади. Ҳар бир синфда 25—30 тагача ўқувчи ўқийди. Улар қандай қилиб жойлашадию қандай қилиб бемалол фанларни ўзлаштиради — тасаввур қилиш ҳам қийин. Сўнгги пайтларда нукул ёшларимиз билимсиз, оқибатсиз, ундоқ-мундоқ деяпмизу унинг асл сабаби билан қизиқмаяпмиз чоғи. Масалан, ўша мактабда эрталаб соат саккизда дарс бошланса, соат бирдан ўн минут ўтганда тугайди. Ҳали синф хоналарини болалар тарк этиб улгурмай, ўша синф хоналарида иккинчи ярим кунлик машғулоти беш минутда унинг тазаланиши имкони йўқ. Шундай қилиб машғулотлар шом туша бошлаганда тугайди. Бундай шароитда синфдан ташқари ўқиш, ўқувчиларнинг билим савиясини мустаҳкамлаш ёки тўгараклар фаолиятини йўлга қўйиш ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Мактабнинг на ҳовлиси бор, на боғи бор. Синф хоналари тор. Поли қирқ ямоқ. Кичкинагина парталарда ўқувчилар учтадан бўлиб ўтиришади.

Тўғри, 78-мактаб учун 624 ўринли янги бино қурилиши бошланганига роппа роса 4 йил бўлибди. Уша янги бино қурилишини ҳам бориб кўрдик. 1986 йилда қўйилган биринчи пишиқ гиштлар аллақачон қор, ёмғир, шамол таъсирида емирила бошлабди. «Туя гўшти еган» мактаб қурилиши учун давлат аж-

ратган 923 минг сўм маблағдан 254 минг сўми сарфланди холос. 1990 йилда яна 100 минг сўмлик иш бажариш мўлжалланган эди. Бироқ режалигича қолди. Қурилиш учун масъул бўлган қишлоқ хўжалик бошқармаси қурилиш бўлими ходимлари нима хаёлда юришган экан?!.

Ургут ноҳиясида ана шундай аянчли аҳволдаги мактаблардан ўн иккита экан. «Партия XXIV съезди» номли жамоа хўжалигидаги 11-ўрта мактаб, «Уч қаҳрамон» давлат хўжалиги ҳудудидаги 14-ўрта мактаб ва бошқалар ҳикоя қилганимиздан ҳам ночор аҳволда. Самарқанд вилоя-

ўқувчилар пахта йиғим-теримига ёки бошқа бирон юмушга илгаригидек оммавий «сафарбар» этилмаётир. Мактаблар ёпилмайди. Аммо оила пудрати, ижара звено деган гаплар ҳам чиқдики, буниси аввалгисидан ошиб тушди. Қўполроқ қилиб айтганда, арқонни қишлоқ боласининг оёғидан олиб бўйнига солишди. Илгари ишга чиқишга табелчи ёки бригадир мажбур қилса, энди ўз ота-онаси қувади. Чунки оилаларда бир сўм келса ҳам ҳарна-да. Ахир қишлоқда ҳатто ейишга нон тополмаётган, унни қарага олаётган оилалар ҳам йўқ эмас, Шундай шароитда деҳқон ўз бо-

тир. Хўш, чаламулла ўқитувчилар шундай шароитда пайдо бўлмайди? Бир мисол, ўтган йили Самарқанд Давлат дорилфунунида тарих куллийети биринчи курс талабалари билан савол-жавоб ўтказилган эди. Маълум бўлишича, етмиш фоиз талаба ўқишга «адашиб» кириб қолганлигини тан олишган. Ўз хоҳиши билан ўқимаётганини, бошқа ўқув юрларига ўтказишларини сўрашган. Мана, чаласавод ёки бу касбини севмайдиганлар қаердан пайдо бўлади! Бундай «адашган»лар ҳар бир олий ўқув юртида бор. Чунки улар отасининг пули, тоғасининг ғайрати билан бир амаллаб ўқиган, деган номни олишса бўлгани, бир куни келиб нонини топиб ер, деган ақидага кўниб яшаймиз.

Юқоридаги мулоҳазаларга баъзилар эътироз билдиришлари мумкин. Қишлоқ ўқитувчисининг қандай яшаётганлиги, шароити ҳақида лом-лим дейилмабди-ку, ёзгандан кейин тўлиқ ёзиш керак-да, дейишлари шубҳасиз. Сир эмаски, ҳар бир ўқитувчининг хўжалигида уч-тўрттадан мол бор. У меҳнат таътилига чиқиши билан молига хашак жамғаради, томорқадан чиққан беш-ўн боғ емиш ҳеч вақо бўлмайди. Хўжалик раҳбарига ялиниб бироз емиш олса-ку яхши, ололмаса-чи.

Ҳамма соҳаларда меҳнат таътили 24 иш куни ҳисобида. Ўқитувчиларники эса 48 кун. Чунки, у юқорида айтилган кўп ишларни қилиши, дам олиши керак. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олиб уларга 48 кунлик имконият яратиб берилган. Бунинг ўрнига улар нима қиладилар. Уй қурадилар, гишт қуядилар, мол боқадилар. Янги ўқув йилига эса янги куч-ғайрат билан эмас, чарчаб-ҳориб қадам қўядилар. Бундай ҳолатда меҳнатга, касбга иштиёқ қаердан пайдо бўлсин? Ўқувчининг қандай саводи чиқсин? Номига дарс ўтишади. Тўгараклар қоғозда, ўзлаштириш қоғозда, адабий кечалар, баҳслар, қоғозда. Ўқув йилининг бошида синф раҳбарининг тарбиявий ишлар режасига кўз ташласангиз, қойил қоласиз. Чунки, ҳамма нарса ўз аксини топган, аммо амалда, ўқув йилининг охирида-чи? 80 фоизи режалар режалигича қолиб кетади.

Ана мактаблардаги аҳвол қандай. Унинг устига ўқиш-ўқитиш ишлари яхши изга солинмаган. Мактабларда Ўрта Осиё тарихини ўқитиш, ўзбек тили ва адабиётдан бериладиган дарс соатларини кўпайтириш ҳали ҳам талабга жавоб бермайди.

Хуллас, мактаб ночор бўлса, муаллим ноқобиллигича қолаверса, келажак йўллари қачон ойдинлашади. Фарзандларимиз қачон қониқиб билим оладилар? Жаҳонга маълум ва машҳур, етук олиму алломалар уларнинг сафидан ҳам етишиб чиқиши керакку, ахир!

Абдусайд НУР,
Ёрмамат РУСТАМ



Сураткаш Ж. Бобораҳматов

ти бўйича эса бундай мактаблар 110 тани ташкил қилади.

Жумҳуриятимизнинг келажак бўлган ўқувчи ёшларнинг тақдирига бундай панжа орасидан қараш хиёнат эмасми? Оммавий саводсизликнинг илдиш отишига бир сабаб мана шу шарт-шароитнинг йўқлиги эмасми?

Кейинги йилларда болаларни оғир меҳнатдан холос қилдик. Энди улар фақат ўқишади, билим олишади, деб кўкракка урадиган бўлиб қолдик. Тўғри, эндиликда

ласининг ўқишидан маифаатдорми? Йўқ! Аввал унинг қорнини тўйғазишни, эғнини бут қилишни ўйлайди.

Биз, ҳамма қишлоқ мактабларида ҳам аҳвол шундай, дейиш фикридан йироқмиз. Бироқ кўпчилик жойларда, билим ўчоқларида мана шундай. Рухий муҳит ўқитувчиларга ҳам таъсир этмай қолмайди. Қолаверса, болаларнинг чаласаводлигига уларнинг ўз касбларига меҳр-муҳаббатсизлиги, лоқайдлиги сабаб бўлаё-



Жаҳон шера зеб

Бўрибой АХМЕДОВ,
ЎзССР Фанлар академияси мухбир
аъзоси, филология фанлари доктори

Шоҳрух Шоҳмаликни бирга олиб Хуросонга жўнаб кетган куннинг эртаси мирзо Улуғбек вазири аъзам хожа Носириддин Насрулло Хавофий, катта амирлардан Арғуншоҳ, Таваккал барлос ва Ҳамза чухра билан бирга шаҳар айлангани чиқди. Тўғри, у шаҳарни аввал ҳам кўп бор сайр қилган, унинг катта-кичик кўчаларини яхши билади. Лекин бугунгиси бошқача. Бугун у шаҳарни подшоҳ сифатида айланади, негаки ахир у бир умр орзиқиб кутган кун келди, орзу-умиди рўёбга чиқди. У энди соҳиб тож. Мовароуннаҳр ва Туркистон ҳукмдори...

Подшоҳ навкарлари қаср дарвозасидан чиққанда офтоб икки найза кўтарилиб қолган эди... Уша кун улар шаҳарнинг эътиборга молик ҳамма жойини бориб кўрдилар. Ҳақиқатан ҳам Самарқанд обод ва тўқ шаҳар эди. Маҳмуд Кошғарий уни Семизкент деб бежиз айтмаган экан...

Улуғбек пойтахтнинг умумий аҳволидан қониқиш ҳосил қилди. Шаҳарнинг ободонлигига бир томондан ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ҳамда зироатчиликнинг бирмунча ривож топганлиги, иккинчи тарафдан эса Амир Темурнинг 1386 йилдан Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Туркия ва Ҳиндистон заминида олиб борган зафарли урушлар орқасида тўплаган беҳисоб бойлиги, ўша юртлардан ҳайдаб келинган қўли гул усталар сабабчи бўлиши, албатта. Улар самарқандлик, кешлик, бухоролик ва хоразмлик меъморлар, сангтарошлар, ёғочсозлар, гилкорлар ва наққошлар билан ёнма-ён туриб, Самарқанд, Бухоро, Ғиждувон, Кеш ва Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарларида масжиду мадрасалар, мухташам қасрлар, ҳаммомлар, карвонсаройлар бино қилдилар. Лекин, бари бир, ҳали қилинадиган ишлар кўп. Қолаверса, Темур бошлаб қўйган баъзи иморатлар охиригача битказилмай қолганди. Буларни ҳам битказиш Улуғбекнинг зиммасига тушди. «Қилинатурғон ишларни режалаб олиш керак кўринадур», деди у ўз-ўзига...

Улуғбек сўзининг устидан чиқди. У ҳақиқатан ҳам бир эмас, уч мадраса қурдирди. Булардан бири Бухорои шарифда (1417), иккинчиси Самарқанд фирдавсмонандда (1417—1420), учинчиси эса Ғиждувонда (1433) бунёд этилди. Булардан энг каттаси Самарқандда қурилган эди. Бир тарихий китобда унга мана бундай тариф берилган: «Мадрасанинг тоғ шукуҳли ҳайъати устухонбанд мустаҳкамлигининг фалак биносидин тинчликни олғон, юксаклик жиҳати бўлмиш азаматнишон пештоғи оғирлигининг еру заминга зилзила солғон анинг олий даражали кўнгираларини қудрат устаси фалак айвонининг муқарнаскорлиги бирлан бир хилда ёсоғон, ложувард кошинларини

қазо наққош фалакнинг чароғон юлдузлари бирлан бир тартибда нақш қилуб, аларга дахлдор қилғон; қуёш каби жилваси, зарнигор нақшлари гўзал фалак гумбази бирла ҳамвазн эрди». Мадраса икки қаватлик, эллик нафар ҳужраси бор эди. Ҳар бир ҳужра уч хонадан: қазнок, ётоқхона ва дарсхонадан иборат эди. Тарихий манбаларда сақланган маълумотларга қараганда, Улуғбекнинг Самарқанддаги мадрасасида юздан ортиқ талаба истиқомат қилган ва таълим олган. Мадрасага ўша замоннинг иқтидорли олимларидан мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Хавофий етакчи мударрис бўлган. XVI аср бошларида ўтган машҳур адиб Зайниддин Васифийнинг «Бадоиъ ул-вақоийъ» китобида диққатга сазовор мана бу ҳикоят бор: «Мадраса қурилиши итмомига етгач, анингсаҳнида катта йиғин бўлди. Йиғинга Улуғбек мирзо ҳам ташриф буюрдилар. Йиғилғонлар андин: «Мадрасанинг биринчи мударриси ким бўлғай?» деб сўрагонларида Улуғбек мирзо: «Барча илмларнинг саромади бўлғон киши ушбу мадрасага мударрис этиб тайинланғай», деб жавоб қилдилар. Ушбу йиғинда ҳозир бўлғон ва хишт уюми устида жулдур кийимда ўлтурғон бир шахс ўрнидин даст туриб мирзога таъзим қилди ва: «Ушбу мартабага мен муносибдурмен», деди. Улуғбек мирзо ани имтиҳон қилди, илму камолатиға ишонч ҳосил қилгач, ани ҳаммомға олиб бориб ювиб-тараб кийинтиришни буюрдилар. Мадраса очилғон кун мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Хавофий мударрис ўрнида биринчи дарсни ўқидилар. Дарса олимлардин тўқсон нафари ҳозир бўлғон эрдилар, локин дарсининг маънисига Улуғбек мирзо бирлан Қозизода Румийдин бошқа ҳеч ким тушунмади».

Мадрасанинг кун юриш тарафида Улуғбек мирзо хонақоҳ (1424) ва муқаттаъ деб аталмиш ажойиб бир масжид ҳам қурдирди. Бу бинолар ҳақида «Вобурнома»да мана бу қимматли маълумотлар бор:

«Хонақоҳнинг гумбази бисёр улуғ гумбаздур, оламда онча улуғ гумбаз йўқ деб нишон берурлар... яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, масжиди муқаттаъ дерлар. Бу жиҳатдин муқаттаъ дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитойи нақшлар солибтурлар, тамом деворлари ва сақфи ушбу йўсулуктур».

Улуғбек ният қилган катта қурилишлар 1424 йили бошланиб кетди. Одатдагидек, бу ишлар ҳам наврўзи оламга тўғри келди. Ажам халқи орасида қадимдан одат шун-

дай. Шарқда азалдан кўп ишлар — деҳқончилик ҳам, катта-кичик қурилишлар ҳам шу айъёмдан бошланади. Наврўз одатда фарвардин ойининг биринчиси, ҳамал ойининг биринчи кунини, ҳозирги календарь бўйича эса март ойининг 21—22 кунларидан ҳисобланади. Самарқандликларнинг кўпчилиги бу мўтаббар айёмни шаҳарнинг шарқий-шимолий тарафидаги Чўпонота тепаликлари, Обираҳмат ва Сиёб ариқлари бўйларида кутиб олишга одатланишган.

Наврўзнинг биринчи кунини мирзо Улуғбек ҳам ўзига яқин одамлар — шайхулислом мавлоно Исомиддин, хожа Жалолиддин Фазлулло Абдуллайсий, мавлоно Муъиниддин Кошфий, Ғиёсиддин Жамшид Кошоний, Қозизода Румий, хожа Абдулмўмин, мавлоно Бадахший ва бошқалар билан Чўпонотага чиқди. Улар дастлаб тўппа-тўғри тепаликка кўтарилдилар ва ўша ердаги Чўпонота мазорини зиёрат қилдилар, сўнг Обираҳмат ариғи бўйига келиб тушдилар. Нақши жаҳон деб аталувчи бу манзил анча баландлик бўлиб, ундан чор-атрофни бемалол тамошо қилиш мумкин эди. Баковуллар, фаррошлар, хонсолорлар ва ўзга хизматкорлар кечадан бери базм анжомларини ҳозирлаб турган эканлар. Ариғ бўйида қаторасига тўртта катта-кичик сўри қўйилиб, шоҳона жой олдилар. Хонсолорлар дастурхонни турфа неъматлар билан безашди. Дастурхонда яхши асралган қовун, тарвуз, олма, узум ва анордан тортиб, то ўрик, шафтоли, гилос ва анжир мураббосигача, сумалакдан тортиб, то полуда, ҳолва ва пашмаккача бор эди.

Хуллас, зиёфат ҳаддан зиёд қуюқ бўлди ва ярим кечага қадар давом этди.

Подшоҳ ва унинг ҳамроҳлари ўтириб чарчашди чоғи, орқаларидаги парестикларини ёнбошга қўйиб чўзилишди. Суҳбат баҳор ва ишқу муҳаббат мавзуидан илмга кўчди.

— Ажабо, ушбу ернинг кечаси тароватдин ташқари анвойи хусусиятларга ҳам эга эркан. Осмони ўта паст эркан ким, қўл узотсанг етгундай, ёритғичлардин истаганингни тутиб олсанг ҳам бўлур эркан, чамаси, — деди осмонинг мусаффо ва юлдузлар билан чароғон гумбазига тикилиб ётган Улуғбек.

— Ҳув анави ситорани онсонгина тутуб олса бўлур, — деди Қозизода бир ёруғ юлдузга қараб.

— Бу шаъри бўлса керак, — деди мавлоно хожа Фазлиддин.

— Йўқ, тақсир. Сурайёдур ул, — деди Улуғбек.

Ғиёсиддин Жамшид ҳам унга қўшилди: — Ори, мирзом ул дарҳақиқат Сурайё.

Сўнг Қозизода шимол тарафдаги юлдузларга тикилди ва икки ёруғ юлдузни қўли билан кўрсатди:

— Булар фарқадон.

Олимлар шу тариқа анчагача юлдуз санади: бу Тарозу юлдузи, буниси Сухо, хув анависи эрса Насрий Тойир. Юлдуз санада айниқса Улуғбек мирзо саъий ҳаракат кўр-газди. Мазкур манзил ва бугунги суҳбат уни тамоман ўзига ром қилган эди.

— Ушбу манзилгоҳ ҳўб ҳосиятли кўрина-дур, расадхонани шул жойга қурсакми эркан, устоз? — Улуғбек Қозизодага муро-жаат қилди.

— Маъқул, аълоҳазрат. Яхши ниятла-рига тангри таоло ёр бўлғай!

Жой бошқаларга ҳам маъқул бўлди. Аҳли мажлис иттифоқ бўлиб расадхонани шу ерга қуришни маъқул топдилар.

Наврўз байрами яна беш кун давом этди. Бир ҳафтадан кейин Улуғбек, Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва муҳандислар яна Чўпонотага чиқишди. Улар бўлажак расадхона тарҳини шу ерда туриб тузишга тутиндилар.

Уша йили расадхона билан бир вақтда бир қанча жамоат бино-лари: ҳаммомлар ва карвонсарой-лар қурилиши ҳам бошлаб юбо-рилди. Карвонсаройлардан энг каттаси Регистонда Сарди атик аталмиш жойда, ҳозирда мавжуд

Тиллокори мадрасаси ўрнида қурилди ва Мирзойи карвонсаройи номи билан шуҳрат қозонди. Унда кўпинча хорижий мамлакат-лардан келган савдогарлар қўнишган. Бун-дан ташқари регистонда, Улуғбек мадрасаси ва хонақоҳидан сал нарироқда бино қилин-ган ҳаммом шаҳардаги бошқа ҳаммомлар-дан тамоман ажралиб турарди. Уни ҳам Улуғбек мирзо қурдирган (1424 йили), шу-нинг учун ҳам Мирзойи ҳаммоми деб атал-ган. Ҳаммом баланд дид ва юксак санъат билан бунёд этилган. У ҳақда «Бобурнома»-да мана бундай гап бор: «(Мирзо Улуғбек) яна ушбу мадраса ва хонақоҳга ёвуқ бир яхши ҳаммом солибдур, Мирзойи ҳаммоми машҳурдир, ҳар навъ тошлардин фаршлар қилибтур. Хуросону Самарқандда онча ҳаммом маълум эмаским, бўлғай».

Расадхона тарҳини тузиш ишлари яна бир неча кун давом этди. Муҳандислар эрта тонгдан Чўпонотага бориб, қош қорайганда қайтдилар, кечқурун эса барча мунажжим-лар билан Улуғбек ҳузурда тўпланишиб, таъбиру тавсияларини ўртага ташлаб, муҳо-кама қилдилар. Ана шу йиғилишларда Улуғбек ва унинг сафдошлари Шарқда қу-рилган расадхоналар уларнинг тарҳи тузи-лиши, илмий кашфиётлари билан қизи-қишди.

— Виз қуратурғон расадхона барча жи-ҳатлари билан аш-Шаммосиядагидин ҳам, Касиюндоғидин ҳам, Мароғодагидин ҳам кам бўлмаслиги лозим.

— Улуғбек бу ўринда Халифа Маъмун (813—833) замонида Бағдод ёнида қурил-ган Яҳё ибн Абу Мансур бош бўлган машҳур расадхонани, Холид ибн Абдул Малик бош бўлган Димишқ расадхонасини, Халокўхон даврида (1256—1265) Мароғода йирик қому-сий олим Носириддин Тусий (1201—1274) раҳбарлигида қурилган расадхоналарни на-зарда тутди албатта.

— Умид истакларига худо ёр бўлғай, аълоҳазрат. Аш-Шаммосия расадхонаси ҳам, Носириддин Тусий жанобларининг ра-садхонаси ҳам ушбу қутлуг замонгача Маш-риқда қурилғон расадхоналарнинг машҳур-ларидин ҳисобланган. Илло мирзо Улуғбек Кўрагонники алардин ортуқ бўлса бўлур, локин кам бўлмағай, — деди Қозизода Ру-мий.

Эртага қурилиш бошланади, деган куни олимлар, саркорлар, шаҳар асилзодалари — ҳаммаси бўлиб беш юз чоғли одам подшоҳ бошлиқ яна Чўпонотага чиқдилар ва расад-хона қурилишига тайёргарликни охири бор кўздан кечирдилар. Расадхона ўрни қафтдек текисланган, ҳамма тарафи муҳандислар ҳамда ишбилармон усталар томонидан ўлча-ниб, хатт нисф ан-наҳор ҳам аниқланган экан. Бу ҳақда мавлоно Ғиёсиддин Жамшид ва бош меъмор Уста Исмоил ахборотини эшитиб, Улуғбекнинг кайфи чох бўлди. Сўнг

расадхона учун ҳозирланган тўрт тарафи тўрт газлик учбурчак асбобни кўриб, қувон-чига қувонч қўшилди.

— Мингдин — минг раҳмат, азизлар. Ра-садхона ўрни обдон текисланибдур, атрофи ҳам тўғри ўлчангон бўлса керак. Локин, ҳаво булутлануб турубдур, бундай ҳолда қуёшнинг ҳаракат йўлини аниқ билиб бўл-мас. Анинг оқибатида ўлчов юмушларида бирон янглиш содир бўлишлиғи ҳам мум-кин, — у диққат билан осмонни кузатиб, яна сўзида давом этди. — Чошгоҳдин сўнг булут тарқалуб, ҳаво ёришуб кетатурғон кўрина-дур, иншоолло. Қуёш ҳали иртифо нисиф ан-наҳорга кўтарилмабдур. Шундин сўнг ер-нинг тарҳини хусусан онинг тўғри текис-лангонини яна бир карра текширулса яхши бўлур эрди.

Қозизода Румий эътироз билдирди:

— Виз бино ўрнини, анинг барча тараф-ларини обдон текширганмиз, аълоҳазрат. Ғалат бўлмаса керак.

Ғиёсиддин Жамшид Улуғбекнинг ёнини олди:

— Шундоғ-ку, мавлоно, локин ҳаво булут бўлуб, қуёш ҳали юқориға кўтарилмоғон бир шароитда ўлчовда хатолик содир бў-лиши турган гап.



У ўша учбурчак асбобнинг шаклини ерга қизиб, ҳар хил математик йўллар билан фикрини исботлаб берди. Чошгоҳдан кейин расадхона ўрни ва умуман ҳамма ҳисоб-ки-тобни яна бир бор текшириб чиқишга қарор қилинди.

Уша кун кечқурун расадхона қурилиши-га бағишланиб якунловчи мажлис бўлди. Бу йиғилишда гап кўпроқ расадхона учун зарур бўлган асбоб-ускуналар атрофида бор-ди.

Расадхона қурилишига қарийб беш йил вақт кетди. Қурилишга Мовароуннаҳр-даги усталарнинг катта қисми сафарбар қи-линди. Шаҳар халқи ҳам четда қолмади: ер қазиш, ғишт, тош ва бошқа материаллар-ни ташишда усталарга кўмаклашди. Қури-лишга Улуғбекнинг ўзи, у шаҳарда бўлма-ган кезларда Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид ва Али Қушчи бошчилик қилишди. Тарихчи Абдураҳмоқ Самарқандий расад-хона битгандан сўнг уни келиб кўрган экан, унинг ҳақиқатдан ҳам уч ошиёнали эканли-гини тасдиқлаб ёзади:

«Расадхонанинг биноси давлат асосидек пойдор, деворлари эрса салтанат низомидек устивор қилиб мустаҳкамланди, иморатини тиклаш ва устунларини кўтариш (оятдаги) «албатта ўша (қиймат) кун тоғлар сайр этади» дейилган кунгача барқарор турувчи тоғлар киби йиқилиш ва нурланишлардин

УЛУҒ ОЛИМ — МУНАЖЖИМ ВА РИЕЗИЕТЧИ МУҲАММАД ТАРАҒАЙ УЛУҒБЕКНИНГ 600 ЙИЛЛИГИГА

омон қолатурғон қилиб бажарилди. Ва яна (оятдаги) «етти мустаҳкам қуббадор қаср-дин» намуна бўлгон ул олий бино ва улуг сифатлик иморатнинг хоналари ичиға тўқ-қиз фалакнинг ҳайъати ва тўққиз осмон доиралари шаклларини даражалар, дақиқа-лар, сониялардин тортиб то ошираларигача чизилди. Айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собата юлдузлар кўриниши, ер куррасини ҳайъати ва етти иқлим сурати тоғлар, биёбонлар ва ер куррасига нимаики тегишли бўлса барча бирлан дилназир нақш-лар ва беназир рақамлар бирлан чизилди».

Бинонинг сирти кошин ва сирли парчин-лар билан безатилган. Олимлар ва хизмат-чилар учун теварақда катта-кичик ҳужра-лар қурилди. Расадхонанинг бой кутубхо-наси ҳам бўлиб, унда қарийб 150 минг ки-тоб сақланган.

Расадхона этагида мирзо Улуғбек ўзи учун катта-кичик чорбоғ ҳам қурдирди. Бири Боғи майдон, иккинчиси эса Чиннихона но-ми билан шуҳрат топди. Боғи майдон ўрта-сида қурилган улкан бино икки қаватли бўлиб, девор ва устунларга мармардан сай-қал берилди, иккинчи боғдаги иморатлар-нинг бири — тошдан, яна бири — рангли фарфордан. Фарфорни 1422 йили Хитойдан олиб келдилар. Расадхона ёнидаги боғлар ва иморатлар ҳақидаги маълумотлар «Бо-бурнома»да сақланган: «(Улуғбек мирзо) яна Пуштаи кўхакнинг доманасида ғарб сори боғи солибдур. Боғи майдонга мансуб. Бу боғнинг ўртасида бир олий иморат қи-либтур. Чилистун дерлар, ду ошиёна, устун-лари тамом тошдин. Бу имораттин тўрт бур-чагида тўрт манордек буржлар кўтарибдур-ларким юқориға чиқар йўллар бу тўрт бурждандур. Узга тамом ерларда тошдин стунлардир. Ваъзини морпеч хиёра қилиб-дурлар. Юқори ошиёнанинг тўрт тарафи айвондур, стунлари тошдин. Ўртаси чордара уйдир. Иморат курсисини тамом ташдин фарж қилибдурлар. Бу имораттин Пуштаи кўхак сари доманада яна бир боғча солиб-дур, анда бир улуг иморат қилибдур, айвон-нинг ичинда бир улуг тош тахт қўйибдур, тўли тахминан 14—15 қари бўлғай, арзий етти-секкиз қари, умқий бир қари, Мундоғ улуг тошнинг хили йироқ йўлдин келти-рубтурлар. Ўртасида дарз бўлибтур. Дерлар-ким, ушбу ерда келтируғондин сўнг бу дарз бўлғондур. Ушбу боғчада яна бир чордара солибдур, изораси тамом чини, Чинни хона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтуруб-дур».

Ҳа, Улуғбек мирзо Самарқандни обод қи-лишга катта ҳисса қўшди. У Амир Темур даврида бошланиб тамомланмаган бир талай биноларни ҳам қуриб битказди. Ғўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда мазороти, шунинг-дек Шаҳрисабздаги Қўк гумбаз масжиди, Яссидаги ҳожа Аҳмад Яссавий қабри устига қурилган бинолар шулар жумласидандир. Улуғбек 1424 йили Ғўри Амирда, унинг кун чиқиш тарафидан эшик очтирди ва ундан то мақбаргача гумбазли ёпиқ айвон (галерея) қурдирди.

Афросиёбнинг жануб тарафида жойлаш-ган ва Шоҳи Зинда номи билан маълум силсила Самарқанднинг ажойиб меъморчи-лик ёдгорликларидан ҳисобланади. Шоҳи Зинда XI асрда қурила бошланиб, Темур ва Улуғбек даврида поёнига етказилди. Мақ-баралардан баъзиларининг девори ёки пеш-тоқида бунёдкор усталарнинг номлари ёзил-ган: Бадриддин Самарқандий, Зайниддин Бухорий, Али Насафий, Юсуф Шерозий...

Кўриб турибсизки, Улуғбек ҳам бобоси сингари бунёдкор бўлди. У ҳам жамоат эҳтиёжи учун зарур кўплаб бинолар: ҳам-момлар, карвонсаройлар, сардобалар қур-диртирди. Масжиду мадрасалар қуриш, ма-зорат ва зиёратгоҳларни обод қилишга ҳам эътибор берди.

Қошимга кел, бу лахза,

Утган йили давомида жумҳурияти-
миздан ҳарбий хизматни ўтаётган
430 нафар аскар нобуд бўлди.

Олти ой Сибирда мардикор бўлган,
Боласи қайтмади она маконга.
Шум хабар: «Бошига гишт тушиб
ўлган» —
Бир аёл йиғлайди Ўзбекистонда.
Бир аёл йиғлайди, телбага ўхшаб,
Елғиз бўтасидан айрилиб хун-хун.
Бир аёл йиғлайди, юлдузлар қақшаб
Оймўма фалакда тутилар бу тун!
Ҳали гард юқмаган, тоза нафасда,
Жилва қилар эди не орау, не ҳис,
Инсофни унутган қай номард касга
Қўрқув-вахимада у чўкмади тиз.
Узин одам деган бўрилар, ҳайҳот,
Хилват ўрмонига беркинди изсиз.
Наҳот, ёвузликка қурбонсан, наҳот
Кўзингда сукунат. Етарсан сўзсиз!
Поездлар югурар, саҳро тўрт тараф,
Кимнинг ўғлони деб сўрамас биров.
Ҳиссиз симёғочлар ташир ёлғон гап,
Ҳавода лопиллар тобут — жим,
соқов.
Кеча оқ йўл тилаб, фотиҳа берган,
Ота ноласидан йиртилар Осмон.
Дийдор дамларидан умидвор
бўлган,
Қўшни қиз ишонмас, ёлғон дер,
ёлғон!
Елғизин тупроққа кўрмасдан раво,
Бир аёл йиғлайди қалбин поралаб
Қувғинлар макони Сибирдан аммо,
Тобутлар қайтади эл-юрт оралаб.
Бир фарёд гурлайди Ўзбекистонда,
Тоғлар нидо қилар. Бўзлайди
тошлар.
Уқлар тинса ҳамки мулки Афғонда,
Ҳамон соғ қайтмайсиз нечун,
юртдошлар?

Она юрт

Ой нурида куйлаясан
Онажоним бир маъюс,
Дилгир овозларингни
Босар йиғи, нолалар.
Қошимга кел, бу лаҳза
Сўзлашайлик юзма-юз,
Нечун қулдай букилиб
Ўтаётир болалар?
Шиддатингни, шахтингни
Яшириб дўст-ганимдан,
Қачонгача онажон,
Сабр-бардош қиласан.
Не маъно бор узлатда
Ёниб бўғилганингдан
Ўз-ўзингча йиғлайсан,
Ўз-ўзингча куласан.
Юлдузлар нигоҳида
Армонларинг ураб
барқ,
Ҳаётбахш бу сийнангга
Отилмади не тошлар.
Бу телбавор тўфонда
Не жонлар бўлмади гарқ,
Не кўзлар ўйилмади,
Кесилмади не бошлар!
Бардош қилдинг,
чидадинг

Хиёлату тухматга,
Алқасосул миналҳақ,
Деди кўкда қуёшинг.
Ноқобил ўғилларинг
Ботса айшу ишратга,
Оч наҳор элни кўриб
Тагин эгилди бошинг.
Ҳақиқат йўли йироқ,
Адолат йўли мушкул,
Саломатдир имонинг
Етарсан бу тилакка,
Ғамларингдан бир куни
Фориғ бўларсан буткул,
Ишонаман, бу йўлда
Мен эмас ёлғиз, якка.
Ишонаман, кун келар
Ушалар бор армонинг,
Эзгуликнинг йўллари
Бўлғай ҳамша барҳақ.
Ишонаман, онажон,
Келар хуррам замонинг,
У ёруғ замонларни
Мен ҳам кутарман илҳақ.



Ўлаётган тупроқ фарзанди


Нечун бу тупроқнинг ҳар битта гарди,
Исёндан шу қадар ҳайиқиб турса.
Нечун бу улуснинг бўлмаса марди,
Бўлса ҳам ўзини хилватга урса.
Бўғизда бўғриқиб музлаган тиллар,
Юракда бардошу қаноат унар.
Ҳасрат-ла эгатга эгилган беллар,
Туришга чоғланса қарсиллаб синар.
Заҳмат даласида гезарган ўғлон,
Нечун юрагингда нолалар йўқдир.
Нечукким, даҳолар туғмас бу Осмон,
Нечун бу заминда волалар йўқдир.
Замин айланади — тегирмон тоши,
Дорлар тикилади — бошланар қатл.
Хун билан қоришиқ Ватан кўзёши,
Қачон бу тупроқда тикланар адл?!
Адлу адолатдан, ҳақку халлоқдан,
Юз бериб бемалол — наслимни суйдим.
Бир садо янгради ноҳос овлоқдан
Ўлаётган тупроққа бошимни қўйдим.
Юзтубан ётибман, билмай ўзимни,
Тескари, тескари дея бу қисмат.
Худолар тингламас, алҳол сўзимни,
Мен ахир кимларга қилурман хизмат!
Умрим адо бўлур гумонлар ичра
Ростини сўзласам, осийман бадқор,
Нокасу таъвия, тубанлар ичра,
Менинг ўзимдирман ашаддий мурдор!

* * *

Бир ойлик меҳнати,
Арзимас маош,
Очкўз ишонч билан
Санайди мағрур
Бир мударат асаби
Тортади ювош.
Ишхонадан уйга
Жўнайди оғир.
Нима олсам экан,
Ўй сўрар тушқун,
Рўзгор халтасини
Кемирар сичқон.
Ўзига куйлакми,
Хотинга пўстин.
Олишни ҳар кузак
Қилади армон.
Рўзгор бўлса гордир,
Тўлмайди сира.
Ахир ҳеч вақога
Етмайди бу пул.
Қўшнидан қарзини
Узиши керак,
Кўчани айланар
Ғашланиб кўнгил.
Бир ойлик машаққат,
Арзимас танга.
Уни ишонч билан
Санар бехато.
Гўё масхаралаб
Иўлакда унга,
Хайру садақага
Қўл чўзар гадо.
Сира чидаб бўлмас,
Ақлидан озар.
Кенгаяр кўксида
Кетаётган дарз.
Чўнтак астарларин
Қатини ёзар,
Бор бўлса гадога
Бағишламоқ фарз.
Очимдан ўлмасман
Ўйлайди тагин.
Утар расталардан
Веркитиб кўзни.
Ижара кулбада,
Хуфтонга яқин,
Шоир нон ўрнига
Тамшанар Сўзни!

Шеърят

1. Тилларим бўғзимда муаллақ қотди,
Шашқатор тўқдим мен кўздан ёшимни.
Ў, илҳом қуёши қайларга ботдинг!
Йўқотдим, йўқотдим мен қуёшимни.
Бундай бедодликка, йўқ, чидаб бўлмас,
Жунун водийсида сарғайиб кездим.
Токи тирикдирман, туйгулар ўлмас
Ҳар бир ҳужайрамда мен бунни сездим.
Кечар лаҳзаларим асрларга тенг,
Бошимда гоҳ ёғду, гоҳи туманлар.
Шеърят, ў, сенинг марҳаматинг кенг,
Мени қийнамоқда шубҳа-гумонлар.



Абдумажид АЗИМ

2. Сени ўз онамдек этардим эъзоз,
Наҳот тингламасан бу кун ўғлингни.
Менга бўйсунмоқни истамас қоғоз,
Тирнаб қабартирдим инжа кўнглимни.
Йироқларда ўтмиш, келажак йироқ,
Икки ўт ичида бешафқат ёндим.
Кўзимдан тиркирар кўзёшмас,
финоқ —
Адашдим, эҳтимол ўзликдан тондим.
Қанча ҳайратларим, изҳорларим бор,
Уларни айтурман бу кун кечикиб.
Ниҳоят, сен билан кўришдим дийдор
Соғиниб, ўртаниб, ёниб, ичкикиб!

3. Ў, илҳом, бу лаҳза васлингга етдим
Уйғонди исёнкор туйғулар қонда.
Минг йиллик уйқудан уйғониб кетдим.
Туркулар айтурман туркий лисонда.
Мен шеърлар айтурман, айтурман
қониб
Ўчгай юрагимдан доғу аламлар.
Руҳимда уйқудан кетди уйғониб
Минг йиллик уйқуда ётган оламлар!

* * *

Армонлари қовжираб йитган,
Ҳасратлари фалакка етган,
Шодлик истаб фақат ғам ютган,
Жонлар кўрдим кўксингда, ерим.

Юлдузи йўқ, зулумотли тун,
Юраклари озурда, нигун,
Ғафлат ичра мудраган дилхун,
Тонглар кўрдим кўксингда, ёрим.

Кўзларингда сўндими олов,
Қўлларингдан тушдими ялов,
Кўксингга тиг ботирдими ёв,
Қонлар кўрдим кўксингда, ёрим.

Муин Бсису

Қонимда йўғрилди ажиб маъволар.
Кўксимдан қуйилди турфа наволар.
Ахтардим зулматдан оппоқ зиёлар.
Руҳимда тугилди сўнмас Дунёлар.



Лек гулим тўқилди қайларга борсам,
Лек кўзим чўқилди қайларга борсам,
Лек йўлим бекилди қайларга борсам,
Лек муштим тугилди қайларга борсам,

Тўйдим дунёдаги келим-кетимдан,
Куйдим номард билан ўтрик битимдан.
Вужудим тўйди-ю, алам-ситамдан
Ўтди устихондан, ўтди этимдан.

Бору йўқлигимни билмас бу ҳаёт,
Билса ҳам, назарга илмас бу ҳаёт.
Мен эса, мен эса... бўғзимда фарёд
Қонимдан гулларни этарман бунёд!

Умумий вагон

(Ҳангома)

Гўё юрт тақдири
Шу темир изда,
Вир авлод боради
Толиққан, ҳайрон.
Хотинлар гўдагин
Ўтказиб тизга,
Эркаклар қавмидан
Нолиди бийрон.
Вир-биримизни
Чимчилаб, нуқиб
Борамиз, гап-сўзга



Сураткаш В. ГОТОВ.



Ҳожат йўқ бунда.
Бўш-баёв зотларнинг
Бошига чиқиб,
Кетяпмиз, гезарган
Қоп-қора тунда.
Биров бу ҳолатдан
Нолиб, ўксинган,
Ким ювош ҳамроҳга
Ўргатар ақл.
Сулув қиз юрагинг
Менинг кўксимда,
Кетяпмиз, оломон
Ҳамжиҳат, аҳил.
Кетяпмиз, мисоли
Қочгандай ёвдан,
Оёқни қўярга
Тополмасдан жой,
Битта ўриндиқда
Ухлаб икковдан,
Кетяпмиз, ойнадан
мўралайди Ой.
Кетяпмиз, асабий
Пичирлар йўлак,
Димиққан вагонда
Қурийди тинка.
Кетяпти, хотин-қиз
Кийиб бир кўйлак,
Эркаклар талашиб
Битта ботинка.
Кетяпмиз, охири
Кўринмас бу йўл,
Пайпаслаб бўғзимдан
Излайман тилим.
Ҳамроҳ қиз, азизим,
Чида, бардам бўл
Тоқату бардошдан
Бераман таълим.
Ҳамроҳ қиз, азизим
Берингиз қўлни,

Ҳаёт—мамотимиз
Шу изда, ахир.
Ҳамроҳ қиз, азизим
Узун бу йўлни
Босиб ўтмоғимиз
Лозим, барибир...

Надомат

Қандай оғир,
Ўчириб, ёзиб
Шеърларингдан кўнглинг
тўлмаса.
Дарду ғаминг
Бағрингга босиб,
Ухлай десанг, уйқу бўлмаса.
Еруғликка интилган сари,
Кул бўлса-да, парвона бекор.
Юрак ютиб кетолмас нари,
Гуриллаган оловдан зинҳор.
Қандай оғир,
Ҳис қилиб аён,
Ўхшашингни нотавон гардга.
Чора топмай
Мунғайса Осмон,
Кўзингдаги туманли дардга.
Еғийларнинг додини берган,
Аждодларинг ухлайди оғир.
Жалолиддин, Темурни кўрган,
Икки дарё сағирдан сағир.
Қандай оғир,
Дунёи дунда,
Бир ковакка сиғмаса бошинг.
Туркистону
Болосоғунда
Уйғоқ ётар Ватан, бардошинг!
Қисмат сени алдади, кетди
Кўзларингни элитди туман.
Қўлларингдан ногаҳон тутди,
Фариштадай кулган Есуман.
Қандай оғир,
Беайб, бегуноҳ
Оёғингга кишан урилса.
Осмонларинг
Сарғайиб ногоҳ,
Наслларинг мўрдай қирилса.
Биласанки, тарих меҳвари,
Бурилмагай ортига, алҳол.
Юрагингнинг муқаддас ори,
Ёт оёқда қилинар поймол.
Қандай оғир,
Ақлдан озиб,
На субут, на бурдинг бўлмаса.
Дарду ғаминг
Бағрингга босиб,
Яшай десанг, юртинг бўлмаса.

* * *

Танимда ухلامас бир дард,
Қонимда ухلامас бир ғам.
Кўксимдан юлиб отмоққа шарт
Шахт этсам, термулар пургам.
Термулар кўзлари қонли,
Қонимга ташнаком, интик.
Бу дардинг бағри армонли,
Бу ғамнинг кўксига чандиқ.

Ўтар дунё, келар дунё,
Нечун ундан кечолмайман.
Уммон олдидаман, гўё
Қониб яйраб ичолмайман.

Танимда ухلامас бир ғам,
Жонимда ухلامас бир дард,
Ки умрим топгуси барҳам
Кўксимдан юлиб отсам шарт...



Умр инсонга бир мартагина берилади. Уни қандай ўтказиш эса ҳар кимнинг инон-ихтиёрида. Ким вақтини бесамар, лоқайд ўтказсади, ким барча куч-қувватини эзгуликка сарфлаб, эл ўртасида ҳурмат ва яхши ном қозонади, ҳаёти мароқли ҳамда мазмунли кечади. Бундай кишиларга эса ана бир инсон умрини сўрагинг келади.

Янгийўл ноҳиясининг Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Анвар ота Одилов ҳам ана шундайлар тоифасига киради.

— Мен Улуғ Ватан уруши бошланмасдан бурун, 1935 йили Тошкентдаги «Табиат музейи»га ишга киргандим,—деб хотирлайди ота ўйга чўмиб.—Уша ерда музейшунослик бўйича махсус курсни битириб, боз устига бир неча сафарларда (экспедиция) мунтазам қатнашиб, ўлкамиз табиати сир-синаотидан хабардор бўлдим. Бироқ уруш бошланиб, сеvimли ишимдан бевақт узоқлашиб қолдим. Жангу-жадалларда нафақат табиатнинг, балким инсонлар умрининг заволини кўрдим. Хуллас, урушни ғалаба билан якунлаб, тинч меҳнат фаолиятимни Ҳамроқул Турсунқулов номли жамоа хўжалигида бошладим...

Анвар ота дастлаб жамоа хўжалигида электрүзатувчи бўлиб иш бошлаган бўлса, кейинроқ бошланғич ҳарбий таълим фанидан мактаб ўқувчиларига сабоқ берди. Бўш вақтларида кўнгили майли—табиат билан ошно тутинди. Табиат—ҳайвонот, ўсимликлар дунёсидаги қирғин-баротликларга баҳоли қудрат чек қўйишга киришди. Имкони бори-ча табиатни асрашга жонқуярлик қилди. Йўқолиб кетаётган ўсимликлар намуналарини, қирилиб битаётган ҳайвонлар тулуминини йиғди. Шундан сўнг бисотидаги антиқалардан Янгийўлда ҳам «Табиат музейи» ташкил этишга аҳд қилди.

Орзусига эса фақат 1975 йили эришди. Хўжаликнинг собиқ раиси, марҳум Ўсар Жўраев отанинг илтимосини инobatга олиб, қишлоқда янги мактаб қурилгач, эскисини (икки хоналик эди) вақтинчалик музей учун бўшатиб берди. Ота музей учун бинога эга бўлгач, бир неча йиллардан бери йиғиб келган турли тулумларини шу бинога жойлаштирди. Музей тез кунда кўзга кўриниб, фақат томошагоҳ вази-фасини ўтаб қолмасдан, мактаб ўқувчиларининг табиат фанлари ўтиладиган очиқ дарсхонасига ҳам айланди, табиат ва ҳайвонот оламини ифода этган кўплаб сурат-лавҳалар, китоб ва жаридалар, таҳламлар билан бойитилиб борилди. Айниқса кўргазмадаги «Қизил китоб»га киритилган жонивору паррандалар алоҳида қимматга эга. Икки юздан ортиқ бўлган тулумлар туркумларга бўлинган: йиртқич ҳайвонлар, судралиб юрувчилар, сув жониворлари, қушлар...

Анвар ота тулумлашни ўша, Тошкентдаги «Табиат музейи»да

Ф И Д О Й И

ишлаган даврида ўрганган. Бироррта ҳайвонот бўлганда бундан аниқроқ билганини эшитса, Етарсан бу тўғриликдан бир кунини Фориғ бўларсан буткул, Ишонаман, бу йўлда Мен эмас ёлғиз, якка. Ишонаман, кун келар Ушалар бор армонинг, Эзгуликнинг йўллари Бўлғай ҳамиша барҳақ. Ишонаман, онажон, Келар хуррам замонинг, У ёруғ замонларни Мен ҳам кутарман илҳақ.

Қизиғи шундаки, музейнинг барча ашё-анжомлари отанинг қариллик нафақаси ҳисобидан бунёд этилган. Чунки музей на давлат, на жамоа хўжалиги ҳисобиде туради, кам-кўст билан таъмин этилади. Ҳатто «мудир» лигию «маърузачи»лиги ҳам савоб йўлига. Бундан ташқари жамоа хўжалиги идорасидаги Ҳамроқул Турсунқулов тарих музейига ҳам тушунтирувчилик қилади.

— Қаҳрамон шаҳарларда бўлиб, жомадонимни тўлдириб бир сиқимдан тупроқлар келтирган-дайди ота яна хўрсиниб йтувди «Нима роқни?» деб. «Ким ўзимнинг урушда бе-Балки қонла-тўкилгандир. р учун жанг энга ўхшаб, асини йўқот-қанча? Агар йойлаштираман, хурсанд бў-лади. Бу туп-у!»

У нафақат табиат ошиғи, уруш кўрган отахон, шу жамоа хўжалигида роппа-роса ўттиз йил муттасил бош электрүзатувчи бўлиб ишлаган мутахассис, ёш авлодга билим бериб, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълоҳисини номини олишга мушарраф бўлган муаллим. Айни чоғда бу тиниб-тинчимас ота жамоа хўжалигининг фуқаролар мудофааси идорасининг бошлиғи.

Ота ўқувчиларга, табиат шай-

доларига табиат ҳақида маъруза ўқишдан, ҳар бир жонивор тарихидан ҳикоя қилишдан чарчамайди. «Фикр ва мулоҳазалар» дафтари мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ҳамда хориждан ташриф буюрганларнинг дил сўзларига тўла. Зиёратчиларнинг кўпчилик қисми ёлғиз куч билан шундай, кенг қамровли, бой жиҳозли (баъзан ютуқлари билан Тошкентдаги «Табиат музейи»дан қолишмайди) музей барпо этган мўътабар шахс шайнига миннатдорчилик сўзларини битишган. Агар жамоа хўжалиги тезроқ музей учун янги бино ажратса, ота умри давомида йиққан осори-атиқалар кўпчилик мулкига айланиб, табиат шайдоларнинг сеvimли маскани юзга келган бўларди.

Анвар Ота Одилов ҳозир табаррук—73 ёшда. Бели бақувват, ҳали кексаликни тан олмайди. Чунки отанинг эзгу ташвишли умри мароқли ва завқли кечмоқда.

Сафарим ниҳоясига етиб, Анвар отанинг қилган бу хайрли ишларидан мамнун бўлиб, омонлашиб турганимда унинг нуруний чехрасида бир ташвиш аломати йилт этиб кўриниб кетди. Дарҳол кўнглини сўрадим.

— Уғлим,—дедилар ота,— «Табиат музейи» шунчаки томошахона эмас. Афсус, тирноқлаб йиққан ноёб, табиатнинг қайтиб келмас, топилмас бўлаклари яроқсиз биноларнинг бурчакларида ёйилиб ётибди. Ёлғиз ниётим унинг қадрини ўз ўрнига қўйсалар, токи, келажак авлод табиатга меҳр қўйиб ўсса...

Отанинг кўнглидаги хижиллик менга ҳам юқди. Наҳотки бир инсон ўз умрини табиатни асраб қолиш, унинг бетакрор бойлигини авлодларга етказишдек бир эзгу ишга сарф қилса-ю, бутун бир жамоа хўжалиги, ноҳия, вилоят маъмуриятлари Янгийўлда битта «Табиат музейи» учун кўнгилдагидек бино ажрата олишмас?! Танаси бошқа дард билмас, деганлари шу бўлса керак-да!





Эҳтимол биринчи
Ўзбек космонавти
шу бола бўлар.

Сураткаш А. КАРАБАЕВ.

Миллий созлар устаси Муҳаммадназир Юнусов.

Сураткаш В. ГОТОВ.



Езги ҳордиқ.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



Анорзорда.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



Олхўри терими.

Сураткаш Р. НУРИНБОЕВ



Қорақалпоғистонда Абу Райҳон Беруний ҳайкали.

Сураткаш А. Ванштейн



Ун икки ёшли Бобурнинг Андижонда тахтга чиқиш тантанаси

«БОБУРН



Конибодомда бодом терими.



Хумоюннинг туғилганлиги шарафига зиёфат.

МА»НИНГ 460 ЙИЛЛИГИГА

Тангритогдан бошланадиган сув йўли.

Сураткаш А. КАРАБАЕВ



Улуғбек хайкали пойидаги ўйлар

Самарқандда — расадхонада,
Мажнунтоллар қуршови ичра.
Она ерга эгиб бошини,
Бир зот турар ўйчан, бокира.

Кезиб юрар бунда дарбадар,
Аждодларнинг руҳи, имони.
Утиб борар бу зот пойидан
Асрларнинг мудроқ қарвони.

Умр бўйи кўкнинг жамоли
Ва руҳига банди бўлган зот.
Мағрурлиги қаерда қолди,
Олтин боши эгилган, хайҳот!

... Боши эгик халқмисан, ўзбек,
Боши эгик улуғ зотларнинг.
Ўзлгингни англамоқ бўлсанг,
Хайкалига қара ётларнинг.

Бу Улуғбек эмас, ўзбекнинг
Хайкалидир. Фигоним тутар...
Кеч бўлмасдан идрокни йиғиб,
О, ўзбегим, бошингни кўтар!

Онамга

Саккиз фарзанд кўрди онам, кун кўрмади,
Меҳнат кўрди, кундуз кўрди, тун кўрмади.
Сув келса симирди, воҳ, тоғ келса кемирди,
Узи ёниб, ўзи куйди, боласида ун кўрмади.

Полапон қуш каби бизлар учиб кетдик,
Ҳар биримиз ҳар томонга кўчиб кетдик.
Бир кун келиб, чўкиб қолган онамизнинг
Сочларида оқни кўриб чўчиб кетдик.

Болаларин ичида энг ғайири мен,
Ноқобили, далли-ғулли дайири мен.
Ҳаммаси бир томонда-ю, мен бир томон,
Сочларига оқ қўндирган шоири мен.

Юртим, дедим онамни ҳеч ўйламадим,
Юртни куйлаб онамни ҳеч куйламадим.
Энди билсам юрт онадан бошланаркан,
Юрагимни унча очиб сўйламадим...

Илғамадим мен отамнинг хаёлини
Ва онамнинг кўзидаги саволини.
Ана, кимдир туғмасликни тарғиб этар,
Тушунмас у ўзбекларнинг аёлини.

«Ит бўл, қуш бўл — кўп бўл!» — деган
момоларим,
Кўп бўлишиб ёвни енгган боболарим.
Шунинг учун туғар ўзбек аёллари,
Бўрон бўлиб қайтар бир кун саболарим.

Тўмарисдек баъзан улар кекли бўлар,
Оилага қул, лекин, руҳи эркили бўлар.
Токи, Ўзбек аёллари туғар экан,
Евлар учун юрт эшиги беркли бўлар.

* * *

Хазонрез боғларда кузги тантана
Яна юрагимга солмоқда ғулув.
Турналар юртига қайтмоқда ана,
Лекин, сен қайтмайсан, қайтмайсан сулув.

Пўртана жилғалар тиниқ, ана, боқ,
Қиздай жим тутатади кўкка лабини.
Юлдузлар тун бўйи бўлар овутмоқ,
Сен ғариб айлаган шоир қалбини.

Хазонлар пойимни ўпар эшилиб,
Уларга бегона юрагим зори.
Қалбимдан бир нидо чиқар ситилиб,
Сен бугун кимнингдир севимли ёри.

Хазонли боғларни кезаркан яна,
Англадим, айрилиқ туганмас йўлдай.
Яшаб ўтмоқдаман ҳажрингда, мана,
Озодлик нелигин билмаган қулдай.

Юракнинг рентген суратига изоҳ

«Бу қандай қабристон, бу қандай мазор,
Ким у маънос турган гуллар кўтариб...?»
Рентгенолог ҳайрон, қилади бозор.
Фотоплёнкага боқар кўкариб.

Сўнгра қулоқ тутар кўксимга: дук... дук...
— Мўъжиза! — довдираб ташлайди қадам.
— Биласизми, сизнинг юрагингиз йўқ,
Мана бу сурати: қабристон... одам...

Мен чиқиб кетаман бермасдан изоҳ,
У қолар ўлжасин зумда бой бериб,
Ўлган бир дўстимни учратдим ногоҳ
Тошкент кўчаларин айланиб юриб.


— Салют! — у қўлини кўтарди кўкка,
Ўйладим: бу дўстнинг арвоҳи, ё раб!
Қайси йил кўмгандим уни юракка,
Аста чап кўксимни кўрдим пайпаслаб.

Юракда қабрлар турибди қатор,
Турибди, мангуга қонга чўмилган.
Мана севгилимнинг олтин тобути,
Ун саккиз минг олам гулга кўмилган.

У ўлди. Умримга бахш этиб бўшлиқ,
(Жони қайда ҳозир, кимга қарашли?)
Тунов, трамвайда одам тўла, лиқ,
Бир аёлни кўрдим кўзлари ёшли.

Аёл тушиб кетди аламли кулиб,
(Эвоҳ топганимда яна қўйвордим)
Ишда ким биландир гаплашиб туриб,
Шу аёлни эслаб йиғлаб юбордим.

... Рентген алдамайди, бор бўлса яранг,
Гарчи юрак доғли... яшайман куйиб.
Рентген суратида турибман, қаранг,
Ўзимнинг қабримга ўзим гул қўйиб.



Шукур СОДИҚ



МўМИЕЛАНГАН ҚУШИҚЧИ

Қадимги Миср фиръавлиларидан бирининг машҳур қўшиқчиси Та-бес ниҳоятда бадавлат аёл бўлган экан... Мисрликларнинг қадимий одатига кўра, оламдан ўтган таниқли кишиларнинг жасади мўмиёла-ниб дафн этилган. Машҳур қўшиқчи ҳам мана шу эъзозга сазовор бўлган экан. Қадимшунослар Та-беснинг мўмиёланган танасини бундан

бир неча йил муқаддам топгандилар. Лекин улар минг йиллардан бери сақланиб келаётган жа-садга зиён етказиб қўйишдан чўчиб, унга қўл урмаган эдилар. Яқинда тиббиёт ходимлари қа-димшуносларнинг муш-кулини осон қилдилар.

Манбаларнинг шо-ҳидлик беришича, қа-димги Мисрда мўмиёлаш маросими марҳумнинг сиймосини сақлаб қолиш учунгина эмас, балки уни гўё нариги дунёда кечирадиган ҳаётга тай-ёрлаш маросими деб ҳам қаралган. Одамлар пи-рамидалар остига қўйил-ган жасадларнинг қайта тирилишига ишонганлар ва шу боис марҳумни мўмиёлашда унга қўшиб уй-анжомлари, қурол-яроғлар, ҳайвонлар, умуман қайта тирил-ганидан сўнг яшаши

учун зарур бўлган ҳам-ма нарсаларни бирга кў-мишган.

Бостон шаҳар нафис санъат музейининг та-мирловчи-мутахассисла-ри қўшиқчи Та-беснинг жасадини компьютер кўрсатган натижалар ёр-дамида тартибга келти-ришга таваккал қилди-лар. Бунинг учун эса, жасад ниҳоятда эҳтиёт-корлик билан касалхо-нага келтирилди. Ком-пьютер асбобнинг ўзига хос томони шунда эди-ки, унинг ёрдамида жа-саддаги суякларнигина эмас, балки рангли тас-вирлар орқали жасад-даги тўқималарнинг жойлашувини ҳам аж-ратиш имкони бор эди. Қоҳинлар унинг ички аъзоларини (юракдан ташқари) ниҳоятда эҳ-ёткорлик билан олиб, обдон ювишди. Сўнгра

уларни жой-жойига қўйиб, мўмиё суртдилар. Жарроҳлик илмоқ ёр-дамида бурун тешиги ор-қали бош миаянинг катта қисмини тикишга ҳам муваффақ бўлинди.

Та-бес жасади шу та-риқа қайта мўмиёланди. Бу жараён узоқ муд-дат—70 кун давом эт-ди. Мўмиёлаш жараёни-да жасадга ўралган бинт-дан иккита тумор топил-ди. Мутахассислар бу ту-морни қўшиқчи аёл ҳар хил инс-жинслардан сақ-лаш учун тақиб юрган деган хулосага келдилар. Тиббиётчи текширувчи-лар, шунингдек, аёл жа-садидаги умуртқа пого-насидаги нуқсонларни ҳам аниқладилар. Бироқ қўшиқчининг ўлими са-бабини аниқлашга ҳали муваффақ бўлингани йўқ.

Кишлоқ йўлларида шитоб билан олиб келаётган машина ранги униқиброқ қолган эшик олдида «ғийқиллаб» тўхтади. Рулни бошқариб келган Имомий гўёки «биз келди-и-к» дегандек чўзиб сигнал берди. Бирпасда қора-кура болалар пайдо бўлди. Чанг босилгач, орқа ўриндиқда у ёқ-бу ёғини тузатиб ўтирган Башоратхон тушишга тараддуланиб:

— Имом ака, анави халтадагилардан бирор нарса олволамизми? — деди иккиланиб.

— Йўқ, қўяверинг! — деди Имомий чўрт кесиб. Бундан: «Халитдан буён кимнинг қулоғига танбур чертаяпман?», деган

Ун беш йил олдин келин бўлиб тушиб, бир ой яшаган пайтдагидек ҳамма нарса жой-жойида эди. Лекин мана шу «ҳамма нарса» дафъатан унга илк келинлик дамларини эслатди. Тонгда туриб мана бу йўлакларни, кўчаларни тоза қилиб супурарди, ёз бўйи тўлиб оқадиган кўча ариғидан сув олиб сепарди. Мана бу ерга ўша пайтда ҳам райҳону ўсма, турли хил ош кўкатлари экилганди. Кундузлари ариқ лабида ўсма қўйиб ўтириш қандай гаштли эди ўшанда. Ҳамма нарса чиройли кўринарди кўзига. Еш келинчак озгина вақт ичида қорайиброқ қолган, юзига қишлоқнинг ранги ура бошлаган эди. Аммо чиройига чирой қўшилган бўлса бордир-у, сира ўзини олдирмаганди. Қайтанга тўлишиб, ҳаракатлари дадилроқ бўлиб қолди. Келин-куёв тўй қилиш учун олган меҳнат таътили муд-

ридан кейин Башоратхон эрини бир ойча менсимамай юради. Сабаб: Бешариққа келиб кетганларидан сўнг шундоқ Имомийдек обрўли одам хотинининг кўзига худди эски ҳовлисидек фақиргина кўрина бошлайди. Бунда Башоратхон эрининг ночору ўзининг гуркираган болалигини кўз олдига келтириб, кўнгли ғашланади.

Бугун ҳам улар шу томонларга «визит» уюштирган жойлари эди. Хотинининг кетидан кириб келган Имомий мунгайиб турган ғарибгина ҳовлига гуноҳқор қиёфада, бир томони суқ билан назар ташлади. Фақат одам қатнайди-ган йўлаккина асфальтдек текис, ҳовлининг қолган қисмини ажирик босиб (из тушмаганидан кейин шу-да), иссиқдан шўроқ отган, қаровисиз қолган ток тарвақайлаб ҳар ёнга ўсиб кетган, новдалари бетартиб осилиб ётарди. Шох-шаббалар ташланган бос-

менинг ҳам тинчлигим. Кўриб турибсан-ку, яхшиман.

— Соғлигингиз жойидами, эна? — деди орқада лабини чўчайтириб турган Башоратхон ва қўлтиғидагини кампирга тутди. — Мана, ўғлингиз атаб олган эдилар, яхши кунларда қўйлак қилиб киясиз.

— Вой, айнониб кетай келинимдан, — кампир ҳали ҳам ҳаяжонда эди. — Ҳеч кераги йўқ бу нарсанинг, болаларим, бошим осмонга етди-я. Ие, нима қилиб турибмиз? Қани, ичкарига.

Уйга киришди. Кампир тахмондан кўрпача олиб ёзди. Башоратхон «шакар» туфличаларини ечиб, ийманибгина тўрга ўтиб чўкди. Имомий ҳам тўшакка омонатгина ўтирди. Дониёр эса ҳовлидаги сим каравотга чиқиб олиб, «хайтов-хайтов»ни бошлаб юборганди.

Аваз ҲАИДАРОВ

КЎНГИЛ

Ҳикоя

кесатиқни уқиб олиш қийин эмасди. — Бу у ёққа аталган, барибир, кампирнинг тиши ўтмайди. Анави штапель кийимликнинг ўзи етади. Узоқ ўтирмаймиз. Вақт зиқ.

— Шундан шу ёққа камлик қилмасмикин?..

...
Башоратхон ёнидаги икки биқини шишиб чиққан сумкадан қоғозга ўроғлиқ нарсани қўлтиғига қистирди-да, ёнида ғужанак бўлиб ухлаб ётган ўғилчасини уйғотди:

— Тур, Дониёржон, етиб келдик, опоқингни кўриб чиқамиз. Юрақол, болагинам.

— Ие, етиб келдикми? — деди бола кўзларини уқалаб. — Опоқимга бораман, опоқимга... — шундай дея у машинадан туша солиб, шаталоқ отганича ҳовлига югурди.

— Ҳой шумтака, секинроқ юр, йиқилиб тушасан, — дея она шўх ўғилчасини огоҳлантирди.

Бир-бирини итаришиб машинага яқинроқ келган болалар ўз тенгқурларини кўриб, кўзлари чарақлаб кетди, бола безътибор ҳовлига кириб ғойиб бўлганидан сўнг улар орасида шивир-шивир бошланди.

Имомий ҳаво янгилаиб турсин учун орқа эшик ойналарини очик қолдирди. «Кел, очик турса турар, узоқ ўтирмаймиз-ку». Сўнг болаларга пўписа аралаш уқтирди:

— Машинага тегманглар, хўпми? Мен тезда чиқаман. Мабодо чизиб-пизиб юрманглар, ёмон қиламан.

Башоратхон ҳовлига кириб, қўлини пешонасига айвон қилганча атрофни томоша қила бошлади. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ.

дати ҳам тугаб, шаҳарга қайтиб кетишга тўғри келди. «Қизим-чи, қизим»лаб юрган меҳрибон қайнона ҳам кўзлари мўлтираб қолаверди. Кейин қайноқ шаҳар ҳаёти: иш, ташвиш, вақтнинг доимий етишмаслиги... буларнинг ҳаммаси кишини ўз домига тортиб олади. Бир пайтлар туйган ҳис-туйғуларинг хотира бўлиб қолаверади. Шаҳарда эса ана шу олис хотираларга назар ташлашга фурсат, хаёлий хотиржамлик етишмайди. Башоратхонга ҳам ҳаётининг энг латофатли, малохатли дамлари — келинлик кунлари армон бўлиб қолаверганди. Бунинг ширин хотира эканлигини ўзи учун ҳис-туйғуларга берилмайдиган жой ҳисобланган шаҳарда эмас, балки мана шу қишлоқда, мана шу ҳовлига ҳар сафар остона ҳатлаб ўтганида сезади. Лекин Башоратхоннинг табиатида болалик чоғларидан сингиб кетган кибрга ўхшаш нарса бор. Шу кибр унга бир неча бор панд бериб қўйган.

Ҳар сафар шундай ҳол юз беради: эр-хотин тўрт-беш ойда бир марта, шунда ҳам ўзларининг бирорта юмушлари билан Бешариққа ташриф буюришади. Бошда юраги бир орзиқиб олган Башоратхон энди худди игна устида ўтиргандек типирчилайверади, кибр касаллиги ўз кучини кўрсатиб қолади. Имомий ҳам хотинининг раъйига қараб ўрганган киши эмасми, ўша кунинёқ машинани орқага — шаҳар тарафга ғизиллатишга мажбур бўлади. Имомий бирор кун ойисининг олдида тунаб қолиш истагини билдирса, Башоратхоннинг «мазаси қочиб қолади». «Ҳа, нима?» — «Бешариқнинг ҳавоси ёқмади». Уйга қайтиб борганла-

тирма ёнидаги танаси тиришиб кетган букри тут ҳам бу йил каллакланмабди. Занг босган тарновлар тешигидан оқиб ўтган ёмғир сувлари сомон шувоқда ариқча ҳосил қилиб, уй синчларини кўрсатиб қўйган эди. Буларнинг ҳаммаси ташриф буюрган кишини бу ҳовлида эркак киши яшамаслигидан воқиф этса, кўча эшик олдилари, йўлакларнинг орасталиги, унда-бунда турфа гуллар, ош кўки, райҳонларнинг чиройли қилиб ўтқазилганлиги, ерга тушган хас-чўп, хазонларнинг битта-битталаб териб олинганлиги кампирнинг озодалигини, ҳамма қариялар сингари тиниб-тинчимаслигини билдириб турарди.

Ичкари уйдан неварасини етаклаб чиққан кампир довдираб қолди, калишининг орқасини босиб кийганича инқиллаб юриб келиб ўғли ва келинининг елкаларидан олиб узоқ кўришди, хурсандлигидан кўзларига ёш олди.

— Вой болаларим-ей, намунча ҳаяллаб қолдиларинг, соғиниб кетдим-ку? — деди койинган бўлиб.

— Ҳа, эна, ўзингиз тинчмисиз, ахир, — деди Имомий кўтаринки руҳда. — Энди эна, ишлар кўп. Давлатти одами бўлганингдан кейин қийин экан, мундай етак кўтариб бирор ёққа чиқолмайсан. Мана, келдик-ку, ахир... Соғлигингиз яхшими ўзингизнинг?

Кампирнинг қулоғи оғирроқ эди, шу боис унинг ёнида товушни баралла қўйишга тўғри келарди.

— А-а? Ҳа, яхшиман, болам, ўзларинг тинч бўлсаларинг, ўша

...Оналар учун болалари атрофида парвона бўлишдан буюкроқ бахт йўқ. Шу боисми, киши қариганидан сўнг ҳам, болам деб, жони ҳалак бўлаверар, фарзандининг йўлларига интиқ кўз тугиб, бор меҳрини сочгиси келаверар экан. Бунга жавобан фарзанд ҳам улғайганидан сўнг фарзандлик туйғусини чуқурроқ, онгли ҳис этиб, онага бўлган илиқ муҳаббати дил тубига чўкиб бораверар экан. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам фарзандлик туйғуси она меҳри олдида ожиз бўлиб қолаверар экан.

Кампир ўғли ва келинига термулиб тўймас, уларга кўп гап айтгиси, улардан кўп гап эшитгиси келаётганлиги юзларидан, ўзини йўқотиб қўйганлигидан, ҳаяжондан титраётган сўлгин панжаларидан сезилиб турарди. Имомий эса, ўтирган жойида дим ҳовдан нолир, бай-байлаб қўли билан юзларини елпир, ҳовлида қўшинининг адашиб чиқиб қолган дайди бабақхўрозини тирқиратиб қуваётган ўғилчасига илҳақ қараб қўярди.

— Вой ўлмасам, чой қўйиш эсимдан чиқибди, — дея кампир ўрнидан қўзғалди.

— Мен қўярдим-у, — Башоратхон қимирлаб қўйди. — Ҳали ҳам қумғонда қайнатасизми?

— Ҳа, болам, қумғоннинг чойи бошқача бўлади-да ўзи.

Кампир ташқарига чиқмоққа хозирланган эди, Имомий бир хотинига, бир соатига қараб олиб уни тўхтатди.

— Чойни қўя туринг, эна... — А?

— Ҳа, мана мундоқ ўтиринг. — Кампир жойига ўтиб чўнқайди. — Эна, биз аввало сизни кўргани келганбиз. Чойни ичавера-

миз, бу ўзимизнинг чой. Иннай-кейин, анави ижроқўмда ишлайдиган Рустамбойнинг юбилейи, шуникига ҳам ров ўтиб келамизда. Кутиб қолишгандир-ов, атайин телеграмма берибди. Ўзингиз тинчмисиз, ахир?

— Ҳа, энди, болам, сизлар соғ юрсаларинг, мен доимо тинчман, — кампирнинг гап оҳангида ўкиниш аломатлари бор эди. — Исик-совуғим жойида, пенсиямни олиб турибман.

— Анави қўшининг қизи хабар олиб турибдими? Ҳаҳ, оти нимаиди, ҳа, Арофатхон?

— Қизи тушмагур ажойида, — деди кампир миннатдор оҳангда, — ҳар куни шу ерда. Эна-бола иккаламиз зеркишмай ўтираемиз. Ора кунда ётиб ҳам қолади. Ҳозир мактабга кетувди, ҳали замон келиб қолади.

— Бўпти, эна, сиз бор экансиз, ана шу бахтимиз. Олиб кетай десам, бормасангиз ўзингиз шаҳар томонларга. Бир айлантлардимда. Ахир, айни сайру саёҳат қиладиган пайтингиз. Сиз бўлсангиз, уйдан кўчага чиқмасам дейсиз. Майли, кўнглингиз тусанган ишни қилинг, бизга соғ бўлсангиз бас. Ҳамма гап шунда. Энди ўзингиз биласиз, мен бўш вақтларни оқлаш учун у-бу нарса ёзиб ҳам тураман. Шу яқинда сизга атаб битта нарса битгандим. У ёқдагиларга маъқул келмай турибди, аммо лекин ўзим бунинг дурустлигига ишонаман. Ҳа, шундай. Сизга атаб ёзганман-да буни, ахир, сизга, демак, барибир маъқул келтирамиз. Оналар ҳақида битилган ҳар бир жумланинг қадрига етиш керак.

Буни тушунган тушунади, тушунмаган йўқ. Бешариқ ҳақида ҳам талайгина қороз қоралаб қўйдим. Ахир Бешариқ дунёда энг азиз маскан ҳисобланади, чунки бу ерда мен туғилганман. Ҳа, бешариқлик оналар ҳақида эса умрбод куйлаб ўтсак арзийди. Мана, уч-тўрт қатор, тинглаб кўринг, — Имомий шундай дея бир тоқатсизланаётган хотинига, бир соатига қараб олиб, ён дафтарчасидагини ўқий бошлади:

Чўнг тоғлар чўққисиз бўлурми ҳеч бир?

Боғлар-да булбулсиз қилинмас ҳавас.

Тирноқни этидан ажратмагандек

Мен онамсиз яшолмасман бир нафас.

Оналар бор экан жумла жаҳонда...

Шу пайт ҳовлида шовқин солиб қочиб юрган бабоқхўроз ичкарида ўтирганлардан худди нажот сўрагандек деразага сакради, унинг кетидан муштдек кесак учиб келиб деворга тегди. Ҳаммалари безовталаниб ташқарига қарашди.

— Ҳой, болага қарасангиз бўлмайдим, — деди Имомий шеър ўқишдан тўхтаб.

Башоратхон шуни кутиб тургандек дарҳол: «Вой ўлмасам!», дея ташқарига чиқди. Кампир гўё шеър мазмунини тушунган кишидек анграйганича муштдек бўлиб ўтирар, нигоҳини ўғлининг сочига оралаб қолган оққа қадаганча ўйга толганди. Имомий дафтарчасини ёпиб, давом этди:

— Шунақа, эна, бу жуда катта шеър. Вақти келиб биринчи шеър китобимнинг биринчи бетига албатта чиқараман. Бунга ўзимнинг энг юракка яқин гапларимни жо этганман. Номингизни тарихда қолдираман, ҳа, сиз шунга лойиқсиз, эна.

Имомий ташқарига қаради. Хотини кўча эшик олдида қўлини пешонасига айвон қилиб, ўғилчаси билан уни кутиб турарди. Кампирнинг эса ўғлига, келинига, неварасига айтмоқчи бўлган, ичидан тошиб келаётган гаплари, унинг билан узоқ гаплашишга бўлган истаклари меҳрга тўлиқ юзларидан сезилиб турар, хаёли бошқа нарса билан банд бўлган Имомийга сўлғин ҳамда соғинч нигоҳларини қадар эди.

— Бўпти, эна, — деди Имомий рўмолчаси билан бўйинларини артаркан, — биз борайлик, кутиб қолишгандир. Ҳали қайтишда ров кириб ўтармиз. Албатта кириб ўтаман.

— Намунча шошасан, болам? — деди кампир ҳамон ўша ўкиниш оҳангида. — Мундай гаплашиб ўтирай ҳам демайсан.

— Бормасак бўлмайди. Рустамбой хафа бўлади. Бирон кун алоҳида келаман, бўш вақтда. Ҳозир у ёққа бормасак бўлмайди.

Улар кўчага чиқишди. — Нима овқат қилиб турай, болаларим? — деди кампир машинада ўтирганларга қарата. — Мастава қилиб турайми, а? Йўл юргансизлар, кўнгилларинг равшан бўлади.

— Йўй-й... ҳеч овора бўлманг, — деди Башоратхон кампирга талпинаётган ўғилчасини кучоқлаб.

— Ҳа, жаз-жузга овора бўлманг, эна, ўзингизни асранг. Хўп, биз ҳали ров кириб ўтаемиз.

Машина тор кўчалардан юриб, кўздан ғойиб бўлди.

Кампир ҳамон эшик тагида машина кетган томондан кўз узолмай турар, ўғли билан келинига қайта-қайта айтмоқчи бўлган, ҳозирда эса дилида сақланиб қолган гапларини энди беихтиёр ўзича пичирларди...



Салима ҚИЛИЧЕВА

* * *

Бу аёлнинг кўзлари оддий, Тиниқликда мовий бир денгиз. Қалдирғочнинг нозик қаноти, Қошларига солиб ўтган из. Бу аёлнинг қўллари узун, Мезонларга чўзилар ўйчан. Тилларида ардоқ топар сўз, Муҳаббати баҳорий, дардчан. Бу аёлни севар тўрт фасл, Қишлоқ узра меҳри ёйилмиш. Ораста бу аёл қалбининг Кенглигига осмон қойилмиш...



* * *

Мен дунёдан совуганимча Ухлатгандим ўзимни ўзим. Ухлагани ҳам қўймадинг-а, Миннатдорман сендан, ганимим. Тошлар ота-ота уйғотдинг, Яшагайман энди қасдма-қасд, Фақат қўлларимда тош эмас, Гуллар бўлар умидли, сармаст. Мен ҳаётни севиб бораман Курашларда ёниб тобора. Ўтилмоқчи бўлган тошлардан Гул ясаш-чун излайман чора. Юрагимда қулф уриб гуллар, Қуёшларга бўй чўзар дарахт. Ганимимдан совуб боради, Мени излаб ҳайқиради бахт. Мен яна ҳам уйғоқ бўламан, Меҳрим билан ёришар олам. Фарзандлари уйғоқ уйларга Қувонч келар, йўламайди ғам!

* * *

Келаверар хаёлга баъзан Чирқиллаган қушнинг ноласи. Тирик юриб ота-онаси Етим қолган одам боласи. Келаверар хаёлга баъзан Ноҳақ оққан кўз ёшлар оҳи. Оппоқ бўлиб номард бир одам Мард кишининг қийналган чоғи. Келаверар хаёлга баъзан Тўғри йўлга туташган қалблар. Минг бир ўтда қоврилиб, аммо Фақат ҳақни сўзлаган лаблар... Келаверар хаёлга баъзан Хуллас, сени титратган дамлар. Келавермас хаёлга нега Кўриб кўзин юмган одамлар? Самарқанд



Рассом О. Восихонов.

Кайта қуриш жамият ҳаётига чуқур сингиб боргани сари маданий ва маънавий меросга ҳам янги нақша назардан ёндошишга, муаммоларни илмий таҳлил қилишга кенг имкон очилмоқда. Бу ўтмиш халқларимиз ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг ўрни, роли ва моҳиятини ўрганишга ҳам имкон яратди.

Хўш, мактаб ва мадрасалар ўтмишда ҳақиқатдан ҳам зулм ва жаҳолат ўчоғи бўлганми? Бу саволга тўғри жавоб топмоқ учун исломнинг ҳукмрон мафкурага айланиши, араб халифалиги ва Ўрта Осиёдаги VIII—XII асрлар сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий

очишга ва кўпайтиришга имкон туғдирди.

Ислом мактаблари ва мадрасалари дастлаб аббосийлар даврида вужудга келди. Уларда қадимги Юнон ва Рум олимларининг асарларини араб тилига таржима қилиб ўқитилди. Бу жараён ўз навбатида аниқ фанлар ва фалсафада янги йўналишлар пайдо бўлишига имконият яратди, кимё, физика, фалакиёт, алжабр, хандаса, тригонометрия, минералогия, тиббиёт, доришунослик, махсус фанлар сифатида кенг раванқ топди. Унли сонлар тармоғининг жорий қилиниши аниқ фанлар тараққиётини янада тезлаштирди.

Фалакиёт илмида буюк ихтиролар қилин-

нинг катта ҳовлилари бўлиб, ҳовлиларда албатта ҳовузлар бўларди. Талабаларнинг ҳар бирига алоҳида хужра ажратилган. Уларга қийналмай ўқишлари учун пул, кийим-бош, озиқ-овқат берилган.

О. Эйхгорнинг немис тилидан таржима қилиниб, 1887 йилда Тошкентда чоп этилган «Исломда мактаб, фан ва санъат» номли китобида ёзилишича, Самарқанд ва Бухоро мадрасаларига турли ислом мамлакатларидан кўплаб талабалар, ҳатто улар билан бирга домлалар ва устозлар келиб турганлар. Ва ўз ўрнида Бухоро, Самарқанд, Фарғона ва Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарларидан Дамашқ ва Бағдод мадрасаларига талабалар ва

МОЗИЙДАН ЗИЁ

шароити билан яқиндан танишмоқ керак.

Ислом байроғи остига бирлашган улкан араб халифалигида катта илмий ва маданий марказлар — (IX—XII асрлар) Бағдод, Дамашқ, Хева, Бухоро ва Самарқандда жаҳонга машҳур олиму фозиллар етишиб чиқдилар. Бу маданият ўчоқларида қадимги юнон даҳолари — Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту)ларнинг илмий мероси чуқур ўрганилди. Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакий сингари кўпгина авлодлар меҳри-муҳаббатига сазовор бўлган алломалар ижоди ирод этилди. Хоразмда буюк Беруний минералларнинг тузилиши ва моҳиятини, Самарқандда Улуғбек ва унинг шогирдлари осмон жисмларининг ҳаракати ва жойлашишини ўргандилар.

Нима учун? Бундай илмий тадқиқотларни ислом талаб қилганмиди?

Аниқ фанларнинг ривожланиши дин билан мутлақо алоқадор эмас, дейиш ҳам тўғри бўлмас. Исломнинг аниқ фанлар билан бавосита алоқадорлиги мантиқийдир ва бу фикрни исботлаш мумкин. Бунинг учун IX—XII ва XV асрлар тарихига, хусусан аниқ фанлар ва маориф раванқ топган даврга мурожаат қилиш ўринли бўлур эди.

VII асрнинг иккинчи ярми ва XIII аср бошларида араблар ўнлаб мамлакатларни забт қилдилар. Шу даврда бу мамлакатларни сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри бошқариш зарурати пайдо бўлди. Худди ана шу зарурат аниқ фанларнинг ривожланишига йўл очиб берди.

Уммавийлар сулоласи (661—750 йиллар) даврида халифаликнинг пойтахти Дамашққа кўчирилди. Янги сулола даврида халифаликни бошқариш учун дунёвий билимларга эга бўлган маълумотли кишиларга эҳтиёж кучайди. Забт қилинган мамлакатларни идора қилиш, ер, мол-мулкларни тақсимлаш, сунъий суғориш, солиқ солиш, ҳисоб-китоб қилиш ишларини чуқур билим эгалмасдан амалга ошириш амри маҳол эди. Мудофаа ва ҳарбий юришлар мақсадида янги қасрлар ва қалъалар, истеҳкомлар қуришга тўғри келарди. Бунинг учун илми ва малакали муҳандислар, қурувчилар зарур эди. Шундай қилиб мусулмонлардан ҳам кўплаб муҳандислар, меъморлар, мусавирлар, табиблар етишиб чиқди. Бундай эҳтиёж маорифни, мактаб ва мадрасаларни

ди. Бағдод, Дамашқ ва кейинчалик Самарқандда фалакиётшунослик мактаблари вужудга келди. Птоломей жадвали текширилди, буюк Олим Ал Хоразмий ҳинд фалакиётшунослик жадвалини тузди, Санжлар пасттекислигининг кенглик даражаси ва фазовий яссиллиги фавқулудда аниқлик билан ўлчай чиқилди.

Аниқ фанларнинг ривожланишида мактаб ва мадрасалардаги ўқитиш муҳим ўрин тутди. Ислом ҳукмрон мафкурага айланган дастлабки даврларда мусулмон мактаблари ва мадрасалари бўлган эмас. Қуръон ва сунналар бўйича баҳслар илоҳиёт олимлари томонидан даставвал диний жамоаларда ва мачитларда ўтказилган. Уларнинг атрофига ўнлаб шогирдлари тўпланган ва баҳсларни катта қизиқиш билан кузатишган. Тарихий манбаларда ёзилишича, баъзи илоҳиётчи ва фикр олимларининг ваъзларини минглаб одамлар тинглаганлар. Чунончи, IX асрда Бағдодда уламолик қилган бухоролик илоҳиётчи Исмоил ал Бухорийнинг ваъзларига минглаб мусулмонлар тўпланганлар. Шундай қилиб мадрасалар (ислом дунёсига хос ўрта махсус ва олий дорилфунунлар)га асос солинган. Мадрасалар қуриш, уларни пул билан таъминлаш, уламо ва талабаларга ёрдам бериш хайрли, илоҳий ва савоб иш ҳисобланарди. Халифалар, бой-савдогарлар, амалдорлар мадрасалар ва мактабларга биринчи бўлиб моддий ёрдам бериб турганлар.

IX—X асрларда Ўрта Осиёнинг маданий марказлари бўлган Бухоро ва Самарқандда ҳам ислом мадрасалари вужудга келди. Бу ҳақдаги илк маълумотлар араб тарихчиси Наршахийнинг «Бухоро тарихи» мажмуасида учрайди. Унинг ёзишича, 936 йилгача Бухорода машҳур бўлган кўҳна Фаржок мадрасаси ўша йили рўй берган даҳшатли ёнғинда куйиб кетган. Бу вақтда Бухоро Сомонийлар давлатининг пойтахти эди. Айни вақтда у йirik илмий, маданий ва иқтисодий марказ ҳам ҳисобланган. Сомонийлар даврида биргина Самарқанднинг ўзида турли ислом мазҳабларига қарашли 20 та мадраса ишлаган.

Мадраса бинолари ниҳоятда нафис, маҳобатли қилиб қуриларди. Улар катта-катта ўқув хоналари, меҳмонхоналар, емакхоналар, домлалар ва талабалар учун махсус хужралардан иборат эди. Ҳар бир мадраса-

домлалар бориб таҳсил олганлар. Бу бордикелдилар икки ўртада илм-фан раванқига хизмат қилган.

Ана шундай яхши анъана XII—XV асрларда ҳам қисман давом этган. Улуғбек, Жалолоддин Румий, Али Қушчи, Насриддин Тусийларнинг мадрасаларда устозлик қилганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Ғиёсиддин ал Коший ўзининг «Улуғбек ва Самарқанд илмий мактаби тўғрисида мактуб»ида қуйидагиларни хабар беради: «Бир неча кунлар ичида шох Улуғбек ҳазрати олийлари машғулотларда қатнашарди. Бундай кунларда машғулотлар асосан ҳисоб-китобдан бўларди. Каминангиз ҳам бу машғулотларга қатнай бошлади».

Мусулмон мадрасаларида асосан ислом асослари ва фалсафаси ҳисобланмиш: «Шамсия» (формал — логика), «Ақоид» (ислом ақидалари асослари), «Шариат» (ислом қонунчилиги асослари)ни ўқитиш, маърифат беришнинг биринчи вазифаси ҳисобланган. Ўқитиш «Аввали илм»дан бошланар, у савол-жавоб шаклида тузилиб, талабалар унинг мазмунини ёд олишар эди. Мадрасаларда ўқитиладиган илоҳиёт — ҳуқуқ фанлари ислом илоҳиётчилари асарларидан иборат эди. Улар Қуръон ва ҳадисларга ифодаланган ақидалар мажмуига асослангандир.

Илоҳиётчилик фанлари билан бир қаторда мадрасаларда сарфу наҳв (грамматика) ҳам ўқитиларди. Ҳар бир мусулмон араб тилини Оллоҳнинг тили, деб юксак қадрлайди. Шунинг учун мусулмонлар бу тилни пухта билиши, «Калому оллоҳ» оятларини зўр эътибор ва қироат билан, жанрндор қилиб ўқиши шарт эди. Қуръон, сунна ва шариатни араб тилини ўрганмай тушуниб бўлмайди. Натижада араб тили сарфу наҳвини ўрганиш кенг йўлга қўйилди ва у фавқулудда тез ривожланди. У ислом, фан, маданият, адабиёт тилига айланди. Ўрта осиелик буюк алломалар араб тилини шу даражада мукамал билганларки, ҳатто улар ўз илмий рисо-лаларини шу тилда яратганлар.

XIII асрдан кейинги даврда Ўрта Осиёда феодал тарқоқлик, ўзаро феодал урушлари авж олди. Маънавий ҳаётда тушкунлик, диний мутаассиблик кучайди. Пирларга, эшонларга, тўраларга, турли азиз-авлиёларнинг сохта мазорларига ва қадамжоларига

сиғиниш авжига чиқди. Бу эса фан, маориф, маданият ва адабиётнинг равнақига катта ҳов бўлди.

Ислом мусулмонлар онги ва турмушинигина эмас, ҳатто деҳқончилик ва касб-ҳунар бўйича фаолиятини ҳам назоратга олди, уларни тартибга солди. Деҳқон, тўқувчи, темирчи, қурувчи, новвой, чўпон, косиб, кулол, қўшчи, сартарош каби ҳунармандлар учун алоҳида диний рисола-низоомлар (улар 40 тага етарди) яратилиб, ҳунармандларнинг қонунига айлантирилди. Урта Осиёда ижтимоий — фалсафий фикрлар тарихининг билимдони академик Иброҳим Мўминов юқоридаги рисола-низоомлар ўтган аср охирларида «Туркистон вилоятининг газети» саҳифаларида мунтазам эълон қилинганлигини таъкидлаган эди.

Ҳар бир рисоланинг муқаддимаси шундай бошланарди: «Худойи таоло ўз паноҳида сақлаб, марҳамат қилиб айтибдирки, ушбу рисолада ёзилган фармойишларни бажарган ҳар бир уста, агар худо хоҳласа, бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам бахт-саодатли бўлади».

Рисолалар мазмунини тасаввур қилиш учун тўқувчи амал қилиши шарт бўлган қоидаларни тилга олиш мумкин «...савол: Тўқув ҳунармандчилигида неча қоида бор?» «Жавоб: 12 та қоида бор — усти-бошини тоза тутиш; таҳорат қилиш; пок виждонли бўлиш; ўз вақтида беш вақт номоз ўқиш; тавба қилиш; пирдан ёрдам сўраш; олимлар билан дўст бўлиш; эрталаб ва кечқурун шогирдларни ўқитиш-ўргатиш; хушмуомалали бўлиш; эҳсон-садақа бериш; устахонани тоза тутиш ва келувчиларга салом бериб, ҳурмат қилиш; зикр тушиш ва тасбеҳ ўғириш».

Кўриниб турибдики, қоидаларнинг ярмидан кўпи одамийлик, қадр-қиммат, инсон ва касбга ҳурмат, шогирд тарбиялашга, қолганлари эса эътиқод тарбиясига қаратилган. «Агар уста ушбу рисола қоидаларига амал қилмаса, пираноқдир қутлуғи бўлади», деб фикрларга қуруқ жасадлундай жузъий талафот қилиш учун ёшлиқ * * * м эди. Шунинг учун * * * а мактаблар бўлққа қорилди муқаддас гурӯҳ ёшга тўлган ўғ бўлди бирдан расодан қурилган.

Мадрасатга жуфт бўлиб учарди бур олий) бўлимдан ан пайдо бўлдинг, эй ислом ақидалари ўлаксаҳён қилинган «Мухтасарул вақое» китоблари; ўрта бўлимда фикҳга доир «Ақоид» китоби, мантик, араб тили қоидалари, воизлик 3—4 йил юқори бўлимда шариатга ва каломга оид китоблар, жўгрофия, арифметикага доир билимлар ўқитиларди. Демак, ўрта асрларда бўлганидек, XIX аср охири ва XX аср бошларида мадрасаларда ислом асослари ва қонунчилигини ўрганиш таълимнинг мазмунини ташкил қилган.

Кўринадики, мактаб ва мадрасалар узок давр Урта Осиё халқлари тарихининг мафкура, таълим-тарбия, маданият марказлари бўлиб хизмат қилган. Улар кишиларда исломга чексиз эътиқодни, унда илгари сурилган инсоний фазилатларни, меҳр-оқибат ва одобни шакллантирган. Шу билан бирга мадрасалар жаҳон фани ва маданияти ривожига буюк ҳисса қўшган улуг алломаларни етиштирган. Мадраса бинолари эса миллий меъморчилик санъатининг ҳайратомуз тимсоллари бўлган. Афсуски, уларнинг кўпчилиги сталинизм даврида яқсон қилинди. Бутун қолганларини таъмирлаш ва авайлаб асраш келажак авлодлар олдидаги бурчимиздир. Ҳар қалай, фан аҳли ислом ва Қуръонга маънавий маданият намуналари сифатида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Шукуржон ВАЛИЕВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Андижон



Болакай: — Қоровой, сенинг ҳам қорнинг очдими, ма, сўргич сўриб тур!



г қароси у,
Балки ундан баттардир.
қаро этар
яқинида юрганда.
и минг чайқалар
бешиктерватар мисол.
қўлни кўрсатиб,
тўғри иш буюрганда.
пурдим, деган сўз
лаънат сўзи, Жонибек,
вчига тупуринг,
қўлларим, тупурганда

Бола: — Чўмилмайсанми?
Сигир: — Селитрали қовуннинг пўчоғидан еб қўйибман, маззам қочиб иситмам чиқиб турибди.

Сураткаш Р. Нурибоев



Июл ойининг ўртала-рида Англия бугдойзор-ларида бошоқларнинг аниқ ўлчамли кўриниш ҳосил қилган ҳолда ётиб

ЖУМБОҚЛИГИЧА ҚОЛДИ

қолганлиги яна кузатилди. Бу айниқса самодан олинган суратларда яққол кўзга ташланади. Мутахассислар бунини ҳоят даражада тараққий қилган ўзга сайёрадан келганларнинг изидир деган фикр атрофида узок баҳслашдилар. Улар орасида бошоқлар кучли шамолнинг таъсирида ёки майдонни сув билан нотўғри таъмин-

лаш натижасида шундай фавқулодда ҳодиса рўй берапти, деб ҳисобловчилар ҳам топилди. Гарчанд бошоқларнинг энгашиб ётиб қолганлиги ҳақида ҳар хил қарашлар мавжуд бўлса-да, дабдабадан йироқ илмий асосланган ҳақиқатга яқин хулосанинг йўқлиги сабабли ушбу ҳодиса ҳамон жумбоқлигича қолмоқда.

Ижроқўмга раҳматнома ўрнида

Тинмай ижод этсин дебми,
Йўл бўйдан берибсиз уй.
Туни бўйи тоблар зеҳним,
Машиналар таратган «куй».
Аввалги уй ҳовлисида
Ҳатто пашша учмас эди.
Райижроқўм раисидан
Кўнглим унча хушмас эди.
Боис:
Ҳар тун уйқу қолиб,
Ҳар тун мағлуб завқ бечора...

Машқдан қолиб,
Қорин солиб,
Ижод сўнди бора-бора...
Раҳмат,
Мана,
Эснаб-эснаб,
Озиб, ёзиб тонг кутама.
Бир тун сизга,
Бир тун эса...
Мошинларга шеър битаман...

* * *

Бу заминда ёмон ўтмаган.
Учакишма, ўқи тарихин!
Мусичага озор этмаган
Аждодларнинг ранжитма руҳин!

У — камсуқум,
Дилкаш,
Болсухан,
Мард эрларни туққан волида.
Бу заминдан Машраблар чиққан,
Сен кимдирсан улар олдида!

...суф Хос Ҳожиб, М
ий, Аҳмад Югнакий сингари
лар меҳри-муҳаббатига сазо
омалар ижоди ирод этилди.
к Беруний минералларнинг ту
иятини, Самарқандда Улуғбек
рдлари осмон жисмларининг
ойлашишини ўргандилар.
ма учун? Бундай илмий тадқи
талаб қилганмиди?
қ фанларнинг ривожланиши
тлақо алоқадор эма
Исло...

Нохуш қўшиқ

Биз шоирлар боқиб лол
Ой юз, оху кўзларга,
Сўнггин ўйламай мутлоқ,
Савдогар уйланмоғи лозим бўлган
гўзалга
Уйланиб қоламиз гоҳ,
Сўнг ҳуснини таърифлаб
Шеър битамиз мастона,
Юзин қиёслаб кунга.
Нари-бери эшитгач ноз-ла сўрар
жонона:
«Неча сўм берар шунга?»
Шу лаҳзадан тугайдир шоирлик
иқтидор ҳам.
Завқ қадри қора тупроқ...
Эҳтимол шу боисдан ер юзида шоир кам,
Савдогар эса кўпроқ.



Эргаш ЕНДОШ

Меҳмон дедим, ўзим емай едирдим,
Берк кўнглингга кўрларча йўл қидирдим...
Бор меҳнатим елга кетди... не дердим,
У сийловлар сенга ширин туш энди!

Сен тўй дедим, гоҳо болам оч қолди,
Сен кий дедим, у шир яланғоч қолди...
Юлмаганинг бошимдаги соч қолди,
Қоқмаганинг оғзимдаги тиш энди...

Бобобахшининг бир сурбет меҳмонга дегани

Ҳадеб келабериб, бор-йўғини еб,
«Меҳмон» тегди бобобахши жонига,
Бу ҳам оздек: «Сен ундоқ, сен бундоқ», деб
Ташна қилиб юборди нақ қонига.

Охир бахши деди:
— Ташда қиш энди,
Меҳмон кутиш менга мушкул иш энди.
«Сийлаганни сигир билмас», дептилар,
Ўз қадрини билмас меҳмон, хуш энди!

...мактаби туғрисида
агиларни хабар беради.
...ида шоҳ Улуғбек ҳазр
тулотларда қатнашарди.
...машғулотлар асосан ҳис
и. Каминангиз ҳам бу маш
бошлади».
...лмон мадрасаларида асо
и ва фалсафаси ҳисо
ия» (формал — логика), «А
далари асослари), «Шариа
лиги асослари»

Машраб ғазалига мухаммас

Менга сақлан севишдан, дедилар, дарди ёмон ўртар,
Вале кор этмади пандларки, шу-шу, беомон ўртар...
Қизиб ёдинг-ла эй, ой, шом-сахар томирда қон ўртар...
Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,
Бу ишқ сиррин баён қилсам, тақе ул хонумон ўртар.

Ҳузур не, сезмадим, кўйингда кўз сарсон кезиб, бир он,
Дедилар, бил йигит, энди қутулгайсан бўлиб қурбон!
Бўлиб устозга жўр, айтайки, кўксимга уриб қуръон,
Кишига ишқ ўтидин заррае етса бўлур гирён,
Бўлур бесабру бетоқат, юрак бағри чунон ўртар.

Шам-ей, парвонаман, лек, чарх урурман зор йироқингда,
Ҳаётимни тикиб ҳам бўлмадим бир бор сўроқингда...
Беҳад бахтли эдим тушсам эсингга тонгги оқингда,
Мен бехонумон тинмай куюб ёндим фироқингда,
Отинг тутсам, нигоро, дебки, завқидин забон ўртар.

Фидоменким, сенга содиқлигим қандай аён айлай,
Тилиб кўксимними, ўнгингда меҳрим намоён айлай,
Жигар қоним тўкибми кўзларим ёшин равон айлай,
Қаю тил бирла, эй жоно, сенинг васфинг баён айлай,
Тилим лолу кўзим гирён, сўнгақларим ниҳон ўртар.

Олиб жисмимда севгинг кунма-кун ўт, сернидо бўлдим,
Алиф қадли эдим, ҳажринг эзиб, қадди дуто бўлдим,
На бўлсам бўлдим-у бори сабабкори худо, бўлдим,
На қаттиқ кун экан, жоно, висолингдин жудо бўлдим,
Мени оҳим тутунига замин у осмон ўртар.

Менинг кўрган куним балки, санам, хобингда кўрмассан,
Шу важдин ҳам, келиб раҳминг, йўлинг мен ёққа
бурмассан,
Е, қол деб, ёнда турмассан, ё ўлмоққа буюрмассан,
Бу дард ила хароб ўлдим, келиб ҳолимни сўрмассан,
Ғаминг бошқа, алам бошқа, юрагимни фиғон ўртар.

Бўлай қурбонки, майли, тошбағирлик йўлидин қолма,
Фидо жон этди дардимда дебон бир ёдга ҳам олма,
Дуогўй Эргашинг юз йил тилар, яйраб-яшаб толма,
Бу Машраб дардини, жоноки, ҳеч ким бошига солма,
Агар маҳшарда оҳ урсам, биҳишти жовидон ўртар.

Наманган.



Тожик ва ўзбек шеърият мухлис-лари шоир Жонибек Қувноқ номини яхши билишади.

...лар кел-
ил андозада
ндай қилиб
йиллик анъ-
деҳқонбоп
тди. Уйлар
с бўлди, би-
ўллар ара-
кетди. Оби-
ндош-уруғ-
и. У...

...лар тарқ-
уй ҳувиллаб
хилдаги жим-
лик бошқа ш-
лик ва уруш
майдоидаги
кейинги одат,
либ сезилди ме-
кузатиб қўйиб
сақласин маън-
уруғларини ар-
тутатди. Айвон-
суббот...



Жонибек ҚУВНОҚ

Тўртликлар

Ҳар ким кун кўради таъбига кўра,
Бировга оромлик, бировга «ура».
Ҳамма бир қолипга сиймайди ахир,
Булбулга гул ёқар, хўтикка шўра.

* * *

Нечун ўз баргингни ўзинг юласан,
Баргларинг тўкилса осон сўласан.
Агар бургут бўлсанг, чўққини
кўзла,
Товуқ билан юрсанг, товуқ бўласан.

* * *

Балки отинг бордир, балки
извошинг,
Балки осмонларга етади бошинг.
Аммо гердаймагин изим қолар деб,
Изингни босмаса агар издошинг.

* * *

Ҳануз изғиб юрар гина, ҳасадлар,
Ҳануз ҳаддин билмай баъзилар
ҳатлар.
Ҳануз тўғаноқдир қутлуг йўлларда,
Руҳи тирикларга қуруқ жасадлар.

* * *

Тупроққа қорилди муқаддас гурур,
Зоҳир бўлди бирдан расодан қусур.
Бургутга жуфт бўлиб учарди бургут,
Қайдан пайдо бўлдинг, эй
ўлаксахўр?!

* * *

Қор ёғиб турибди қош-қовоғидан,
Дарё музлаб кетар шум сиёқидан.
Гуллар, сабрингизга қойилман,
қойил,
Қандай очилдингиз унинг боғида?!

* * *
Қарзга ҳам олмайман сенинг
бахтингни,
Нарзга ҳам олмайман сенинг
тахтингни.
Нусха кўчирмайман сенинг
рахтингдан,
Кўз-кўз қилмасангчи мунча
рахтингни?!

* * *

Кўкармайди дерлар бахилнинг
боғи,
Бу гапда пинҳондир ҳаёт сабоғи.
Болта ураркан у ўз дарахтига
Қўшнилари дарахти гуллаган чоғи.

* * *

Дарахт гулламаса самардан қолар,
Қўлни авайласанг хунардан қолар.
Кимки майдон аро жавлон урмаса,
Арзон мато каби назардан қолар.

* * *

Онадан туғилдинг қаддинг бир
важаб,
Торгина бешиқда улғайдинг, ажаб.
Нечун кенг оламга сиймайсан бугун,
Эй ҳорис, эй очкўз, эй дунёталаб!?

* * *

Гулдан жудо бўлмас сўлгунича хид,
Одамзод бор экан боқийдир умид.
Тишинг ўтмаслигин рамзидир шояд,
Тиш қайраб юравер, эй ожиз ҳосид!

* * *

Унинг қабулига келгач ҳар маҳал,
Соатлаб кутардим киришга маҳтал.
Вожаб, эшиги бугун ланг очиқ,
Сўрамай кирибди эрталаб ажал.

Тупурдим...

Бош чайқайман ҳар қайда
чайқовчини кўрганда,
Минг тусга солар ўзин
нафе балоси урганда!
Чайқовчилик чиқинди
адолат мезонида,
Супуриб ташланг уни
ҳақ йўли супурганда.
Чайқовчи — синиқ гиштдир,
синиқ гиштан эҳтиёт,
Бир гишт ҳам дарз етказар
улкан бино қурганда.
Қозоннинг қароси у,
Балки ундан баттардир.
Юзингни қаро этар
яқинида юрганда.
Чайқовчи минг чайқалар
бешиктерватар мисол.
Тўғри йўлни кўрсатиб,
тўғри иш буюрганда.
Мен тупурдим, деган сўз
лаънат сўзи, Жонибек,
Чайқовчига тупуринг,
дўстларим, тупурганда.



Сувлоқда.




И. Икромов
сурат-лавҳаси

1945 йил, сентябр

Чоржўйдан кўтарилган самолёт секин Тошҳовуз аэропортига келиб қўнди. Бундан уч йилу тўрт ой муқаддам ЗИС юк машиналарида Чоржўй шаҳри томон йўл олган эдим. Эндиликда худди шу йўлдан ҳаво орқали қайтиб келдим. Кетишда биз 100 нафарча зиёли йигитлар эдик. Қайтишда бир ўзим. Сафардошларимдан бирортаси менга йўлдош эмас. Кетишда не машаққатлар билан қум барханларини кечиб, оғир кечинмаларда йўл босганмиз. Қайтишда ҳавода оҳиста парвозданман. Табиий, кайфиятим ғолибона. Бир ярим соатлик ҳаво парвози мен учун бир зумча бўлмади. Тошҳовузга етиб келгунча самолётнинг кичкина деразасидан йўлни кузатиб келдим. Машиналарда йўл босиб ўтганда олов пуркаб туран саҳро, уркачуркач товланиб ётган, қум барханлари, ора-сира кўзга ташланадиган саксовулзорлар, ёмғир суви натижасида пайдо бўлган тузли текисликлар кўз олдимдан ўтди. Қуму қирларни ўртадан бўлиб, саҳро белига боғланган тилла камар сингари кўринадиган Амударё самолётни пастдан кузатиб борди.

Бу манзара менга кўп воқеаларни эслатарди. Бироқ улар ичида эса кўпроқ сақланган 1942 йилдаги уруш томон босилган йўл эди. Дарё туфайли кўкаламзорга айланган бурчак — саҳро кемтиги Даргон-ота шаҳарчасини саҳрода ўз гўзаллигини кўз-кўз қилиб турган афсонавий Дровохонимни яна бир бор, энди юқоридан туриб кўздан ўтказдим ва ҳаёт-мамот жангидан қайтаётиб яна бир гал бу жойларга кўзим тушганига чексиз шукроналар айтдим. Бироқ сафардошларимдан бирортасининг қисматидан хабарсизлигим менинг юрагимни эзиб турган оғир армон эди. Умуман ким билади: улардан ким тирик қолган, ким йўқ! Манзилимга етгач, уларни излаш менга орзу эди.

Хизматдан озод қилинганимдан кейин дарров элимга етиб олақолай, деб шошилмадим, гарчи, отам-онам, қариндош-уруғларим мени тоқатсизлик билан кутаётганликларини билсам ҳам, Москвада бир неча кун турдим, Тошкентга келиб 1940 йили юрган кўчаларимдан яна бир гал ўтдим. Кечқурун театрга бориб спектакл томоша қилдим. Ушанда, яъни 1945 йил сентябрда М. Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмасыни кўрдим, кўриб ўзимнинг жанговар йўлларимни эсладим. Яна ўша ёшлик туфайли Тошкентда туриб ҳам: «Мен келаяпман», деб ота-онамга икки энлик телеграмма йўлламабман. Кутилмаганда кириб бориш истаги устун эди шекиллик менда. Самолётдан тушар эканман, мен ўзимни бошқа бир шаҳарга тушгандек ҳис қилдим: мени ҳеч ким кутиб олмади. Вуюм халтамни елкамга олиб аэропортининг кўрим-



Нохуш қўшиқ

Бирлар боқиб лол
оҳу кўзларга,
ин ўйламай мутлоқ,
ар уйланмоғи лозим бўлган
а
иб қоламиз гоҳ.
қусини таърифлаб
бизнинг мастона.

УРУШ

ХОТИРАЛАРИ

ТУРКУМИДАН

ОНАМ ВА ЭЛИМ БАҒРИДА

сизгина эски иморатидан чиқиб шаҳарнинг катта кўчасига бурилдим. У пайтларда Тошҳовуз аэропорти шаҳар билан туташ эди: кўчада ҳам бирор таниш одам кўзимга кўринавермади. Уйга хабар бермаганимдан пушаймон едим. Хўрлигим келгандек бўлди. Ўзимни ёт бир жойда қаёққа боришни билмай кетаётган мусофирдек ҳис қилдим.

— Ешлик экан-да! — ўйлайман бугун.

Туғилиб ўсган қишлоғим — Ҳалланг шаҳарнинг ғарбида бўлгани учун ўзимга боғлиқ бўлмаган туйғу билан катта кўчанинг ғарб томонига йўл олдим. Озгина йўл юриб Шовот кўпригига борадиган йўлни қисқартиш учун тор кўчалар оралаб кетдим. Бир қаватли таниш иморатлар. Иморатлардан бирининг эшигига «Тошҳовуз райОНОси» деган ёзувга кўзим тушди. Бирдан ноҳуш кайфиятим ўзгарди. Гўё очик саҳрода бораётиб бошпанага дуч келган йўловчидек ҳис қилдим ўзимни. Худди шу райОНОдан урушга кетганим яна бир гал хаёлимдан ўтди. Икки табақали катта дарвоза ўртасида очик турган эшикка қадам қўйдим. Менинг бу қадамим тамоман беихтиёр эди. Сафарбар қилинганимда Тошҳовуз РайОНОси бошқа жойда — Тозабозор посёлкасида бўлгани учун бу жойнинг ҳовлиси мен учун таниш эмас эди.

Ҳовли томон қанча қадам ташлаганимни билмайман, кутилмаган тезликда бир неча йигитлар худди узок вақтлар изланиб топилб қолган айбдорни тутиб олиш ниятида бўлганларидек менинг устимга ташландилар. Бир зум ўзимни йўқотиб қўйдим. Бироздан кейин менга ташланган

йигитларнинг бири ўз укам Отамурод, бошқалари ўртоқлари эканини англадим. Улар ўқитувчилар тайёрлаш институтига битказиб, иш олиш учун бу ерга келишган экан. Ўзимдан қандай гап чиққанини билмайман. Улар эсанмалардир дейишар, бироқ нима дейётганларини дарров англаб олиш ҳолатида эмас эдим. Фақат бир нарса эсимда — улар ўзларида йўқ даражада хурсанд эдилар. Икки томон — мен, улар дарров тушуниб олиш қийин бўлган ҳолатда эдик. Мен бу тасодифий учрашувдан ҳайрон бўлсам, улар жаҳонни қамраб олган уруш оловидан чиқиб қайтиб келганимдан ўзларида йўқ хурсанд эдилар. Фақат бир неча дақиқалардан кейин ўзимизга келиб, бир чеккада ўрнатилган ўриндиқ томон ўтдик ва ўтириб ҳол-аҳвол сўрашдик. Уруш тугаб она еримга етиб келганимни энди ҳис қила бошладим.

Урушининг оловли йилларида назаримиз ғарбга тушар, қадимимиз ҳам Ғарбга қўйилар эди. Туғилиб ўсган қишлоғимга етиб олиш учун яна Ғарб томон қадам ташлаш керак бўлди. Биз йўлга чиқдик. У вақтларда на машина бор, на йўлда бирор арава учрайди. Зотан унга эҳтиёж ҳам йўқ. Уруш пайтларида кунига 40 чақиримдан йўл босган солдат учун 8 чақирим йўл нима деган гап. Укам учун эса бу — юриб юрган йўл.

Ўша кезлари Тошҳовуз кичкина шаҳарча эди. Мени пинҳонан кўрганлар ҳам бўлган чамамда, қишлоққа «чопар» жўнатишибди. Қишлоқнинг ярим йўлида аёллар — синглим ва жиянларим олдимга чиқишди. Улар билан кўришиб-сўрашиб озроқ йўл юр-

дик. Бир маҳал қишлоқ томондан елиб-югуриб келаётган одам қораси кўринди. Бу онам эканлигини узокдан фаҳмладим.

Мен ҳам унга интилиб қадимимни тезлатдим. Яқинлашавергач, мени кузатиб қолган пайтдаги чанг-тўзон ичида пайдо бўлган ҳайкал кўз олдимда яққолроқ гавдаланди. У энди мен томон яна ҳам жадалроқ интилар, чанг босган юзларига оқиб тушаётган кўз ёшларию ҳаракат натижасида пайдо бўлган чангли терни кўйлагининг узун енглари билан артар экан, нималардир дер, фақат яқин келгандагина «болоғономой, болоғономой» деган сўзлари қулоғимга келиб етди.

Онамнинг қучоғида қанча бўлганимни эслай олмайман, бироқ шу нарса эсимдаки, онам толиб айтган сўзларни такрор қилиш қийин. Бир пайтда у йиғи аралаш урушни ҳам, фашистни ҳам бир қатор ёмонлаб чиқди, ўзининг бошига тушган кулфатларини ҳам қисман айтиб улгурди. Шу орада юз-кўзларимни бир эмас, бир неча бор ўпиб, ялаб-юлқашга ҳам улгурди. Озгин ва чайир қўллари билан силаб-сийпалади. Гўё у менинг аъзоларим ўз жойида эканлигига ишонч ҳосил қилмоқчидек эди. Йўлни давом эттирганда, онам менинг ёнимдан ярим қадам нарироққа ҳам ўзини олмас, гўё бундан 3,5 йил муқаддам мени олиб кетган юк машиналари пайдо бўлади-ю, яна тахта ўриндиқларга ўтқазиб олиб кетадигандек. У мени еру кўкка ишонмайди. Бир қарасам, гимнастеркамнинг этагидан тутиб олибди, гоҳ ўнг томонимга ўтади, гоҳ чап томонимга. У шу топда мени яратганининг ўзига ҳам ишонгиси йўқ!

Катта Ҳалланг қишлоғининг бир қисми бўлмиш мен туғилиб ўсган қишлоқча — Зийлигиға яқинлашиб қолдик. Онам ҳамон одамлар бошига кулфат солган урушни ёмонлар... Уйга яқинлашган сари олдимишга чиқувчилар сони кўпаяборди. Ҳатто табиатан ўта вазмин, ҳа деганда ҳис-ҳаяжонга берилавермайдиган, бошқаларга, хусусан фарзандларига бўлган илиқ муносабатини яшириб, тарбияда ҳушомаддан кўра талабчанликни афзал кўрадиган отам ҳам ярим чақиримча жойга юриб келиб олдимишга пешвоз чиқди, эсимни таниганимдан буён биринчи гал менга қараб кучоғини очди.

Табиий, уруш йиллари узоқ ва гурбатли. Тўп-тўп бўлиб шаҳарлардан шаҳарларга, қишлоқлардан қишлоқларга ўтганимиз бор. Уларнинг кўписи на шаҳарга на қишлоққа ўхшарди. Ақл бовар қилмайдиган вайронагарчиликнинг ўзи эди. Шаҳарларнинг кўчаси қаердаю, турар жойлари қаерда эканини аниқлай олмай ўтган пайтларимиз бўлган. Ваъзи бир қишлоқлар ўрнида у ер — бу ерда дўппайиб турган печка мўрилари кўрганмиш холос. Бу манзаралар қай даражада ачишиш ҳиссини уйғотмасин бунга кўникиб қолган эдик. Бироқ она қишлоғимга келиб кираётиб бу ердаги кўрмисиз манзарага кўникишим қийин бўлди.

Еш пайтларимизда қишлоғимиз кўкаламзорликда тенги йўқ жаннатмакон жой ҳисобланар эди. Катта ва кичик ариқ бўйларининг ҳар томони икки-уч қатордан экилган осмонўпар дарахтлар — мирзатерак, кўктерақ, ҳуш ҳаво оқ ва қора толлар, ҳар бир ҳовли олдида булутдек ерга соя бериб турадиган гужумлар; баъзан тўғри, баъзан бироз эгри равишда экин майдонларига борадиган ариқчалар бўйи, кучоқ етмайдиган ўрик, нок, тут, жийдалар... Энди эса улардан нишона ҳам йўқ эди. Гўё диний китобларда қайд қилинган дажжол бу ерга қадам қўйибди-ю бир наъра тортиб ҳамма мевали-мевасиз дарахтларни туб-томири билан юлиб қаерларгадир улоқтирибди. Илгари дарахтзорнинг қалинлигидан ўқ ариқ бўйига жойлашган иккинчи ё учинчи уйни кўриш амримаҳол эди. Энди ҳаммаёқ ювиб ялангандек. Қишлоққа кириб борар эканман, посёлка сифатида қурилган хонадонларнинг энг адоғидаги уйлар ҳам, «мана мен» деб кўзга ташланиб турар эди. Поезд йўли атрофидаги Қозоғистон чўллари эсимга тушди, бу манзарани кўриб.

Посёлка туфайли уйларда ҳам аввалги салобат, файз йўқ эди. На уларда болалигимда кўзим ўрганиб қолган кунгиралар бор, на ёшлигимизда жамулжам бўлиб қочирма тўп, чиллак чўп ўйнаган майдонлар бор. Ҳаммаси қолипдан чиққандек бир-бирларига ўхшаган тор, кўрмисиз уйлар бўлиб, бамисоли текис жойга териб қўйилган бир хил шаклдаги қутилар эди. Бизнинг уйимиз қишлоқнинг бир чеккасига жойлашган бўлганидан янги «маданий ҳаёт» нишонаси ҳисобланган ўша кезлари деҳқонларга кўп зарар келтирган посёлкачиликка чап бергандек бўлиб турар эди.

Аслида қишлоқларни посёлкалаштириш 39—40 йилларда бошланган бўлиб, «зарбдор» раҳбарлар бу ишни тезлаштирди — ариқлар кўмилди, дарахтлар кесилди, уйлар бир хил андозада сафга тизилди. Шундай қилиб қишлоқ юз ва минг йиллик анъаналарга асосланган деҳқонбоп гўзал қиёфасини йўқотди. Уйлар «тартибга» тушгандек бўлди, бироқ ерлар, сувлар, йўллар аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Обиҳаво, муҳит бузилди.

Биринчи кун қариндош-уруғлар қуршовида бўлдим. Ҳар ким менга нисбатан ҳайрихоҳлик ва қувонч ҳиссини билдириш учун ҳаракат қилар, жанг майдонидан мен ёзган хатларни эслашар эди. Улар мени ҳам гапга солмоқчи бўлишар, нимагадир баъзи бир узук-юлуқ жанг хотираларидан бошқа гаплар келавермасди. Бунинг устига қишлоқ манзараси менинг нафасимни бўғиб қўйгандек эди. Биламан, улар бу манзарага кўникиб қолишган. Шу сабабдан улар бу ҳақда гап очишавермас, кўпроқ бошқа мавзуларда гап бўларди. Бир ўтиришнинг ўзида 4 йил давомида қишлоқда рўй берган барча янгиликларни айтиб мени хабардор қилишди — бирини эшитиб хурсанд бўлдим, иккинчисидан хабар топиб хафалигим ошди. Қишлоғимизнинг манман деган йигитлари орқасидан қора хат келган ёхуд бедарак бўлиб кетишлари мени етим болалар ўрнига қўйиб қўйди. Йўқотишлар, қайғу-аламлар фақат уруш майдонларида эмас, балки урушдан узоқ-узоқларда жойлашган қишлоқларда ҳам озмунча бўлмаслигини билар эдим. Бироқ қишлоқнинг бу даражада ҳувиллаб қолишини тасаввур қилганим йўқ эди.

Балким шунинг учундир онамнинг қувончи ичига сиғмасди. Уй билан эшик орасида кириб-чиқиб хизматда юганда ҳам менадан назарини олмас, худди урушга жўнаб кетган кунимдагидек менга алоҳида саховат билан меҳрини сочарди, кўриб кўзи тўймаётгандек эди. Гап орасида хурсандчилигини ифода қилиш мақсадида бўлса керак:

— Қаранглар бу болани, кетаётганда 3 ойда қайтиб келаман деб, мени алдаб кетди! Мен ишониб кун санадим. Кунлар, ойлар ўтиб кетаверди, бундан дарак йўқ!

Яна нималардир деб, мени суясуя қариндошларига «ёмон»лаган бўларди. Бу гапларни ҳам у оёқ устида юриб меҳмонларга чой-нон, овқат олиб келатуриб гапирарди.

— Хабар қилмасдан келишини айтмайсизларми?! — деярди қариндошлардан бири.

Бу хилдаги гаплар ойимга ёқиб тушар ва одатда ҳаммага маълум оналар учун ўта аламли қуйидаги сўзларни такрор-такрор айтарди:

— Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада!

Онам келажакка тегишли нималарнидир ҳис қилгандек:

— Йўқ! Йўқ! Энди ҳеч қаёққа юбормайман, бўлди, — деярди, кўзларимдан нималарнидир англаб олмоқчи бўлгандек менга тез-тез гумонли нигоҳ ташлаб кўярди. Менинг хаёлимда нималар

борини у бечора онаизорим ҳеч ҳам билмас эди.

Ярим оқшомларга бориб меҳмонлар тарқалишди, бир зумда уй ҳувиллаб қолгандек бўлди. Бу хилдаги жим-житлик, хотиржамлик бошқа шаҳарларда талабалик ва уруш йилларида жанг майдонидаги ола-ғовурлардан кейинги одатдан ташқари бўлиб сезилди менга. Меҳмонларни кузатиб қўйиб онам ёмон кўздан сақласин маъносида туз ва пиёз уруғларини аралаштириб исирит тутатди. Айвоннинг бир томонида суҳбатлашиб ўтиришган отам ва акамга зимдан назар ташлаб қўйиб, ичида нималарнидир ўқиди. Шундан кейин айвон тўридаги катта ёғоч қароватнинг бир чеккасига жой солиб берди, бошимнинг тагига бир чимдим туз қўйди. Шу орада мени ўзига жалб қилиб бир бурчакда турган қопга ишора қилди-да:

— Чарчагансан, тўйиб-тўйиб ухла, эртага отанг билан мен бозорга кетамиз, — деди ва яна қопдаги нарсаларга ишора қилиб, — бўз, сенинг келишинга қараб тўқиб қўйганман, сотиб харж-харажат қиламиз, ҳали сени кўргани узоқ-яқиндаги қариндошлар келади, — деди.

Ҳали муҳитни тўла ўзлаштириб олмадим шекилли, ойимнинг бу гапига кўп ҳам эътибор бермадим. Бироқ қандайдир сир

борлигини ҳис қилар эдим бу гапларда.


Эрталаб ўрнимдан турганимда уйда катталардан ҳеч ким йўқ эди. Бир ўзим қолганимдан фойдаланиб, эсимни таниганимдан буён қадрдон бўлиб қолган уй-жойлар ва унинг атрофларини кўзда кечирмоқчи бўлдим.

Бу ўринда чўзиқроқ бўлса ҳам ўқувчимга изоҳ беришга мажбурман.

Хоразм воҳасида уй-жой қуришнинг ўзига хос анъаналари бўлар эди. Илгари уйлар катта қилиб қурилар, деворлари қалин — қарийб бир газлик, баъзан ундан ҳам қалин бўларди. Шу сабабдан улар ёзда салқин, қишда иссиқ қоларди. Энди билсам бу иқлим талаби экан.

Қурилиш жиҳатдан ҳам ўзига хос эди. Бугунги биз тушунган фундамент ўрнига бир ўлчовда кесилган йўғон-йўғон ёғочлар, унинг устидан қалин қилиб қамиш босиларди. Бу деворни захираб кетишдан ташқари унинг ичида ҳаво алмашиб туришини таъмин қилар экан. Қамишдан кейин пахса қўйилар эди. Пахса деворга ўзига хос нақшлар қўйилар эди. Бу хилдаги уйларнинг юз йиллаб бузилмасдан турганларини кўрганим бор.

(Давоми келгуси сонда)



— Бўронларга, тўфонларга, сувсизликка, бутифосга, тухмату маломатларга дош бера олган бу Сабр дарахтининг илдизлари ғоятда мустаҳкам!

Сураткаш Н. Шарипов



ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ— БУЮК МУҲАДДИС

Замонанинг зайли билан камина хизмат юзасидан кўп йиллар қатор араб мамлакатларида араб тили таржимони бўлиб ишлашга тўғри келди. Араблар диёрида узоқ йиллар яшашнинг ўзи, фикримизча, ҳар қандай арабшунос учун ҳам бир олам қувончли ҳолдир. Чунончи, ўзинг тилини ўрганган диёр билан яқиндан танишиш, инсоният маданиятига, фанига улкан ҳисса қўшган бу қадимий халқнинг урф-одатлари, расм-русумлари, турмуш тарзи билан бевосита танишишнинг ўзи катта мактабдир. Ушбу сафарлар чоғида олинган хилма-хил ва бой таассуротлар узоқ йиллар хотирада қолади, албатта. Лекин араблар диёридан қалбимда мустаҳкам ўрнашиб қолган бир ажиб туйғу умрбод хотирамдан чиқмас керак. У ҳам бўлса, арабларнинг узоқ ўтмишда яшаб ўтган ўрта осийлик буюк олимларга бўлган катта ҳурмат-эътибори, уларга нисбатан илиқ муносабатларидир. Мусо ал-Хоразмий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Абу Райҳон ал-Беруний, бухоролик Имом ал-Бухорий, Абу Барк Муҳаммад ан-Наршахий, Абу Али ибн Сино (араблар орасида у шайх уррайис номи билан ҳам машҳур), термизлик Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Ҳаким ат-Термизий, Собир ат-Термизий, шунингдек Ас-Самарқандий, Аш-Шоший (ат-Тошкандий), Ал-Фарғоний, Ал-Марғийноний тахаллуси билан аталиб, кўҳна заминимизда таваллуд топган кўплаб олим ва мутафаккирларнинг араб мамлакатларида ғоятда машҳурлиги, уларнинг номи зўр ҳурмат-эътибор билан тилга олинши ғоятда фахрлидир. Ушбу алломалар номидаги кўчалар, майдонлар, кутубхоналар, китоб дўконлари ва шифохоналарда бўлганимда буюк ватандошларимиз учун қалбим ғурур ва ифтихорга тўлганлигини сўз билан ижодалаш қийин. Ўрта Осийе замани тарбиялаб етиштирган ушбу мутафаккирлар қўлғизларининг Қоҳира ва Бағдод, Дамашқ ва Байрут, Триполи ва Оммон қўлғизма хазиналарида кўз қорачиқдай авайлаб сақланиши, уларнинг ҳаёти ва бой ижодий меросига бағишланиб чоп қилинган хилма-хил йирик тадқиқотлар, илмий ишлар, рисоалар улар қаламига мансуб асарларнинг катта илмий ва амалий аҳамиятидан далолат беради. Зотан, улар яратган асарлар ўрта асрлар илм-фанининг барча соҳаларини қамраб олганлигини ҳам эслатиш ўринлидир. Юқорида зикр қилганимиз алломаларнинг даярли ҳаммаси замон тақозоси билан ўз асарларини араб тилида ёзганлиги ҳам ушбу жараёнда муайян аҳамият касб этган. Диёримиздан чиқиб жаҳоншумул аҳамиятга эга асарлар яратган буюк алломалардан бири машҳур муҳаддис (ҳадис илми олими) Абу Исо Муҳаммад ат-Термизийдир.

Унинг тўлиқ исми Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн ад-Даҳҳок ас-Сулламай (умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолганлигидан ад-Дарийр тахаллуси билан ҳам аталган) ат-Термизий бўлиб, у ҳижрий ҳисобида 210 (милодий 825) йилда Термизда унча

бадавлат бўлмаган оилада таваллуд топди. Ўрта осийлик машҳур олим ва тарихчи Абу Саад Абдулқарим Ас-Самъонийнинг (1113—1167) «Ал-Ансоб» номли асарида қайд этилишича, Ат-Термизий Буғ (ҳозирги Шеробод ноҳияси) қишлоғида вафот этганлиги учун унинг номига ал-Буғий тахаллуси ҳам қўшилган. Унинг ёшлик йиллари Термиз шаҳрида ўтиб, дастлабки маълумотни ҳам шу шаҳарда олган. Чунончи, ёзма манбалар ва тарихий осору-атиқалардан маълумки, ўрта асрларда Хоразм, Бухоро, Самарқанд сингари Термиз ҳам Ўрта Осийнинг илм-фан ва маданияти ривожланган ўлкалардан бири бўлган. Болалигидан ўта зийраклиги, ёдлаш қуввати, хотирасининг кучлилиги ва ноёб қобилияти билан ажралиб турган Ат-Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган. У ўз билимларини бойитиш мақсадида кейинчалик кўпгина Шарқ мамлакатларини зиёрат қилган. Жумладан, узоқ йиллар Ироқда, Исфаҳон, Хуросон, Макка ва Мадинада яшаган. Кўп йиллар давом этган сафарлари чоғида Ат-Термизий илм-фанининг турли соҳаларидан—илм ал-қироат, илм ал-баён, фикҳ, тарих, айниқса ўзи ёшлигидан қизиққан ҳадис илмидан ўз даврининг йирик олимларидан таълим олади. Имом Исмоил ал-Бухорий, Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Қутайба ибн Саъийд,

Исоқ ибн Мусо, Маҳмуд ибн Ғайлон каби машҳур муҳаддислар унинг устозлари эди. Манбаларда ёзилишича, ҳадисларни тўплашда ва ўрганишда Ат-Термизий ҳар бир қулай фурсатдан фойдаланган. У йўлда, сафарда бўлганда ҳам, бир жойда муқим турганда ҳам ўз устозларидан ва учратган ровийларидан эшитган ҳадисларни дарҳол ёзиб олиб, алоҳида-алоҳида қайд қилиб борган. Шу тариқа пайғамбар алайҳиссалом ҳақидаги ва унинг ўзлари айтган хилма-хил ва кўпдан-кўп ҳадисларни тўплаган ва уларни мунтазам равишда тартибга келтириб, катта муваффақиятга эришган.

Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида танилган Ат-Термизий кўпдан-кўп шогирдларга устозлик ҳам қилган. Ҳадис илмидаги унинг шогирдларидан Макхул ибн ал-Фадл, Муҳаммад ибн Маҳмуд Анбар, Ҳамад ибн Шокир, Абу ибн Муҳаммад ан-Насафюн, Ал-Ҳайсам ибн Қулайб аш-Шоший, Аҳмад ибн Юсуф ан-Насафий ва Абу-л-Аббос Муҳаммад ибн Маҳбуб ал-Маҳбубийларни кўрсатиш мумкин. Кўп йиллар хорижий мамлакатларда бўлганидан кейин Ат-Термизий ўз юртига йирик муҳаддис олим сифатида қайтади, ижодий иш ва шогирдлар тайёрлаш билан машғул бўлади. У 279 ҳижрий (милодий 892) йилда Термиздан унча узоқ бўлмаган Буғ қишлоғида вафот этади ва шу ерда дафн қилинади. Унинг қабри ҳозирги пайта давлат томонидан муҳофаза этиладиган тарихий ёдгорлик бўлиб, зиёратгоҳ ҳисобланади.

Ат-Термизий бир қанча илмий асарлар яратган бўлиб, уларнинг аксар қисми бевосита ҳадисларга бағишланган. Шу хусусдан бу ўринда ҳадис илми ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш фойдадан холи бўлмас. Гап шундаки, VII асрнинг биринчи ярмида тирихий жиҳатдан қисқа муддатда юзага келган Қуръон ислом таълимотида катта маданий ва тарихий аҳамиятга эга оссий манба бўлса-да, мусулмон дунёсининг ижтимоий, ҳуқуқий ва ахлоқий томонларида оид жамки масалаларни ҳар томонлама тўқис қамраб ололмаган, албатта. Шу боисдан ҳам ислом дини чегараларининг кенгайиши ва унинг қонун-қоидаларига асосланган жамият ривожлангани сари турли-туман янги ғоявий фикр-мулоҳазалар ва кўрсатмаларга эҳтиёж тобора кучая борган. Шу сабабли барча жиҳатлардан намунали зот ҳисобланган пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ўзлари айтган ибратомуз панд-насиҳатлар, диний ва ахлоқий масалаларга қарашлари ва кўрсатмалари ҳамда пайғамбар алайҳиссалом ҳаёти, фаолияти хусусида унинг қариндош-уруғлари, саҳобалари, яқин сафдошлари айтган ҳикоят ва ри-



Яқинда Тошкентда Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро ислом анжумани муваффақиятли ўтди. Анжумани Ўрта Осийе ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармасининг раиси муфти Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф очди ва маъруза қилди.

Суратларда: халқаро анжуманининг очилиш пайти.

Сураткаш. С. Маҳкамов.

воятлар — ҳадисларни тўплаш кенг қўламда авж олган. Шунга кўра, Ислом таълимотида ҳадислар Куръондан кейин турадиган муҳим манбалар ҳисобланади. Ҳадисларни тўплаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш билан шуғулланган олимлар муҳаддислар деб аталган. Ислом уламолари ўртасида илк даврдан бошлаб ҳадисларнинг тўғрилиги, уларнинг ишончли манбаларга асосланишига катта эътибор берилган. Чунончи, илк даврлардаёқ ноаниқ, чала-чулпа, ҳатто сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқай бошлаган. Шундай пайтларда улар қайта-қайта текширилиб, олимларнинг бетиним меҳнати натижасида асли ҳолига қайтарилиб, ёзма равишда қайд қилинган. Натижада исломшунос йирик уламолар орасида ишончли манбалар асосида тўпланган ва тартибга келтирилган олти ҳадислар тўплами муаллифлари энг нуфузли ва ишончли муҳаддислар деб тан олинган. Мана шу тан олинган машҳур муҳаддислардан бири Имом ат-Термизийдир.

Ат-Термизийнинг қаламига мансуб илмий асарларнинг аксар қисми бизгача етиб келган. Шулардан «Ал-Жомий» («Жамловчи»), «Аш-Шамоил ан-набавий» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари»), «Ал-Илал фи-л-ҳадийс» («Ҳадислардаги оғишишлар»), «Рисола фи-л-хилоф ва-л-жадал» («Ҳадислардаги ихтилоф ва баҳслар ҳақида рисола»), «Ат-Тарих» («Тарих»), «Китоб аз-Зухд» («Тақво ҳақида китоб»), «Китоб ул-асмо ва-л-куна» («Исмлар ва лақаблар ҳақида китоб») ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Ат-Термизийнинг асарлари ичида энг машҳури, шубҳасиз, «Ал-Жомий» бўлиб, аввал эслатиб ўтганимиздек, у пайғамбар алайҳиссаломга доир олти ишончли ҳадислар тўпламларидан биридир. Ушбу асар илмий адабиёт ва манбаларда «Ал-Жомий ал-кабир» («Катта тўплам»), «Ал-Жомий ус саҳийх» («Ишончли тўплам»), «Жомий ат-Термизий» («Термизий тўплами»), «Сунан ат-Термизий» («Термизий суннатлари») каби номлар билан ҳам аталади.

Ат-Термизийнинг машҳур таълифларидан яна бири «Аш-Шамоил ан-набавий» («Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари») бўлиб, бу

асар баъзи манбаларда «Аш-шамоил фи шамоил ан-набий салло оллоху алайҳи ва саллама» номи билан ҳам келтирилган. Асар пайғамбар алайҳиссаломнинг шахсий ҳаётлари, у кишининг суврат ва сийратлари, ажойиб фазилат ва одатларига оид 408 ҳадиси шарифни ўзига жамлаган қимматли манбадир. Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, одатлари ҳақидаги ҳадисларни тўплаш билан жуда кўп олимлар—муҳаддислар шуғулланганлар ва бу хилдаги ҳадислар турли-туман китоблардан ўрин олган. Лекин Ат-Термизий асарининг юқоридаги асарлардан афзаллиги ва фарқи шундаки, у ҳадисларни мунтазам равишда тўплаб, муайян тартибга келтирган ва яхлит бир китоб шаклида жамлаган.

«Аш-Шамоил ан-набавий» азалдан исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб этиб келади. Араб тилида битилган ушбу асарга бир қанча шарҳлар ҳам ёзилган, Шу билан бир қаторда ушбу асарнинг тили равон ва услуби ғоятда оддийлигини ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлидир. Асарнинг форс ва турк тилларига таржима қилинганлиги ҳам унга бўлган қизиқишнинг катталигидан далолат.

«Аш-Шамоил ан-набавий»нинг биринчи қисмида келтирилган ҳадислар пайғамбар алайҳиссаломнинг суврат (ташқи қиёфа)ларига бағишланган, буларга кўра, пайғамбаримиз новча ҳам, пакана ҳам эмас, балки ўрта бўйли, яғриндор, кўллари гўштдор (бўлали) ва доимо жун билан қопланган, кафтлари бўлиқ, қирғий-бурун, пешоналари кенг, кўзлари катта-катта бир зот бўлган.

Асарнинг иккинчи қисмида келтирилган ҳадиси шарифлар эса пайғамбар алайҳиссаломнинг ички дунёсию ахлоқий фазилатларини баён қилади. Бу ҳадислар билан танишар эканмиз, Муҳаммад алайҳиссалом ахлоқий жиҳатлардан намунавий, мукамал бир зот эканлигини, муомалада унинг катталару-кичиклар, аёллару эркаклар, бойлару-камбағаллар билан ўзини бир хил муомалада тутганини, рўзғор ва оила юмушларида ўз хотинларига астойдил

қўмаклашиб ёрдам берганини, агар бирор гуноҳ қилиб қўйган киши уэр сўраса, унинг гуноҳини кечирганини, барча одамлар билан ўта латофатли муносабатда ва ширинсухан бўлганини, йўлида учраган барча кишиларга биринчи бўлиб салом бериб, ҳол-аҳвол сўрашишни билиб оламиз. Бу ўринда пайғамбар алайҳиссаломга мансуб баъзи ҳадиси шарифларни келтирамиз:

— Ас-салом қабл ал-калом («Аввал салом бер, кейин сўзла»).

— От устидаги суворий пиёдага (аввал) салом беради, юриб кетаётган ўтирган кишига, озчилик кўпчиликка салом бериши керак.

— Агар овқатланаётган жамоа ёнига бир киши келиб салом берса, таомга таклиф қилинг, агар салом бермаса, таклиф қилманг.

«Аш-Шамоил ан-набавий»нинг XVI асрга оид бир қўлёзмаси Тошкентда, Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний Бошқармаси кутубхонасида сақланмоқда. 1980 йилда Тошкентда Диний бошқарма буюртмаси билан «Аш-Шамоил ан-набавий»нинг ушбу қўлёзмаси офсет тариқасида нашр этилган бўлиб, ундаги қисқача сўзбоши Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний бошқармаси ҳайъатининг собиқ раиси, марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобоҳон ҳазратлари томонидан ёзилган.

Буюк ватандошимиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий бизга бой илмий мерос қолдирган. Афсуски, бу қимматбаҳо мерос жумҳурияти-мизда жуда кам ўрганилган. Кенг жамоатчилик оммаси ҳам унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ғоятда оз маълумотга эга. Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний Бошқармаси ташаббуси билан шу йил сентябр ойида Ат-Термизийнинг 1200 йиллик юбилеи ўтказилиши буюк муҳаддис олим илмий меросини ҳар томонлама тўлиқ ўрганишда сезиларли қадам бўлади, деб умид қиламиз.

Убайдулла УВАТОВ,
В. И. Ленин номли Тошкент Давлат
дорилфунуни Шарқ факультетининг доценти,
филология фанлари номзоди.



Тўй — ҳар бир инсон умридаги энг қувончли воқеалардан бири. Эл олдига дастурхон ёзиб, топган-тутганини баҳам кўриш одати қадимдан ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаяпти. Айниқса меҳмондўст ўзбек халқи бу удумни ниҳоятда қадрлайди. Афсуски, кейинги йилларда мана шу удумларимиздан файз кўтарилгандай, бир-бирига ўхшаш, сохта шон-шухрат ортидан қувиш ҳоллари учраб турибди. Яқинда ана шундай тантаналардан бирида бўлдик. Барча нознеъматлар тўкиб ташланган. Дастурхон атрофида ёш-яланглар, барчанинг кайфияти аъло. Келин-куёвга ширин тилаклар, хонадон соҳибларига ҳамду-сано айтувчилар сон-саноқсиз. Тўй қизигандан қизиб борарди. Бир вақт қаршимизда ўтирган меҳмонга нимадир ёқмади шекилли, тўполон бошланиб қолди. Тезда уни

«тинчитувчилар» пайдо бўлишди. Бироқ уринишлар зое кетди. Натижада гавжум тўй дилисиёҳлик билан тугади...

Тўйхонадан қайтаётганда ҳамроҳим Абдулхамид: «Агар даврада ёши улуглар ҳам бўлганда воқеа шу даражага бормасмиди? Нега энди тўй давраларида кексаларимиз қатнашмай қўйишди?» деб куюнди. Унинг эътирози

ҳақли эди. Ҳақиқатан ҳам давраларимизнинг кўрки бўлган отахонларимиз нима учун тўй-томошалардан ўзларини четга олишмоқда? Ёшлар билан бир дастурхон атрофида ўтиришни ўзларига эп кўрмасликларига нималар сабаб бўлаётир?

Дарҳақиқат, кейинги пайтларда тўй давраларида мана шундай аҳволни тез-тез учратамиз. Ваҳоланки, орзу-умид билан эл олдига дастурхон ёзган мезбонлар маҳалланинг нурунийлари ҳам шу тўйга ташриф буюришларини, даврага кўрк, ёшларга бош бўлиб ўтиришларини жуда-жуда хоҳлайдилар. Афсуски, аксинча: «Ёшларнинг орасида нима қиламиз» қабилдаги гаплар тез-тез қулоққа чалинадиган бўлиб қолаяпти. Ёки: «Ароқ қўйилган дастурхон атрофида ўтириб ўзимни гуноҳга ботирайми?» дегувчи отахонлар ҳам йўқ эмас.

Уларнинг ҳам эътирозиди жон бор. Лекин отахонларимизнинг ёшлар билан бир даврада ўтирмасликларига сабаб фақат шумикан? Масалага жиддийроқ ёндашадиган бўлсак унинг туб моҳияти бошқача эканлигини англаймиз. Кўп вақтлар бугунги турмушимизни ўтмишдан мерос бўлиб қолган анъаналарни «тарашлаб», «сарқит»лардан «тозалаб» келдик. Ўзимиз билмаган ҳолда тўйларимизни сохталаштириб юбордик. Асрлардан-асрларга ўтиб келаятган удумларимиз бетақдор осори-атиқаларимизнинг поймол этилиши, шу жумладан тўйларда спиртли ичимликларга зўр бериш, шарқона удумларимиздан чекинишлар, кексаларимизнинг ҳақли равишда ранжишларига сабаб бўлди.

Илгарилари тўй қилувчи киши албатта ўзига яқин кекса кишиларни, қариндош-уруғларни тўплаб улар билан маслаҳат қиларди. Йиллар давомида жамғарганларини улар измига топшириб: «Шу маросимни ширин қилиб ўтказиб берасизлар», дейишарди. Шунинг учун эҳтимол халқимизда: «Маслаҳатли тўй-тарқамас», деган ибора пайдо бўлган.

Ўша даврдаги тўйларда атайлаб, пул сарфлаб машшоқлар чақирилмаган. Биргина доира, дутор ёки танбур билан бутун бир тўй завқ билан ўтказилган. Даврага ташриф буюрганлар навбатма-навбат қўшиқ айтишган, гуруҳ-гуруҳ бўлиб аския пайрови, ҳазил-мутойиба қилишган,

хуллас, мезбону меҳмоннинг шу кечадан кўнгли тўлиб, ҳузур қилишган. Энг муҳими, одамлар бўлажак тўйни зориқиб кутганлар.

Тўйга келган қариндош-уруғлар, ёру дўстлар бир-бирининг дийдорига тўйишган, самимий суҳбатлашишган, ўтган муддатдаги янгилик ва ҳоказолар ҳақида мусохаба қуришган. Ҳозирги тўйларни ҳам ана шундай анъаналарга амал қилган ҳолда, пиру бадавлат отахону онахонлар жамоанинг ҳурматли кишиларини давраларнинг тўрида иззат-эътибор топиб ўтиришларини таъминлаш лозим.


Тўғри, ҳамма нарсани ҳам ўз замонасининг тарозусига солиб ўлчаш керак.

Инсоф юзасидан айтадиган бўлсак, ёшлар билан кекса авлод орасида узилиш келажак юкини кўтарувчи бугунги ёшларимизни ўтмишнинг энг қимматли неъматларидан маҳрум қилиб қўймоқда. Аждодларимизнинг ўғит-сабоқлари, турмуш тажрибалари, энг зарури — оддий рўзгор юришдан тортиб катта удумларимизгача идрок эта олмаяпмиз. Кексаларимизнинг насиҳатларини қулоққа олмаяпмиз. Натижада мустақил ҳаёт бошлаётган ёшлар турли хил тўсиқларга йўлиқиб, йўлдан адашишмоқда. Шундай тўйлардан кўп ўтмай бошланаётган қўйди-чиқдилар жанжалу тўполонлар кўпайса-кўпаяётибди, камаймаётир.

Давраларда хуш ёқмаётган яна бир камчилик шуки, таклиф этилаётган ҳаваскор санъаткорларнинг савияси паст, қуйланаётган қўшиқларнинг мазмуни саёв.

...Араб халқларида қадимдан бир одат бор — жамоа ишини ҳал қилиш учун бирон йигин ёки мажлисга борадиган кексалар ўзлари билан 12 ва ундан катта ёшдаги ўғли ёки набирасини олиб бориши шарт экан. Чунки ёши 12 дан ошган ўғил бола бир мунча мустақил ҳисобланади. Кексалар билан яқиндан мулоқотда бўлинганда ҳаётнинг энг зарур қонун-қоидаларини ўзлаштириб борилади, бу нарса ўша ёшларни ҳаётга тайёрлайди. Бизда эса бундай қилиш одат тусига кирмаган. Кексалар ва ёшларнинг ўзаро алоқаси узилиб қолганлиги меҳр-оқибат ва ҳурматга путур етказмоқда. Натижада набира бобоси билан, ота эса фарзанди билан умумий тил топиши қийинлашиб бораёпти. Ус-

ДАВРАЛАРНИНГ



Бобо: — Ҳой, мухбир ука, мен ҳам тўқсонга кирдим, журналда суратимни чиқар, гапларинг менга ҳам ёқди...

Сураткаш Р. Нурибоев

ФАЙЗИ, СУРУРИ



тига устак мутлақо турмуш туту-
мимизга зид бўлган — кексаларни
«қариялар уйи»га топшириш
қоллари ҳам учраб турибди. Бу
ҳам ёшлар тарбияси билан боғ-
лиқ жиддий масала. Ваҳоланки,
бизнинг мўйсафидларимизга нис-
батан бўлган кучли ҳурмат-эъти-

боримизга барча халқлар азал-
азалдан ҳавас қилиб келишган.

Ёшлар ва кексаларнинг ўзаро
яқинлашувини, ҳамфикрлигини
таъминлай олсак, келажак учун
сув ва ҳаводай зарур бўлган мил-
лий урф-одатларимиз ҳамда мил-
лий кадрларимиз равнақиға

муштақкам замин яратган бўла-
миз. Машҳур ёзувчи Чингиз Айт-
матов айтганидек... «миллий ха-
рактернинг йўқолиши халқнинг
ҳалокатига тенг бўлиб, бундай
ҳолда халқ маънавий-маданий
бойлик ярата олмайди... Халқ-
нинг ўзига хослиги, унинг тили,

психологияси, анъаналари орқа-
ли намоён бўлади...»

Шундай экан асрлар давомида
шаклланган ўз удум ва анъана-
ларимизни сақлаб қолиш учун
мўйсафидларимиз билан ҳамна-
фас бўлмоғимиз лозим.

Омонжон НУРМАТОВ



ҲАЖ САФАРИДАН

Ассалому алайкум жумла мў-
мин ва мўминларга! Вараҳма-
тулло ва баракоту хува!

Бизлар тенгиларнинг кўпчили-
ги етмиш йиллар мобайнида ти-
лак-орзулар қилиб, ҳажга бора
олмасдан армон билан ўтиб кет-
дилар. Не бахтки, орзу-армонлар

ушаладиган замонлар кўплар
қатори мендек кекса бир одамга
ҳам насиб этди.

Мен 80 ёшимда ҳажга бориб,
у муқаддас тупроқни тавоф этиб,
сиҳат-саломат ўз юртимга қай-
тиб келдим. Беадад шукур!

Президентимиз Ислоҳ Каримов
халқнинг юрагидаги мақсадини
англаб, дардига даво бўлиш йўл-
ларини изламоқда. Жумладан,
500 кишига ҳаж сафарига рух-
сат берилиши мисли кўрилмаган
ва эшитилмаган хурсандчилик-
лардан бўлди.

Урта Осиё ва Қозоғистон му-
сулмонлари Диний бошқармаси
муфти ҳазратлари Муҳаммад Со-
диқ Муҳаммад Юсуф ҳаж сафа-
рига рухсат берилишида жонбоз-
лик қилдилар. Буларга оллоҳу
таолодан ҳамма баракотлар бўл-
син, омин!

Саудия Арабистони подшоси
биз билан суҳбатлашиб, алоҳида
жойлар тайёрлатиб ва яхши ша-
роитлар ташкил этиб бердилар.
Ҳаж сафаримиз давомида халқ-
мизнинг фаровонлиги ва тинч-
лигини тилаб дуода бўлдик.

Барча мусулмонларни оллоҳи
таоло яхши ниятларига етказсин.
Омин ва раббил оламин!

Жўраҳон ХУЖАМУРОД ўғли

Қўқон.



— Ҳаж муборак бўлсин.
— Ҳаж сафарига бориш орзуим кексайганимда
ушалди, — дейди 102 ёшли Ҳошимжонхожи Юсуф
ўғли.

Сураткаш А. Ковтун (ЎЗТАГ)



Одамлар гапида турганида пешонаманда манови кўргуликлар бўлмасмиди...

Қишлоқ подасини даладан ҳайдаб келаётган Жўракул Сапуранинг «Қизим сенга гапиряпман, келиним сен эшит» қабилидаги гапини узоқданоқ эшитди, эшитдию девор бўйлаб ҳовлига қаради ва тарғил говмушини боғлаётган Сапурани, чорпоянинг ёнида ер шохлаб ўтирган унинг эри — Аҳмадни кўрди, аммо ҳеч балога тушунмай, елкасини учуриб қўйди. Чунки Сапура бир умр моллар қайтаётган маҳал Жўракулни кўрмай, унга тош отар, подачи, етим кўзи, деб унинг устидан куларди. Бугун... Бугун одати азал бузилди, илк маротаба Сапура Жўракулнинг устидан кулмади, юрагидаги борини гапирди. Фақат Сапуранинг қочирғига Жўракулнинг тиши ўтмади, тиши ўтмаганидан елкасини учуриб, молларини ҳайдаб кетаверди. Молларни уй-уйига тарқатиб чиққанида Сапурани, Сапурага қўшиб унинг қочирғиниям унутди.

Икки пиёла аччиққина кўк чой ичиб чарчоғи ёзилгач, ёстиқни биқинига тортиб, оёқни узатган аснода девордаги расмларга назари тушиб... жойидан туриб кетди. Уқувчилик йилларидаги расмига қараб кулгуси келди, солдатлик... солдатлик йилларидаги расмларга негадир қарай олмай, кўзини обқочди ва сал чеккароқдаги қизлар даврасидаги Сапурани кўриб, унинг бугунги гапи яна эсига тушиб қолди. Шу аснода қизи косада овқат кўтариб келди.

Жўракул дастурхонга қўйилган овқатга эътибор қилмай, қизига қаради.

— Энанг қаерда?

— Ошхонада овқат сузаяпти.

— Бор, чақир!

Қизи изига қайтиб, уйдан чиқди.

Бир муддат ўтиб-ўтмай, уйга қўлини сочиққа арта-арта Хусния кириб келди.

— Қани, мундай ўтирчи?

Хусния эри кўрсатган жойга ўтирди.

— Анови, нима-а, ундай дейди?

Хусниянинг кўзи пир-пир учди, ҳеч балога тушунмади, тушунмаганидан:

— Кимни айтаяпсиз? — дея сўради.

— Кимни бўларди, Сапуранида.

— Ки-им? — Хусниянинг кўзи қисилиб, қайта сўради.

— Нима бало кармисан, Сапура деяпман...

— Сапура... нима депти?

— Ҳамиша подачи деб устимдан кулайди, бугин жа бошқача гап қилди.

Хусниянинг қовоғи уюлди.

— Ўздан сўрамадингизми?

— Қизиқ гапирасанда, хотин, ўздан сўраб бўлайканми, эри алкаш нарса, тура солиб уйдан милтигини кўтариб чиқса, нима бўлади?

— Нима бўлайди, зўр бўлайди, яхши бўлайди. — Жўракул хотинига олайиб қаради.

— Ним-а, менга ундай қарайсиз?

— Мен сени одам билиб, гап сўраяпман.

— Одам санаган одам, билиб туриб устимдан кулмайди.

— Уйлаб гапиряпсанми, ким сендан кулаяпти?

— Сиз, — деди Хусния. — Бу гапларингиз кулиш эмас, унданам баттар, мени ўлдириб устимга чиқиб тепишдай гап.

— Бугун ўзи силарга нима бўлаяпти, а?

— Бизга эмас сизга нима бўлаяпти деса тўғрироқ бўлади. Бўлмаса қирқ йил бурун ўлган илоннинг бошини кўзгаш кимга керак, ё мен бир вақтлар Сапурани яхши кўрайдим, бечора энди қийналиб қолибди демоқчимисиз?

— Ни-ма?! — Жўракулнинг овози кўтарилди. — Бу нима деганинг Сапурани ким яхши кўраман деяпти?

— Ҳарҳолда мен айтган бўлмасам керак.

— Хотин, кўзингга қара.

— Ҳа... армиядан келган кезларингиз уйлансам, фақат Сапурага уйланаман деб жария қилган мен эмас, сиз бўласиз.

Жўракул хотинининг ишончли ва асосли гапларидан сўнг бошини сал қийшайтириб

уйлаб кетди. Фақат уриниши натижасиз бўлди, эслай олмади. Чунки бу сўзни, йўқ, йўқ, бу сўзга туртки бўлган гапни тилга олганида Жўракул эслайдиган ҳолатда эмасди. Кечагина елкасидан аскар шинелини ечган, кўйлак енгига сиғмаган мушаклари ўйнаб турган бўз бола, юрса оёғи тагидан чанг, нафасидан тутун чиқадиган пайт. Уйма-уй қишлоқдошлариникига, қариндош-уруғлариникига кўз ойдинга кириб юрган кунлар... Шўрвалар косаларда, ошлар лалиларда дастурхонга тортилган, газалига қараб оқидан, қизилидан пиёлаларга қўйилган...

Аскар чақирғи Худоёр аканикида бўлаётганди. Пиёлалар икки-уч айлангач, ташқарига чиқиб келган Жўракул сабри чидамай ёнида ўтирган Камолга Сапура зап қиз бўптима, бағрингга олсанг қучоғинг бемалол тўлади, дея шипшиди. Камолнинг нарисиди ўтирган шериги Жўракулнинг гапига қизикди ва Жўракул Сапурани яхши кўриб қопти, деган жавобни эшитди. Ва, ниҳоят, яхши кўраман давранинг ниҳоясига бориб, уйланаман билан яқунланди. Уйдан эса уйлансам фақат Сапурага уйланаманга айланиб чиқди. Бу сўз тилдан тилга, йилдан-йилга ўтиб, шу кунгача етиб келди.

Сапура сабаб бўлиб тилга тушган сўз, Сапура баҳона эгасига қайтиб келди. Фақат Жўракул ишонмади, ишонмагани учун хотинига қараб:

ЖЎРАҚУЛНИНГ КАШФИЁТИ

Ҳажвия

— Айтмаганман, — деди бошини чайқаб, — ўзинг ичингдан тўқиб гапиряпсан.

— Мен-а? — Хусниянинг кўзи қисилди. — Мен ичимдан тўқиб гапиряпманми, унда айтингчи, нега Сапура сизди кўрдим дегунча косанинг тагида, ним коса қилиб гапирди.

— Билмасам...


— Билмайсиз, — Хусния қошини учирди. — Жудаям биласизда, билиб туриб мени куйсин, куйиб ёнсин деб шундай қиласиз. Етти ухлаб тушига кирмаган сўз уни шошириб қўйди; бир пайтлар норғул йигит бўлгани, қизлар унга ҳавас қилгани, ордидан юргани... хаёлини тўзатиб юборди. Нима деяётганини ўйлаб кўрмай:

— Ажаб қиламан, — деб юборди.

— А-а! — Хусниянинг кўзи косасидан чиқиб кетди. — Нима дегингиз яна бир қайтаринг?

Фақат Хусния ўринсиз жаҳлланганди, чунки Жўракулнинг юрагини илитган хотиралар ҳали узоқда эди, иссиғи елпиб ўтгани билан батамом етиб келмаганди.

— Қўтир кўнглимга олтин жомашов, — Жўракулнинг мум тишлаши Хусниянинг тилини чиқарди: — Бу турқи-тароватингизда Сапура сизди бошига урадимми, бу исқирт юришга мен чидайман, у... биласизми унга юзи силлиққина, бўйнига бўйинбоғ таққан ўқимишли одам керак. Сиз унга ким бўпсиз. У манжалақи отдан тушгани билан ҳали эгардан тушган эмас. Эри ичмайдиган, мактабда завуч кезлари, оёғининг остини кўрмасди, сиз тугил ҳамманинг устидан кулайди. Ичкилик сабаб эри мансабдан эмас, ишдан ҳам кетди, қишлоқдаги ортиқча одамга айланди. Сиз подачи бўлсангизам ичмайсиз, қишлоқ билан олди-бердингиз яхши. Бирортасиникида тутун чиқса, чеккада қолиб кетмайсиз. У манжалақи шуларни билади, билиб туриб аламдан ичи куяди. Кимга нишини суқишни билмай, яна сизга айтган. Гап қаердалигини энди тушундингизми?



Қиличбек МУСТАФӨЕВ

— Ҳм-м, — деди Жўракул қошини учуриб.

— Нима-а оғзингизни суви қочаяпти? — Хусния эрини туртди, — Ё ўзлариям, а?..

— Қўйсанг-чи...

— Унда қаердаги йўқ гапларга бошингизни оғритмай овқатга қаранг, совимасин.

Жўракул косани олдига тортди, лекин тегмади. Унинг боши оғриб, хаёли қочиб

улгурганди. Жойидан туриб, яна ромдаги расмларга яқин борди. Аскарлик йиллари тушган расмини ромдан олмоқчи бўлганди, бир нечаси қўшилиб ерга тушиб кетди. Бошқа расмларга тегмади, аммо аскарликда тушган расмини ердан кўтарди. Кўзига яқинроқ олиб келиб қаради ва девордаги ойнага... Расмдаги йигит ўзи эканлигига ишонмади. Ишониш учун расми кўкрагига қўйиб ойнага яқинроқ борди: бошидаги ярғоқ дўппи, устидаги серямоқ чакмон, ажинларга қўшилиб, юзга раҳна солган соқол... ва юзи-кўзидаги ёшлик нафасини кўз-кўз қилиб турган Жўракул. Ютуниб, норози бош чайқади. Расми авайлабгина тоқчага қўйиб аввал устидаги жамокорни ечиб улоқтирди. Сўнг-ра ироқи совун билан бошини обдон ювди, қиртишлаб соқолини олди. Устига оҳори тўқилмаган кийим-бошини олиб, бошига акиси Самарқанддан олиб келган дўппини кийиб яна ойнага рўпара бўлди. Юздаги ажинни, бошдаги дўппини демаса солдатлик йилларида тушган расм билан орасидаги фарқ қамайдиган: юздаги кулгиям, қоши қабоғам, лаби-даханам бир.

Жўракул Сапуранинг қочирғи баҳона Хусниянинг ҳархашасиниям унутган эди. Унутиш баробарида ўзининг қирқ ёшини, қирқ ёш — қирчиллама ёшлигини, ҳаётдан ҳам умиди батамом сунмаганини шу лаҳзадагина англади, кашф қилди. У гўё онадан янги туғилган эди. Юрагига илиқлик инди, шу илиқлик билан дастурхонга, яқин келди, косани олди-га тортди.

Жўракул косадаги овқатнинг совиб қолганини сезмади, маза қилиб овқатланди. Устидан икки пиёла чойам ичди. Жўракулнинг назарида бугун косадаги овқат ҳам, чойнакдаги чой ҳам, уйдаги ҳаво ҳам... бошқача эди. Қанақалигини Жўракулдан сўраш керак. Чунки бошқачалигини кўриш, кашф қилиш фақат Жўракулгагина насиб қилди.

ҶАҚИР-ҶИҚОЛАР

«Эллик беш йил сувчилик қилган Хурсанбой ота Эшқувватов бод касалига чалиниб, ногирон бўлиб қолди. Ҳозир юзларидан нур ёғилиб турган отахон кексалик гаштини сураётир.»

(Ноҳия газетасида босилган лавҳадан)

* * *

«Шаҳарларимизга келаётган баъзи беҳаё сайёҳлар урф-одатларимизни писанд қилмай, ярим яланғоч, калта иштонда (шўрти) сайр қилиб юрибди. Эрта-индин улар касалхонадан қочган телбадек қип-яланғоч юрса ҳам жим тураверамизми?»

(Тожи тажангинг саволи)

* * *

«Порахўр Соли Силлиқдан: Бу сафар ҳам сувдан қуруқ чиқдинг-а, десам, «Мен ёшлигимда говвос бўлганман», деб мақтанди.»

(Қулоққа чалинган гап)

* * *

«Иккита саёқ ит билан тўртта ўғри мушук ишхонамдан уйимгача кетимдан эргашиб келди. Кейин билсам, улар белимга борланган гўштнинг ҳидини олган экан.»

(Гўшт комбинати ишчисининг гапи)

«Гўшт, сариёғ, пишлоқ ва бошқа маҳсулотлар тахчил бўлгани учун «Зил» холодилнигимни сотаман.»

(Магазин деворидаги эълон).

* * *

«Маҳалламизда безори йўқ, деб туриб олган эдим, Соли чатоқнинг икки йил ўтириб чиққан киссавур ўғли: «Бекор айтибсан, бор, мана исботи!» деб чаккамга тарсаки тортиб юборди.»

(Шикоятдан)



Алла

(Ароқхўр оталар ўқимасин)

Лочин учар рост бўлиб, аллаё-алла,
Қарға учар паст бўлиб, аллаё-алла.
Тезроқ ухла жон қўзим, аллаё-алла,
Даданг келар маст бўлиб, аллаё-алла.

Куним ҳеч кун бўлмади, аллаё-алла,
Чинни буюм қолмади, аллаё-алла.
Барчасини синдирди, аллаё-алла,
Жанжалдан ҳол қолмади, аллаё-алла.



Ваъдалари кўп эдиё, аллаё-алла,
Обрўси ҳам хўп эдиё, аллаё-алла.
Ичкиликка берилмай, аллаё-алла,
Юрса нима бўп эдиё, аллаё-алла.

Ўзинг ҳали ёшгина, аллаё-алла,
Орзум: тезроқ ўсгина, аллаё-алла.
Хизмат қилиб эл-юртга, аллаё-алла,
Рўзгорга бўл бошгина, аллаё-алла.

Абдуалим ЭРГАШЕВ

ҲАР КАЛЛАДА ҲАР ХАЁЛ

Ҳазил

Бир кун деди битта дўстим:
«Вунча кетибсан озиб.
Ўйлайверма бу дунёни,
Нима керак шеър ёзиб?
Сен ҳам бундай фикрла, боқ
Турмуш билан юзма-юз.
Ким ҳам яшар ахир, ўртоқ,
Бир маошга тикиб кўз.
Одамлардай яшасанг-чи,
Ҳаттоки йўқ пишанг.
Ёғлиқ жойда ишласанг-чи,
Бахмал бўлар тўшагинг.
Беш кунлик бу дунёсида.
Тўйгунингча даврон сур.
Жамғариб пул, машина ол,
Юлдузни бенарвон ур.
Қассоб Карим минар «Волга»,
Шу Ўткурча «Жигули».
Топилади бари пулга,
Ҳамма ишнинг бор йўли.
Сенинг бошинг менда бўлса,
Бўлардим зўр амалдор.
Насиҳатим олгин, дўстим,
Кимга керак шеър, ашъор?..
Қандай гўзал, бахтли замон,
Ҳар кимда ҳар хил тилак.
Қассобга гўшт, эчкига жон,
Саодатга шеър керак.

Саодат ТОЖИ
Қашқадарё




— Ариқларда ҳам тоза сув оқмай қўйди,
кунимиз жўмрак излаб ўтадиган бўлиб қолди.

Сураткаш Р. Нуриноев




— Ола қарга «қағ» этар, ўз вақтини чоғ этар...

Сураткаш Н. Шарипов



Қиш даракчилари — дайди «қаргалар»
ЎзТАГ суратлари



«Тарих саҳифалари» тилсими

1. Амударё этакларида X аср охирларида ташкил топган давлат. 2. Ўрта Осиёдаги икки дарё ораллигидаги ҳудуднинг кўҳна номи. 3. Буюк фалакиёт-шунос олим Улуғбек қурдирган коинотни кузатиш иншооти. 4. Улуғ ҳаким Ибн Сино туғилган Бухоро ҳудудидаги маскан. 5. Самарқанднинг қадимий харобаси. 6. Милоддан аввалги, қулдорлик муносабатлари ривожланган обод ўлка. 7. Сирдарёнинг қуйи оқимида X—XI асрларда ҳукмронлик қилган ўғуз подшолигининг қароргоҳи. 8. Утмишга мансуб одам ва буюм қолдиқлари топилган Бойсунтоғдаги ғор. 9. Тошкентнинг қадимий номи. 10. Жангнома мазмунидаги афсоналардан бири. 11. Фарғона водийсидаги қадимий шаҳар. 12. X аср олими, «Бухоро тарихи» асари муаллифи. 13. Воқеа ва ҳодисалар қайд этилган тарихий асар. 14. Энг қадимги китоблардан бири. 15. Ибтидоий давр маданияти қолдиқлари сақланган Тошкент вилоятидаги ғор. 16. II—V асрларда Хоразм шоҳларининг қароргоҳи бўлган шаҳар, қалъа харобаси. 17. Ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида жойлашган ўрта асрга мансуб йирик шаҳар. 18. Ўрта Осиё халқлари орасида машҳур бўлган қаҳрамон аёллар ҳақидаги афсона. 19. Милоддан аввалги VII—VI асрларга мансуб дастлабки давлатлардан бири. 20. Қадимий марказий шаҳарлардаги ҳокимият қароргоҳи. 21. Шаҳрисабзнинг қадимий номи. 22. Ўзбек — тожик халқлари мусиқа санъатининг мажмуаси. 23. Навоий таклифи билан «Равзат ус-сафо» асарини ёзган XV аср тарихчиси. 24. Тошкентнинг қадимий қабила-ларидан бири бошчилигида ташкил топган подшолик.

9-сонда босилган тилсимнинг жавоби

ЭНИГА 1. «Латофатнома». 6. Мунозара. 8. Дехлавий. 11. Мискин. 12. Чистон. 13. Жамбул. 16. Фурқат. 17. Мирали. 18. «Баҳористон». 21. Машраб. 22. Фитрат. 25. «Гулзор». 27. «Толеим». 28. Наврўз. 32. Жангнома. 33. «Зулфизар». 34. «Зарбулмасал».

БЎИНИГА: 2. Асар. 3. Меҳр. 4. Мунис. 5. Китоб. 7. Аския. 8. Девон. 9. Мисра. 10. Ғазал. 14. «Ҳапалак». 15. Низомий. 19. «Ушшоқ». 20. «Уртар». 23. Шоира. 24. «Фируз». 26. Лугат. 29. Роман. 30. Нома. 31. «Алла».

МУҚОВАДА:

Бўстонликда ғалла ўрими
Сураткаш Р. Нурибоев



Товуқлар қўзғолони.

Рассом И. Жиянов

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Бу сондаги айрим материалларни тайёрлашда «Правда», «Известия», «Труд», «Сельская жизнь» газеталаридан фойдаланилди.

Босмаҳонага туширилди 18.08.90. Босишга рухсат этилди 19.09.90. Қоғоз формати 70×108¹/₈. Офсет усулида босилди. Қоғоз тури босма № 1. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Шартли рангли намуналар 16,8. Тиражи 141649. Буюртма 3834.А — 127.Баҳоси 35 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. 700000. Тошкент — II, «Правда» кўчаси, 41.



Жумхуриятимизда ҳадемай чинни буюмлар ҳам
кўпайиб қолади.

Сураткаш А. ЖДАНОВ



Ривоятларга кўра Хўжанддаги ушбу чинорга
Искандар Зулқарнайн ўз отини боғлаган экан...

Сураткаш А. КАРАВАЕВ



Маданий ҳордиқ олин.
Сураткаш Т. СТЕПАНОВА

Андижон. Болалар боғчаларидаги аҳволни тубдан яхшилаш зарур.

Сураткаш А. ЖДАНОВ



Таниқли доирачи Талъат Сайфутдинов.

Сураткаш А. КАВЕЛИН



Ғалаба ёр бўлсин.

Сураткаш А. КУДРЯШЕВ

